

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ:
АСОСИЙ ТУШУНЧА
ВА
ТАМОЙИЛЛАР**

ФАНИДАН

ЎҚУ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



Гулистон - 2013

Ш.ЮСУПОВ. “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАРИ” ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА. –ГУЛИСТОН: 2013. 104 БЕТ.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда фан бўйича муаммоли маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган.

Муаммоли маъруза матнида замонавий педтехнология тизимида суянган ҳолда дарс мақсади ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, назорат саволлари келтирилган. Ҳар бир мавзу охирида фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар келтирилган.

Семинар машғулотлари ишланмасида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, мустақил топшириқларда талаба мустақил равишда ўрганиши лозим бўлган вазифаларлар белгилаб берилган.

SH. YUSUPOV. EDUCATIONAL- METHODOICAL COLLEKTION ON “IDEA TO NATIONAL INDEPENDENCE: MAIN NOTIONS AND PRINCIPLES”. –GULISTAN: 2013. 104 PG.

This educational-methodical collection is prepared for the students of pedagogical specialized and special part time department of Gulistan State University.

It cosists of working program, schedule, course of lectures, seminars, the themes of Individual work and tasks on Individual works. It is also included the list of literatures.

The intermediate questions are given at the end of the collection. This educational-methodical collection is intended for teachers and students of special part time department.

Ш.ЮСУПОВ. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПО “ИДЕЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ: ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И ПРИНЦИПЫ”. –ГУЛИСТАН: 2013. 104 СТР.

Учебно-методический комплекс по “Идее национальной независимости: основные понятия и принципы” состоит из рабочей программы, рейтинговой разработки, критериев оценки, курса лекций, семинарских занятий, заданий по самостоятельной работе, контрольных вопросов, основного и дополнительного списка используемой литературы.

Данный учебно-методический комплекс предназначен для преподавателей и студентов.

Ответственный редактор: кан. фил. наук., доц. С.Исмоилов
Рецензент: кан. фил. наук., доц. Р.Махмудов

Барча бакалавриат йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув-услубий кенгашининг № 10 сонли йиғилиш қарори билан (2013 йил "23" июль № 10 баённома) нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мустақиллик даврида комил инсонни шакллантириш масаласи энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган. Бу таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий фанларга алоҳида масъулият юкланади. Мустақиллик даври таълим тизимида тубдан янги «Миллий ғоя» фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур фанни ўқитишдан асосий мақсад: ватанимиз фуқаролари илмий дунёқарашини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давримизнинг баркамол авлодини шакллантириш, фуқаролар онги ва қалбига миллий мафкура ғояларини сингдиришдан иборат.

Шу мақсадда барча таълим йўналишларида «Миллий ғоя» фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Ўқув дастурига кўра, бу фан учун махсус кундузги таълим талабаларига жами 40 соат: 18 соат маъруза ва 22 соат амалий машғулотлар учун ўқув соатлари ажратилган. Шундан келиб чиқиб, «Миллий ғоя ва фалсафа» кафедрасида «Миллий ғоя» фани юзасидан ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилиб, шу асосида ўқув-услубий мажмуа яратилган.

Мажмуа сўз боши, ишчи дастур, фан бўйича рейтинг ишланма ва баҳолаш мезони, маърузалар курси, семинар машғулотлар, талабалар мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари, ўтилган мавзу бўйича якуний хулосалар, фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан иборат.

Лекциялар курси замонавий педтехнология талабаларига мос равишда қайта ишланиб, унда мавзуга оид муаммолар, ўқув мақсадлари, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган. Лекциялар курсини тайёрлашда илмийлик, изчиллик, мантикийлик тамойиллари асосида шу соҳага оид адабиётлар, илмий мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллардан фойдаланилди.

Мазкур ўқув - методик мажмуа «Миллий ғоя » фанидан давлат тилида яратилган дастлабки ўқув мажмуалардан бири бўлганлиги сабабли унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунинг учун қўлланма ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр, муносабат, мулоҳаза ва таклифларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Фан дастурининг мақсади: Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни сингдириш. Миллий-маънавий меърос ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатпарварлик фазилатларини шакллантириш. Уларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга йўналтириш.

Фан дастурининг вазифаси: Бакалавр босқичи талабаларида янгича дунёқарашни, тарихий хотирани, мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Уларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олийжаноб ғоялар руҳида тарбиялаш. Талабаларга Миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистон тараққиёти ва мустақилликни мустаҳкамлашнинг мафкуравий тамойиллари тўғрисидаги яхлит назария эканлигини тушунтириш.

Фаннинг мазмуни: Жамият ривожининг ғоя ва мафкуралар билан боғлиқлиги. Глобаллашув жараёнининг миллий ғояда акс этиши. Инсон онги ва қалби учун кураш. Жамиятда ғоявий бўшлиқнинг бўлмаслиги.

Фаннинг тутган ўрни: Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳасини ислох этиш бевосита шу жамиятнинг танлаган ғоя ва

мафкураси билан боғлиқдир. Миллий истиқлол ғояси фани жамиятни тубдан ислох қилиш ва янгича тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, янгича дунёқараш, янгича тафаккурни шакллантирмасдан Озод ва обод эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш вазифасини амалга ошириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда ушбу фаннинг жамиятда тутган ўрни каттадир.

Фанлараро боғлиқликлар: “Миллий ғоя” фани аввало ижтимоий фанлар: фалсафа, ахлоқ, нафосат, Ўзбекистон тарихи, диншунослик, маданиятшунослик, педагогика, психология ва бошқа фанлар билан алоқадордир. Қолаверса табиий ва аниқ фанлар билан бевосита боғлиқдир.

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ

№	Мавзулар номи	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	Миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	1.Жамият ва инсон ҳаётида ғоя ва мафкуранинг ўрни ва аҳамияти. 2.Миллий ғоя фанининг баҳс мавзуси. 3.Фаннинг асосий функциялари ва вазифалари.	2
2	Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳият-мазмуни	1.Ғоя тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили. 2.Мафкура тушунчаси ва унинг тарихий-фалсафий таҳлили. 3.Инсоният тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари.	2
3	Тарихий тараққиёт: ғоявий-мафкуравий жараёнлар	1.Жамият тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг ўрни. 2.Инсоният тарихида бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг ижобий ва салбий оқибатлари. 3.Тарихда ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш оқибатлари.	2
4	Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар	1.Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва интенсивлашиши. 2.Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. 3.Глобаллашувнинг ижобий ва салбий оқибатлари.	2
5	Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели	1.Жамият тараққиётида ўзбек модели ва унинг ўзига хос хусусиятлари. 2.Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари. 3.Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб бориши.	2
6	Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири	1.Мустақилликни мустаҳкамлаш ва мафкуравий жараёнлар. 2.Ғоявий бўшлиқ тушунчаси, унинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусияти. 3.Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика.	2

7	Миллий ғоянинг моҳияти, асосий тамойиллари	1.Миллий ғоя тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. 2.Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий-фалсафий илдизлари, асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. 3.Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади ва вазифалари.	2
8	Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими.	1.Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими. 2.Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва комил инсон ғоялари. 3. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик (толерантлик) ғоялари.	2
9	Миллий ғоянинг ёшлар онгига сингдириш соҳалари ва йўналишлари.	1.Мафкуравий тарбия тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. 2.Ёшларни ғоявий тарбиялашнинг заруриятлари. 3.Аҳолининг турли қатламларини ғоявий қуроллантириш омиллари.	2
ЖАМИ:			18 с.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУСИ

№	Мавзулар номи	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳият-мазмуни	1. Ғоя тушунчаси. 2. Мафкура тушунчаси. 3. Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва кўринишлари. 4. Миллий ғоя ва мафкуралар.	2
2	Тарихий тараққиёт: ғоявий-мафкуравий жараёнлар	1. Ижтимоий тараққиёт-ғоя ва мафкуралар тарихи сифатида. 2. Вайронкор ғоя ва мафкуралар. 3. Инсоният ҳаётида ғояга қарши-ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойили. 4. Тарихда ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш оқибатлари.	2
3	Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар	1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар. 2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. 3. Глобаллашувнинг ижобий натижалари. 4. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари.	2
4	Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар	1. Геосиёсат ва геополитика тушунчалари. 2. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. 3. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар. 4. Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар.	2

5	Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели	1. Тараққиётнинг ўзбек модели. 2. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи. 3. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз? 4. Янги жамият барпо этишда мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш вазифалари.	2
6	Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятга таъсири	1. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни. 2. Мафкуравий муаммолар. 3. Ғоявий бўшлиқни тўлдириш зарурияти. 4. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика.	2
7	Миллий ғоянинг моҳияти ва асосий тамойиллари	1. Миллий ғоя тушунчаси. 2. Миллий ғоянинг тарихий-фалсафий илдизлари. 3. Миллий ғоянинг асосий тамойиллари. 4. Миллий ғоянинг моҳиятини ўрганиш муҳим вазифа.	2
8	Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари	1. Миллий ғоянинг олий мақсади. 2. Миллий ғоя ва мафкуранинг асосий вазифалари. 3. Миллий истиқлол мафкуранинг асосий хусусиятлари. 4. Миллий ғоянинг асосий мақсадини билиш зарурияти.	2
9	Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими	1. Миллий истиқлол мафкуранинг бош ғояси. 2. Ватан равнақи ғояси. 3. Юрт тинчлиги ғояси. 4. Халқ фаровонлиги ғояси. 5. Комил инсон ғояси. 6. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. 7. Миллатлараро тотувлик ғояси. 8. Диний бағрикенглик ғояси.	2
10	Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари	1. Шахс, гуруҳ ва жамият руҳиятига таъсир қилувчи мафкуравий омиллар. 2. Соғлом мулоқот маданиятини тарбиялаш. 3. Эътиқодни шакллантирувчи услублар. 4. Мафкуравий тарбия ишлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари.	2
Жами:			20 с.

1. МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ МАВЗУЛАРИ:

- 3.2.1. Миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
- 3.2.2. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар.
- 3.2.3. Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар.
- 3.2.4. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели.
- 3.2.5. Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари.
- 3.2.6. Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари.

«МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР»

фанидан

РЕЙТИНГ ИШЛАНМА ВА БАХОЛАШ МЕЗОНИ

1-Тур. Жорий баҳолаш.	1.Семинар	11 x 2 - 22 балл
	2.Умумий сўров	1 x 1 - 1 балл
	3.Тест	1 x 5 - 5 балл
	4.ТМИ	3 x 4 - 12 балл
Жами:		40 балл
2-Тур. Оралиқ баҳолаш.	1.Назорат иши	1 x 4 - 4 балл
	2.Реферат.	1 x 8 - 8 балл
	3.Конспект.	1 x 6 - 6 балл
	4.ТМИ	3 x 4 - 12 балл
Жами:		30 балл
3-Тур. Якуний баҳолаш.	1.Ёзма иш	3 x 10 - 30 балл
	Жами:	30 балл

Тузувчи:

Ш.Юсупов

«МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР»

фанидан

баҳолаш мезонлари:

1. Жорий баҳолаш бўйича:

- 1.1. Семинар машғулотлардаги топшириқларни тўла бажарган талабага 2 балл, тўла бажармаган бўлса 1-1,5 балл берилади.
- 1.2. Умумий сўровда курс бўйича берилган саволларнинг жавоби тўлиқлигига қараб 1 балгача баҳоланади.
- 1.3. Тест синовида талабалар 10 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 0,5 балдан берилади.
- 1.4. Талабалар мустақил ишининг ҳар бирига бажарган ишининг мазмунига қараб 4 баллгача баҳоланади.

2. Оралиқ баҳолаш бўйича:

- 2.1. Назорат иши вариантлар асосида 2 тадан савол берилади. Ҳар бир савол 2 балгача баҳоланади.
- 2.2. Рефератда тавсия этилган мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва амалий таклифлари бўлса 7-8 балл, мавзу моҳияти очилган, хулосаси бор бўлса 5-6 балл, мавзу моҳияти ёритилган лекин камчилиги бўлса 3-4 балл, фақат қисқичрилган бўлса 1-2 балл берилади.
- 2.3. Конспектда талабаларнинг ўзларига берилган мавзулар бўйича маълумотларни ёритиб, тўлиқ изоҳлаб ва таҳлил эта олса 5-6 балл, фақат маълумотларни олиб тавсия этса 3-4 балл, олинган маълумотлар мазмуни тўлиқ бўлмасдан тавсия этса 1-2 балл берилади.

3. Якуний баҳолаш бўйича:

- 3.1. Якуний баҳолашнинг ёзма иш шаклида ўтказилади, бунда талабалар 3 та саволга жавоб берадилар, ҳар бир тўғри жавоб учун 10 балдан берилади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

ФАННИ ЎҚИТИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

“Миллий ғоя” ўқув курси бўйича юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, талабчанлик, талабалар билан яқка тартибда ишлаш, эркин мулоқотга киришишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Фаннинг мақсади. Талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади: талабаларга миллий ғоя ҳақида унинг манбалари ва асослари, тарихий ривожланиши, миллий ғоя тараққиёт босқичларини кўрсатиб бериш, Шунингдек, миллий ғоя масаласидаги Президентимизнинг концептуал ғоялари, таърифларидан ўрганишдан иборатдир. Булардан ташқари мазкур фанни ўрганиш давомида талабаларга ғоянинг турлари, ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни сингдиришга берилган эътибор ҳақида атрофлича маълумот олади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёنли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари,

диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топширик ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визиуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёклама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралик ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма иш ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

1-Мавзу: Миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Фаннинг ўқитиш технологияси: “Миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т\Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга миллий ғоя тушунчаси, унинг моҳияти, асосий мақсади, вазифалари ҳамда методологик асослари ҳақида маълумот бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий фалсафий диний илдизларини изоҳлай олади. 1.2.2.Инсоният тарихида ғоя ва мафкураларнинг ўрнини кўрсата олади. 1.2.3.Миллий истиқлол ғоясининг предмети ва аҳамиятини изоҳлай олади. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкура, миллий онг, миллий туйғу, миллий ифтихор. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмалар қуроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустахкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Миллий ғоя ва мафкуранинг моҳият ва мазмунини тушунтириб беринг? -Ушбу фаннинг асосий мақсади нимага қаратилган? -Миллий ғоя фанининг яратилиш заруратини қандай тушунасиз? - Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт деганда нимани тушунасиз? -Президентимиз асарларида Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг асосий вазифаларини ёритилишини изоҳланг? -Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг методологик аҳамиятини қандай тушунасиз? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи 5.1.Талабалар билими тавҳлил қилинади.	Ўқитувчи 10 минут

5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади.	
5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	

Асосий саволлар.

1. Миллий истиқлол ғояси фанининг бахс мавзуси.
2. Фаннинг асосий мақсади ва вазифалари.

Таянч тушунча ва иборалар: Ғоя, мафкура, Миллий ғоя, миллий мафкура, миллий онг, миллий туйғу, миллий ифтихор.

1- савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Миллий истиқлол ғояси фанининг олий таълим тизимида киритилиши, ҳамда тараққиётнинг ғоявий мафкуравий асосларини маҳаллий ва жаҳон миқёсидаги аниқ мисоллар орқали, кенг кўламда тушинтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.Миллий ғоя ва мафкуранинг тарихи-фалсафий, диний илдизларини изоҳлай олади.
- 2.Инсоният тарихида ғоя ва мафкураларнинг ўрнини кўрсата олади.
3. Миллий истиқлол ғоясининг предмети ва аҳамиятини изоҳлай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Хар қандай фаннинг ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари бўлганидек, биз ўрганишга киришаётган фан ҳам бундан мустасно эмас, унинг ҳам ўз предмети, қонун ва категориялари, мақсад ва вазифалари мавжуд.

«Ғоя» ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тараққиётига таъсири, миллий истиқлол ғояси фанининг мақсад ва предмети белигилайди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг асосий мақсади халқимиз, айниқса ёшларимиз қалби ва онгига миллий ғоя, миллий мафкура, миллий онг, миллий туйғу, миллий ифтихор каби долзарб муаммоларни сингдиришга ва келажаги буюк давлат қуришга қаратилаган.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани, ғоя ва мафкура тўғрисида, уларнинг тарихий, фалсафий ва диний илдизлари ҳақида чуқур билим беришга қаратилган. шунингдек қуйидаги асосий муаммо ва мавзулар ушбу фаннинг предмети доирасига киради.

1. Аввало ҳозирги даврнинг ғоявий, мафкуравий манзараси қандай ва унда қайси мафкуралар устувор бўлмоқда деган масала моҳиятини тушуниш ниҳоятда муҳимдир.
2. Жаҳон тараққиётининг муҳим хусусиятларидан бирига айланаётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнларини ҳам ҳар томонлама ўрганиш давр тақозасидир.
3. Бугунги дунёдаги турли давлатларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган геостратегик мақсадларини ўрганиш ҳам инсоният камолатини юксалтириш учун муҳим масалага айланиб бормоқда.
4. Мазкур фанни ўрганиш жаҳон майдонларининг мафкуравий жиҳатдан эгаллаб олишга, уринишлар кескин тус олаётганлигини англаб олишга имкон беради.

5. Марказий Осиё минтақасидаги мафкурaviй жараёнлар ҳам бу соҳага алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатиб турибди.
6. Бу фан Ушбу масаларининг биз ўрганишга кираётган фан доирасидаги таҳлил Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш, мамлакатимизда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлаётган, қатор мафкурaviй соҳадаги вазифалари билан узвий боғлиқ.
7. Ёт ва бегона ғоя ва мафкураларнинг Ўзбекистон тараққиётига таъсирини ўрганиш уларнинг туб ечимини топишда ғоявий тарбия борасида ҳали кўпгина вазифалар борлигидан далолат беради.
8. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва ҳаётга жорий этиш тарихий зарурат бўлиб, бу таълимотнинг моҳияти ва мазмуни, асосий тушунчалари ва тамойилларини ўрганиш нихоятда муҳимдир.
9. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, айниқса ёшлар онгига сингдириш ҳозирги даврнинг асосий вазифасидир.

Назорат саволлари:

1. Миллий ғоя ва мафкуранинг моҳият ва мазмунини тушунтириб беринг?
2. Ушбу фаннинг асосий мақсади нимага қаратилган?
3. Миллий ғоя фанининг яратилиш заруратини қандай тушунасиш?

2-савол бўйича дарс мақсади.

Талабаларга мазкур фаннинг мақсади, вазифалари ҳамда методологик асослари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг асосий мақсад ва вазифаларини тушинтира олади.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг методологик асосларини изоҳлаб беради.

2-асосий саволни баёни: Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар фанининг пировард мақсади Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилагн.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг бош вазифаси Президентимизнинг Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча тамойиллари рисоласига ёзган, сўз бошида қуйидагича белгилаб берилган: «Халқни буюк келажак ва устувор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш. Аждодларимиз бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларини тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш-миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир».

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани фалсафий фанлар сирасига киради ва жамиятимиз тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муҳим аҳамиятини билиб олишда асосий вазифани ўтайди.

Юқорида қайд этилган муаммо ва масалаларнинг ечимини топишда, Президентимиз асрларига мурожат этиш мақсадга мувофиқдир.

Такидлаш лозимки, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани ўзига хос метадологик аҳамиятга эгадир. Яъни ўз ўқувчиларини ғоявий дунёқараш, мафкуравий иммунитет билан қуроллантиради. Хуллас бу фан дунёнинг мафкуравий манзараси, инсон онги ва қалби учун кураш, мустақилликни мустаҳкамлашда, ғоя ва мафкуранинг моҳият ва мазмунини билиб олишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт деганда нимани тушунасиш.
2. Президентимиз асарларида Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг асосий вазифаларини ёритилишини изоҳланг.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг методологик аҳамиятини қандай тушунасиш.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Миллий ғоя фанининг предметини ўрганиш.
2. Миллий ғоя фанининг вазифаларини конспект қилиш.
3. Миллий ғоя фанининг мақсадларини ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ҳалқимиз онги ва қалбига Миллий ғоя ва миллий мафкурасини сингдиришнинг услуб ва воситаларини очиб берилди.
2. Миллий ғоя ва тарбиямизнинг фалсафий илдизлари «Авесто»да қандай ёритилганлиги асослаб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.2008
2. Каримов И.А. “Миллий мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” Т.2008
3. Миллий ғоя: Асосий тушунча ва тамойиллар (Қ.Назаров) Т.2002
4. Миллий ғоя: Асосий тушунча ва тамойиллар (Дарслик) Т.2005

2 -МАВЗУ: Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни

Фанни ўқитиш технологияси: “Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

ТҲР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Ғоя ва мафкура тушунчаси, улар ўртасидаги фарқлар, уларнинг халқлар, давлатлар ижтимоий сиёсий ва иқтисодий маънавий ҳаётига таъсирини талабаларга тушунтириб бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Ғоя ва мафкураларнинг тарихий илдизларини асослай олади. 1.2.2.Мафкура тушунчасига таъриф беради. 1.2.3.Ғоя ва мафкураларнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини белгилай олади. 1.2.4.Мафкуралар тарихини аниқ мисоллар асосида тушунтира олади. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Ғоя, ғояларнинг шакллари: диний, бадий, илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғоялар. Миллий ғоя мафкура либерализм, идеализм, материализм, болшеви́зм. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмалар куруллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустахкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Ғоялар қандай кўринишда намоён бўлади? - Ғоялар қандай хусусиятларга эга бўлиши мумкин? -Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур эканлигини асослаб беринг? -Мустақиллик дунёқарашини шакллантиришда ғоя ва мафкуранинг сафарбарлик вазибаларини тушунтириб беринг? -Мафкуравий вазият нима ва уни қандай тушунаси? - Миллий мафкура ҳақида гапириб беринг? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут

5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи 5.1. Талабалар билими тавхлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини тахлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи 10 минут
---	--	------------------------------------

Асосий саволлар:

1. Ғоя тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили.
2. Мафкура тушунчаси ва унинг тарихий-фалсафий таҳлили.
3. Инсоният тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг намаён бўлиш шакллари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ғоя, ғоявий бўшлиқ, бунёдкор ғоялар, бузғунчи ғоялар, миллий истиклол ғояси, мафкура, мустақиллик, истиклол, мафкуравий иммунитет, мафкуравий бўшлиқ, менталитет, миллий мафкура, либерализм, неолиберализм, плюрализм ва б.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга ғоя ва мафкура тушунчаси, улар ўртасидаги фарқлар, уларнинг халқлар давлатлар ижтимоий сиёсий ва иқтисодий маънавий ҳаётига таъсирини тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.1. Ғоя ва мафкураларнинг тарихий илдизларини асослай олади.
- 1.2. Бунёдкор ва бузғунчи ғояларни аниқ мисоллар асосида изоҳлай олади.

1-асосий саволнинг баёни:

«Мустақиллик туфайли бошланган буюк тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон олдидаги энг долзарб вазифамиз, - дейди И.А.Каримов, - жамиятимизнинг аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, миллий туйғу, миллий ифтихор, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир».


Маълумки, жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ходисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «Миллий Онг», «Миллий ғурур», «Миллий ифтихор», «Миллий тикланиш», «Миллий ғоя», «Миллий мафкура», «Истиклол» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди: Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик айна пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Мустақилликни мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, оқ ва қизил мустамлакачиликнинг ҳукмрон сиёсати даврида, юқорида қайд этилган атамаларни сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи туғиган эди, десак ҳақиқатдан узоқ бўлмаймиз. Юртбошимизнинг юқоридаги назарий фикрларидан келиб чиқиб, муболағасиз айтиш мумкинки, миллий ғоя ва миллий мафкура, истиклолни асл моҳиятини,

йўналишини, мақсади ва вазифаларини ҳар бир фуқаромиз қалби ва онгига сингдириш масаласи биз учун ҳаёт ва мамот масаласидир.


Хўш ғоя ўзи нима? Унинг моҳияти, мазмуни, асосий жиҳатлари нималардан иборат?

Мазкур саволга мантиқий ёндошмоқ учун аввало ғоя ўзи нима, у инсон онгининг қайси қисмида пайдо бўлади деган саволга жавоб топсак, масалага тўғри ёндашган бўламиз.

Ғоя – инсон тафаккурининг маҳсулидир. Муҳтарам ўқувчи сиз 1-чизмага эътиборингизни қаратсангиз, ғоя инсон тафаккури маҳсули эканлиги ҳақида маълумотга эга бўласиз:



Инсон тафаккури ёрдамида табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодиса, воқеалар ва жараёнларни идрок этади, тушунади, улар ҳақида муайян билимлар тизимига эга бўлади. Пировард натижада ўша воқеа, ҳодиса ва жараёнларга қаратилган ўз фикр, қараш, тушунчаларга эга бўлади.



Ғоя мазмун ва моҳиятига кўра фалсафий тушунчадир. У бирон-бир шахс ёки ижтимоий гуруҳ томонидан ҳаёлан ўйлаб топилмайдиган, балки онтологик (борлик), гносеологик (билиш), аксиологик (қадриятлар) каби тушунчадир.

Унинг шаклланишига замин бўладиган объектлар мавжуд, бу табиий жараёнлардир. Ғоянинг шаклланишида субъект (инсон) асосий аҳамият касб этади. Ушбу фикримизни ҳаётини мисол билан исботлашга ҳаракат қиламиз. Модомики, инсон дунёда, жамиятда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини англаб оладиган, уларнинг қонуний оқимида ўз моддий ва маънавий ҳаётини мослайдиган, ўзи ҳам уларга акс таъсир кўрсатадиган одамзод - ғоянинг субъектидир.

Ғоя – дунёни билишнинг ўзига хос шаклларида биридир. Ғоя-дунёни билишнинг ўзига хос шакли сифатида қатор хусусиятларга эга.

Бу чизмада берилган хусусиятлар билан бир қаторда ғоя бошқа хусусиятларга ҳам эга. Жумладан, фикрлик босқичидан ғоялик босқичига кўтарилади, шахс, инсоният, ижтимоий гуруҳ, партия ва бошқаларнинг муайян мақсадларини ифодалайди, уларни бу йўлда бирлаштиради, фаолиятга ундайди ва сафарбар этади. Шунингдек, ғояда янгилик мужассамлашган бўлади. Бир сўз билан айтганда, ғоя – такомиллашиш хусусиятига эга бўлган фикрдир.

Ғоянинг навбатдаги муҳим хусусияти шундаки, у илмий билишнинг ўзига хос шакли сифатида ўзида ботиний тарзда муаммо, фараз, назария каби воқеликларни ҳам ўзида акс эттиради.

Жумладан, муаммо – бу бизнинг онгимизга боғлиқ бўлган реал воқеликни билиш ва ўрганиш жараёнидан келиб чиқадиган масалалар йиғиндисидир.

Масалан бугунги кунда, республикаимиз файласуфлари, сиёсатшунослари ва адиблари олдидаги энг долзарб муаммо - бу миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз қалби ва онига сингдиришнинг мукамал услубларини асослаб беришдир.

Фараз - бу объектив ходисанинг бизга номаълум бўлган тахминий сабаблари тўғрисидаги билимлар мажмуидир. Масалан: Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк алломалар фаразни янги илмий кашфиётлар кидирувчи ходисалар ва жараёнлар орасидаги қонуний сабабий боғланишларни аниқловчи услуб деб тушунганлар.

Н.Коперникнинг гелиоцентрик (олам маркази қуёш) ғояси пайдо бўлгунга қадар, фанда геоцентризм (Аристотель, Птоломей) ғояси ҳукмрон эди. Маълумки, ҳар қандай халқнинг моддий ва маънавий етуклик даражасини, шу халқнинг интеллектуал салоҳияти белгилайди. Демак, энг кучли, таъсирчан, залворли ва жамият аъзолари дилидан ўзига жой топа олган фикргина ғоя бўла олади.

Умуман олганда эса, ғоя деб инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, инсоният руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни жунбушга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари сафарбар этадиган улуғвор фикрга айтилади.

Назорат саволлари:

1. Ғоялар қандай кўринишда намоён бўлади?
2. Ғоялар қандай хусусиятларга эга бўлиши мумкин?

2- савол бўйича дарс мақсади:

Мафкура тушунчаси, унинг тарихий фалсафий ва диний илдизларини изоҳлаб бериш, мафкуранинг умумий хусусиятлари ва инсоният тараққиётидаги вазифаларини очиқ бериш, жамият ҳаётида уларнинг аҳамияти ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.1. Мафкура тушунчасига таъриф беради.
- 1.2. Мафкуралар тарихини аниқ мисоллар асосида тушунтира олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Мафкура масаласи –бугунги кунда ижтимоий фанларнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу масала илгаридан кишилар ўртасида

эхтиросли, қизгин, қарама-қарши фикр-мулоҳазалар ва баҳсларга сабаб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундайлигича қолмоқда. Биз ана шу масаланинг мазмун-моҳияти, тарихий шакллари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Хўш, мафкура тушунчаси қачон пайдо бўлган? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нималардан иборат?

Бу атама илк бор 1797 йилда Дестют де Тресси томонидан илмий муомалага киритилган. Ана шу даврдан бошлаб бу ўта мураккаб руҳий ходиса ҳақида хилма-хил қарашлар қарор топа бошлаган.

Мафкура атамаси Европада "идеология" деб аталиб, юнонча "идея" ва "логос" сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Жумладан, мафкура, арабча сўз бўлиб, "фикр", "фикрлаш", "нуқтаи назар" ва "этиқодлар тизими" деган маъноларни билдиради.

Мафкура қайси тилдан келиб чиқишидан қатъий назар, у кенг маъноли тушунчадир. Бу фикримизга қуйидаги таърифлар аниқлик киритади. Академик М.Хайруллаев "Мафкура жамиятнинг турли соҳалари ҳақида янги иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний қарашларнинг мажмуидан иборатдир,"¹

Профессор А.Саидов эса "Миллий ватанпарварлик мафкураси - бу ўзбек қон-қонига сингиб кетган иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, виждон ва андиша, ор-номус, бир-бирига ўзаро ҳурмат, она-юртига, ўз элатига садоқат каби азалий ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуидир"²-деб таърифлайди

Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, унинг тараққиёти учун хизмат қиладиган мафкураси бўлади. Чунки одамлар қайси бир макон ёки жамиятда яшашидан қатъий назар, нимагадир ишониши, этиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши ва фаолият кўрсатиши керак.

Таъкидлаш жоизки, мафкура бир муддатда намоён бўлиб, сўнгра сўниб қоладиган тасодикий бир ходиса эмас, балки у ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг таркибий қисми, уларнинг мақсад ва йўналишларини ифодаладиган ғоялар мажмуасидир. Юртбошимизнинг "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар",- деган хулосаси мафкуранинг тарихий-ижтимоий зарурат сифатидаги умумий тамойилини ифодалайди. Бу тамойил қуйидаги фикрга асосланади: "Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши муқаррар"³

Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда. Мисол учун "Ҳизбут-таҳрир" (1979 йилда Иорданияда пайдо бўлган), "Ваҳҳобийлик" (ватани Марказий Арабистон ярим оролининг Нажд минтақаси), "Ахбош" (маркази Ливан), "Дорул Аркам"(маркази Малайзия) каби ёвуз ғоя "дохийлари" муқаддас динимизнинг моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бегона бўлган диний оқимларни ёйишга уринадилар.

¹Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.- Т.:Ўзбекистон, 1993. 3-бет).

² Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.- Т.: Ўзбекистон, 1993. 13-бет.

³ Тафаккур журнали, 1998 йил № 2.

Мафкура бу инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёкарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида турлича мақсад-манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски ва янги мафкуранинг тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкуравий майдонларда бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур. Юртбошимизнинг бу ўғитлари бизни хушёр бўлишга даъват этиш билан бирга, сизу-бизнинг олдимизга ўта жиддий вазифани қўймоқда, яъни муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ёшларимизни бизга ёт мафкуранинг таъсирига берилмасликлари учун, уларни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам қуроллантирмоқ керак, чунки ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кириш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур эканлигини асослаб беринг?
2. Мустақиллик дунёкарашини шакллантиришда ғоя ва мафкуранинг сафарбарлик вазифаларини тушунтириб беринг?
3. Мафкуравий вазият нима ва уни қандай тушунасиш?

3-савол бўйича дарс мақсади:

Ғоя ва мафкуранинг инсоният ривожига тараққиётидаги ўрнини, уларнинг тарихий шакллари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, истиқлол ғояси ва мафкураси – тараққиётимиз пойдевори эканлигини талабалар онгига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ғоя ва мафкураларнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини белгилай олади.
2. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкураси ҳақида мустақил фикрлашга йўналтира олади.


3-асосий саволнинг баёни:

Инсон мақсадсиз, халқ ғоясиз яшай олмайди. Чунки инсоният тарихи - ғоялар тарихидир.

Ғоя дунёни билишнинг ўзига хос шакли сифатида ўз «умр»ига эга. Ғоя маълум макон ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба қувватини йўқотгач эса тарихий хотирага айланиши мумкин. Ушбу фикрнинг исботи сифатида коммунистик мафкурани мисол қилишимиз мумкин.

Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Чунки, муайян ғоялар одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига, элатлар ва миллатлар орасида ёйилади. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган, назарий таълимот, ғоя ва мафкуралар яратган ақл-заковат ва истеъдод соҳиблари Сукрот, Афлотун, Конфуций, Зардушт, Навоий, Махатма Ганди, Амир Темурлар фаолияти фикримизнинг далилидир. Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш ғоялари халқни, миллатни бирлаштириш ва сафарбар этишга яққол мисол бўла олади.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб ғояларни қуйидаги турларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.



Ғоялар инсоният ва жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларига кўра икки кўринишда намоён бўлади.: бунёдкор ва вайронкор ғоялар. Бунёдкор ғоялар тараққиётга хизмат қиладиган, жамият ва инсонни эзгуликка ундайди. Вайронкор ғоялар эса жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қиладиган.

Бунёдкор ғояларга озодлик, тинчлик, тенглик, адолат, дўстлик, бирдамлик, хурфикрлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, мустақиллик каби қилар қиради. Вайронкор ғоялар эса ўзида агрессив миллатчилик, ақидапарастлик, террорчилик, мустақиллик, ирқчилик, ёвузлик, босқинчилик, маҳаллийчилик каби иллатларни акс эттиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан янги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни илгари сурган. Янги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан либерализм, консерватизм, социализм, фашизм, большевизм каби турлари мавжуд.

Янги замоннинг энг кўп тарқалган мафкуравий оқимларидан бири либерализмдир. Бу атама лотинча "либералие" сўздан олинган бўлиб "эркин" деган маънони англатади. Либерализм ХУ!!-ХУ!!! асрларда маърифатпарварлик даври ғоялари негизига тарих сахнасида чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг пойдеворини шахс эркинлиги,

унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахсининг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби тамойиллар ташкил этади.

Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида неолиберализмга ўтди. Бу янги мафкуранинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШ Президенти Ф.Рузвельтнинг "Янги йўли" билан боғлайдилар. Либерализм мафкураси байроғи остида АҚШда "Янги фаровонлик давлати" деб аталадиган модель яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АҚШ Демократик партияси ва бошқа демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлиб қолмоқда.

Янги замон мафкуралари қаторида миллий мафкуралар муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқишга, мазмун- моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан қуйидаги жиҳатлар билан фарқ қилади:

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик тизимининг емирилиши, ёш мустақил миллий давлатларнинг ташкил топиши ва уларни қарамлик доирасидан чиқариш, ривожлантириш зарурати билан майдонга келади.

Иккинчидан, миллий мафкуралар фақат айрим ижтимоий, ирқий, этник гуруҳнинг, ҳалқнинг манфаатинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган ҳалқларнинг дунёда тутган ўрнини, турмуш тарзини, орзу- умидларини, интилишларини, манфаатларини акс эттиради.

Учинчидан, миллий мафкуралар у ёки бу ҳалқлар қарамлигини объектив негизларни, уларни бартараф этиши ва ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлларини очиб беради.

Тўртинчидан, миллий мафкуралар ёш, мустақил давлатлар, ҳалқларнинг ўзлигини англашга, қарамлик доирасидан чиқишга уларнинг чинакамига эркин бўлишига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топишга ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Ғоя ва мафкуранинг инсоният ва жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларини тушунтиринг.
2. Бунёдкор ва бузғунчи ғояларнинг қандай турлари мавжудлигини изоҳланг?
3. «Янги мафкуранинг асл мазмуни - янгича, эркин фикрлайдиган мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсон тарбиялашдир» ушбу шиор Президентимизнинг қайси асирида илгари сурилган?
4. Миллий ғоя нима?
5. Ғоя деганда нимани тушунасиш?
6. Миллий мафкура ҳақида гапириб беринг?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари

1. Ғоя билан мафкуранинг фарқи нимада?
2. Ғоянинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг?

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ғоянинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида тушунча берилди.
2. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур эканлиги очиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т, 1998 й. 32-бет
2. Каримов И.А. Юксак манавият-енгилмас куч. Т, 2008 й. 167-бет.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 1998 й. 5-12 бетлар.
4. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.Т, 2004 й. 8-26 бетлар.
5. Миллий ғоя: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т, 2000 й. 3-38 бетлар.

3-МАВЗУ: Тарихий тараққиёт: Ғоявий мафкуравий жараёнлар

Фанни ўқитиш технологияси: “Тарихий тараққиёт ғоявий мафкуравий жараёнлар” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т\Р	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга инсоният ижтимоий тараққиётида таназзулида ғоя ва мафкураларнинг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида талабалар онгида тушунча ва кўникмалар ҳосил қилиш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Инсоният тарихий тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг ўрнини белгилай олади. 1.2.2.Инсоният – тарихи ғоялар тарихига доир иборасининг мазмунини изохланг. 1.2.3.Жамият ривожига бунёдкор ғояларнинг ижобий моҳиятини кўрсата олади. 1.2.4.Ёвуз ғояларнинг жамият тараққиётидаги салбий таъсирини изохлай олади. 1.2.5.Инсоният ҳаётида ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойилини асослайди. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Ижтимоий тараққиёт, ғоялар тарихи, бунёдкор ғоялар, ёвуз ғоялар, вайранкор ғоялар, мафкурани мутлақлаштириш, терроризм, фашизм, иркчилик, шоунизм. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади: - Ижтимоий тараққиётда ғоялар қандай ўрин тутди? -Ғоянинг тарихий шаклларига тўхталинг? -Тарихда миллий ғоялар қандай бўлган? -Ғоя ва мафкуранинг инсоният тарихий тараққиётида ўрнини аниқланг? -Бунёдкор ғоялар қандай ғоялар? -Бузғунчи ғояларга мисол келтиринг? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи 5.1.Талабалар билими тавҳлил қилинади. 5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар	Ўқитувчи 10 минут

	киритади.	
--	-----------	--

Асосий саволлар:

1. Жамият тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг ўрни.
2. Инсоният тарихида бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг ижобий ва салбий оқтибатлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ижтимоий тараққиёт, ғоялар тарихи, бунёдкор ғоялар, вайронкор ғоялар, инсонпарварлик, эзгулик, фашизм, рацизм, иркчилик, тераризм, шовинизм, ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш ва бошқалар.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Инсоният ижтимоий тараққиётида ёки таназзулида ғоя ва мафкураларнинг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида талабалар онгида тушунча ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Инсоният тарихий тараққиётида ғоя ва мафкураларнинг ўрнини белгилай олади.
2. Жамият ривожига бунёдкор ғояларнинг ижобий моҳиятини кўрсата олади.

1- асосий саволнинг баёни:

Инсоният тарихида ғоя ва мафкураларнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя. Мафкуравий жараёнлар ижтимоий шарт-шароитлар билан чамбарчас алоқадордир. Тарихда даврларнинг алмашинуви мафкураларнинг ўзгаришига асос бўлиб хизмат қилган. Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи, босиб ўтган йўли бундан яққол исботлайди. Инсоният шаклланиши жараёнида халқларни бир-бирига бирлаштириб турадиган, умумий ғоя ва мафкуралар мавжуд бўлган. Чунки мафкура инсонларни хоҳиш ва иродаларини ўзида мужассам этган.

Тарихдан маълумки, илк маданият ўчоқлари дастлаб қадимги Шарқда шаклланган. Бунга қадимги Бобил, Миср, Ҳиндистон ва Хитойдаги деҳқончилик маданиятини шаклланиши, ўсимликларни маданийлаштирилиши, ёзувни пайдо бўлиши, билимлар ва динларни пайдо бўлиши ва шулар асосида хилма-хил ғояларни яратилганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Демак, мафкуравий жараёнлар тарихий шарт-шароитлар, маданий тараққиёт билан боғланиб, даврлар алмашинуви билан янгилашиб боради.


Инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишига етаклаган ёки уларни ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган. Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқни ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамяти томонидан тан олинган Японча тараққиёт модели, Япон миллий мафкураси «Миллий давлатчилик тизими» (кокутай), «фукоролик бурчи», «япон

рухи», «тадбиркорлик», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчаларга асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларга пойдевор бўлди.

Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик эса миллатнинг бирдамлигига, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади.

Бунёдкорлик ғоялари – бу инсониятнинг олийжаноб мақсадлари, орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда хизмат қиладиган тушунчалардир. Бундай ғоялар тарих ғилдирагини доимо олдинга чорлаган. Инсонлар онгига, вужудига доимо адолат, ҳақиқат, эзгулик, инсонпарварлик каби эзгулик уруғларини сепган. Масалан, «Авесто» даги «эзгу фикр, эзгу сўз, ва эзгу ишлар» каби фикрлар халқимиз хотирасида 2700 йилдан бери мужассамлашгандир.

Тарихдан маълумки, Шарқ халқлари доимо яхшиликни қадрлаган, бунёдкор ғоялар ортидан эргашган, шу йўлда бошқа халқлар эришган ютуқларни ўз миллий тараққиёти ривожига андоза сифатида олган. Инсоният тарихида бунёдкор ғояларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд.



Миллий давлатчилик ғояси халқлар тараққиётига бевосита катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги даврда миллий мафкуранинг таркибий қисми ҳисобланган давлатчилик ғоясининг асосий тамойиллари Президент Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ватанпарварликка асосланган мустақил тафаккур.
2. Шарқона демократияга асосланган сиёсий тизим.
3. Қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий тизим.
4. Эркинликка асосланган фуқаролик жамияти.
5. Буюк келажакка юз тутган озод ва обод Ватан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Бунёдкор ғоялар деб, инсонни улуғлайдиган, унинг куч ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади.

Назорат саволлари:

1. Ижтимоий тараққиётда ғоялар қандай ўрин тутди?
2. Ғоянинг тарихий шакллари қандай бўлди?
3. Тарихда миллий ғоялар қандай бўлган?
4. Ғоя ва мафкураларнинг инсоният тарихий тараққиётида ўрнини аниқланг?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади;

Талабаларга цивилизациялар тарихида ёвуз ғоя ва вайронкор мафкураларнинг мақсадларини ва ижтимоий жараёнга салбий таъсирини, ҳамда мутлақ ҳақиқатни даъво қилувчи ғоя ва мафкураларнинг истиқболи йўқлигини тушунтириб беришдан иборат.

Идентификация мақсадлари:

- 2.1. Ёвуз ғоя ва вайронкор мафкураларнинг жамият тараққиётидаги салбий таъсирини изоҳлай олади.
- 2.2. Инсоният ҳаётида ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойилини асослайди.
- 2.3. Инсоният тарихида ғоя ва мафкураларни мутлақлаштиришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча беради.

2-асосий саволнинг баёни: Инсоният цивилизациялари тарихи ўз тараққиёт давраларида кўплаб вайронкор ғоя ва мафкуралар билан узвий ҳолатда ўтди. Аммо улар ижтимоий жараёнларга ўзларининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Буларга ўрта асрлардаги салб юришлари, диний фанатизм, ўзига хос атеистик таълимот, фашизм ва большевизмнинг ғайриинсоний ғоялари ва уларнинг оқибатлари мисол бўла олади.

Буюк давлатчилик, тажовузор миллатчилик, ирқчилик, террорчилик, шовинизм каби ёвуз ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиши инсоният тарихини ривожига тўсқинлик қилганлиги узоқ ва яқин тарихда ўз ифодасини топган. Жумладан: «Буюк давлатчилик шовинизми» - бу кўп сонли халқ ёки миллатнинг кам сонли халқлар устидан ҳукмронлик қилишини ифодаловчи вайронкор мафкуралар.

«Ирқчилик» бу ўзини олий ирқ ҳисоблаган миллат томонидан бошқа миллат ва халқларни нуфузи, ҳамда иродасини камситиш, таҳқирлашга қаратилган сиёсатдир. Бунга типик мисол бўлиб, иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудларда олиб борилган ирқий камситишлар ёрқин мисол бўла олади.

«Террорчилик»-(лот. қўрқитиш, тажовуз ва даҳшат деган маънони англатади.) Бу XX аср «ихтиро»си сиёсий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида уюшган жиноий гуруҳлар томонидан зўравонлик билан сиёсий арбоб ҳамда фуқароларни қўрқитиш, уларнинг қалбига ғулғула солишга қаратилган ғайри инсоний хатти –ҳаракатдир.

XX асрда Италия, Германия ва Испаниядаги фашистик гуруҳлар сиёсий террористларнинг биринчи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон чегараларига яқин давлатларда ҳам терроризм ўчоқлари пайдо бўлганлиги ҳаммамизга аёндыр. Унинг оқибатида 1999 йил Тошкентда юз берган феврал воқеалари, Сурхандарё ва Андижон вилоятларида террористик гуруҳларнинг хуружи, бузғунчи кучларнинг асл мақсадлари халқимизни демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган урунишлар эканлиги аёндыр.

Юқорида тавсифи берилган ёвуз ғоя ва вайронкор мафкураларга қарши ғоявий ва мафкуравий кураш зарурлиги тарихий эҳтиёж сифатида ҳар бир даврда ўзига хос даражада намоён бўлди. Вайронкор ғояларни тарихда ижтимоий беқарорликка ва минглаб кишилар ҳаётига зомин бўлганлиги маълум.

Ғоя ва мафкураларнинг мутлақлаштириш турли хил салбий оқибатларга олиб келганлиги инсоният тарихидан маълумдыр. Мутлақ ҳақиқатни даъво қилувчи ғоялар мавжуд бўлсада, ҳар бир замонда нисбий характерга эга бўлади. Якка ҳокимликка интилувчи ва унга эришган мафкурани истиқболи йўқлиги «тоталитар тузум» ва коммунистик ғоя мисолида ўз ифодасига эгадыр. Мафкуравий эгоизм ва шовинизм кўринишлари миллатчилик, манманлик, ирқчиликда, «буюк миллат» ғоясида яққол намоён бўлади. Давримиз уларга қарши кураш зарурлигини тақозо этади.

Бугунги кунда ғоявий кураш янги қиёфага кирмоқда. Ана шу сабабдан ҳам мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва халқимиз онига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб бормоқда. Доимо хушёр ва сергак бўлишни, Ўзбекистонимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз ҳар биримизнинг асосий вазифамиздыр.

Инсоният тарихида мафкурадан кўзланган мақсадлар.

Жамият тараққиётида турли мақсад ва муддаолар хилма-хил мафкуравий воситалар билан амалга оширилади.

Инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида тикланган ғоявий йўналиш, миллий мафкура муҳим аҳамият касб этади. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутаяди:

1. Муайян ғояга ишонтириш.
2. Уюштириш.
3. Сафарбар этиш.
4. Маънавий-руҳий рағбатлантириш.
5. Ғоявий тарбиялаш.
6. Ғоявий иммунитетини шакллантириш.
7. Ҳаракат дастури бўлиш.

Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Вайронкор ғоялар инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзулга маҳкум этадиган ғоялардыр.

Назорат саволлари:

1. Ғояга қарши-ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг Ўзбекистонда намаён бўлишини ифодалаб беринг.
2. Ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш ва вайронкор ҳамда бузғунчи ғояларга мисоллар келтиринг.
3. Бунёдкор ғоялар қандай ғоялар?
4. Бузғунчи ғояларга мисол келтиринг?
5. Зардуштийлик ғоялари нималардан иборат?
6. Аждодларимиз умуминсоний ғояларини қандай тушунишган?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Миллий ғоянинг асосий мақсадларини ўрганинг.
2. Тарихий тараққиёт жараёнида ғоя ва мафкуранинг ижобий салбий оқибатларини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Вайронкор ғоя ва мафкуралар ҳақида тушунча берилди.
2. Ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш туфайли вужудга келадиган салбий оқибатларни олдини олиш чора тадбирлари очиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.2008
- 2 Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.-1997 й, 326 б.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. Т. -1999 й, 113 бетлар
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқат журнали 1998 йил №-5 1-16 бетлар
5. Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»-Фидокор газетаси мухбири саволларига жавоблар. Т. - 2000 й, 40 бет.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар Т.2000й 55-68бетлар

4-МАЗЗУ: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари

Фанни ўқитиш технологияси: “Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т\Р	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва унинг оқибатлари, мафкуравий полигонлар, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика, мафкуравий вазият, мафкуравий мутлоқлаштиришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини фалсафий таҳлил қила олади. 1.2.2. Мафкуравий интеграциялашуви жараёнини таҳлил қилиб беради. . 1.2.3.Инсониятни ХХІ асрга келиб чегара билмас муаммоларга дуч келганлигини тушунтира олади. 1.2.4.Диний ақидапарастликнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунча беради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий полигонлар, мафкуравий таъсир, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади: -Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини қандай тушунасиш? -Ҳозирги даврда ҳукмронлик қилишга интилаётган қандай мафкура шакллари мавжуд? - Мафкуравий манзара нима? - Мафкуравий жараёнларни қандай тушунасиш? - Мафкуравий полигон деганда нимани тушунасиш? -Глобаллашув жараёнлари деганда нимани тушунасиш? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи 5.1.Талабалар билими тавҳил қилинади. 5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи 10 минут

Асосий саволлар:

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва интенсивлашиши.
2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.

Таянч тушунча ва иборалар: Мафкуравий вазият, мафкуравий полигон, мафкуравий профилактика, мафкуравий иммунитет, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, диний ақидапарастлик, терроризм, наркабизнес.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини ўрганиётганда қуйдагиларга эътиборни қаратишимиз керак. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кескинлашаётганлигини билиб олиш муҳимдир, чунки ҳозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, мафкураси ҳаётий бўлса-ўша ғалаба қозонади. Негаки бизнинг минтақамизга ҳам ўз таъсир доирасини ўтказишга уринаётган кучлар мавжудлигини, улар миллатлараро тотувликни заифлаштиришга қаратилганлигини, ҳамда бизни танлаган йўлимиздан чалғитишга уринаётганлигини талабаларга тушинтириб беришдан иборатдир.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини фалсафий таҳлил қила олади.
2. Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг ўз манфатлари йўлида дунёнинг мафкуравий манзарасини ўзгартиришга бўлган интилишини тушунтира олади.

1-асосий саволнинг баёни:

Инсоният XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашоқлик, наркабизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга, дунёда глобаллашув, ахборот оқими- тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда.

Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш куруллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин. Балки бутун ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, диний фундаментализм ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Шунингдек, бир қарашда тарих сахнасидан тушиб кетгандай туюлган ғайриинсоний характерга эга бўлган неофашизм ва ирқчилик мафкуралари ҳам янгидан бош кўтара бошлаганини такидлаш зарур.

Хусусан, бугунги кунда Шарқий Германия (собик ГДР) ҳудудида яшаётган ҳар 2 ёшнинг бири, Ғарбий немис ёшларининг эса 35 фоизи, нацизм ўзининг ижобий томонларига эга деб ҳисобланаётгани фикримизга далил бўла олади.

Айни пайтда жаҳоннинг турли нукталарида ривожланган мамлакатларга кўчиб келишнинг кучайиб бориши шароитида бу давлатларнинг туб аҳолиси айниқса. Ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг ёйилиши тезлашаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бир сўз билан айтганда, дунёнинг турли бурчакларида инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кўчайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган.

Тараққиётга нисбатан хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик шовинизмидир. Буюк давлатчилик шовинизмини, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки давлатлараро минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин». Шовинизм кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий- сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Бугунги кунда юқори мақомга эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларнинг ўзларининг «ҳаётий манфатлари ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизишга ҳаракат қилмоқда.

Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларни улкан ва қудратли давлатга айланишига имконият яратади. Бунинг оқибати ўлароқ, ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдири халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафкураси тарих саҳнасида чиқди. Бундай мафкура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши кўплаб халқларнинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни келтириш мумкин.

Буюк давлатчилик шовинизм бугунги кунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кетмоқда. Пансоветизм тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий- маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган. Аммо. Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларни ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилиш ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Назорат саволлари:

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини қандай тушунасиз?
2. Ҳозирги даврда ҳукмронлик қилишга интилаётган қандай мафкура шакллари мавжуд?
3. Мафкуравий манзара нима?
4. Мафкуравий жараёнларни қандай тушунасиз?

5. Мафкуравий полигон деганда нимани тушунаси?

2-савол бўйича дарс мақсади:

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва унинг оқибатлари, мафкуравий полигон, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика, мафкуравий вазият, мафкурани мутлоқлаштиришнинг салбий оқибатлари ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

2.1. Инсониятнинг XXI асрга келиб чегара билмас муаммоларга дуч келганлигини тушунтира олади.

2.2. Диний ақидапарастликнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунча баради.

2-савол баёни: Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳал қилишга интилиши табиий.

Бунга этикод умумийлигига асосланган ҳолда жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган ҳатти-ҳаракатларни мисол қилиш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Ислом динини қурол қилиб олган ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасавурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашув ғоясини асослашга ҳаракат қиладилар. Кўриниб турибдики, улар диний асосда (сиёсий) бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўядилар. Улар диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларининг иқтисодий маданий-маърифий, илмий-техник соҳаларидаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятини бирлашишга ва халқлар тарққиётига йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган саволни ўртага ташлайдилар. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларининг аксарият ҳолларда ана шундай «беозор» шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан миллий суверентетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётгани маълум бўлади. Иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар. Бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар, бу ғояни тикиштиришда улар бизнинг ислом динига эътикод қилишимизга алоҳида урғу берадилар.

Тўғри, биз мусулмон халқмиз. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар ана шу реалликни тан оладилар-у, ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бу ҳақиқатни тан олиш олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай қарашларини кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат қиладиганликларига бефарқ қараб бўлмайди.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам такидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. зеро, у инсониятни диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиши тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга ўринмоқда. Бугунги кунда халқларнинг инсоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг манавий бирлигининг таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширинганлигини унитмаслик лозим. Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқоралик жамиятининг асослари яратилган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Зеро кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлган миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.

«Мен,-деб ёзади Президентимиз,- Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё момот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир». Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шакллариининг ҳавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади.

Полигон (юнонча серкирра деган маънони билдиради) тушунчаси ҳарбий атама эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда полигон деганда қурол аслаҳа ва техника синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ва ҳақозалар учун мўлжалланган маҳсус жой тушинилади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, мафкуравий полигонларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Тарихдан маълумки инсоният қўлида тўпланган қуроллар доимо такомиллашиб борган.

Бу қуроллар босиб олинган ҳудудда истиқомат қиладиган халқларнинг жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса бунга эҳтиёт қолмади. Чунки, онгги забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Бунга қарши курашиш учун аҳолида, унинг фаолиятида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Иммунитет (лотинча *immunitas*- озод бўлиш, қутилиш) деганда. Организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаш. Ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуига айтилади. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга акс жавоб сифатида ортирилган иммунитет тизими шаклланади.

Шу маънода инсондаги кўплаб хусусиятларнинг туғмалигидан келиб чиқиб, унда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш лозим. Бу ерда шуни унитмаслик керакки, у ҳар бир авлод учун маълум бир сабабларга кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ва энг муҳими иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий даҳлсизликни таъминлаш мумкин.

Мафкуравий иммунитет системасининг биринчи унсури бу билимдир. Лекин билимлар ҳам турли мақсадлар йўлида хизмат қилади. Шундай экан бу билимлар инсоният тараққиётига қарши эмас, аксинча инсон маънавий оламининг бойитишга

ва жамият ривожига хизмат қилиши лозим. Шу билан бирга бу билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан ўзвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар заминида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Ҳар бир халқнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитетнинг учунчи муҳим унсури, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Бу деган сўз ҳар бири алоҳида олинган инсон каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши лозим.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Масалан. Профилактика ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олш ва уларни йўқотишга қаратилган чоратadbирлар мажмуидан иборатдир. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шиклларда ижтимоий иммунитетлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий тиллар мажмуни қамраб олади. Шундай экан вояга етаётган ҳар бир ёш авлодни иймони бутун, иродаси бакувват, мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш ҳозирги даврнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Назорат саволлари:

1. Глобаллашув жараёнлари деганда нимани тушинасиз.
2. Мафкуравий полигонларининг ядро полигонларидан ҳам кучли эканлигини изоҳлаб беринг?
3. Мафкуравий иммунитет иборасининг луғавий маносини тушунтиринг.
4. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви нима?
5. Ўтмишда глобаллашув бўлганми?
6. Жаҳоннинг қайси давлатларида глобаллашув салбий оқибатларга олиб келмоқда?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлар:

1. Мафкуравий кутбларни аниқлаб келиш.
2. Мафкуравий мманзарани тасвирлаб бериш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Глобаллашув жараёнларининг ижобий ҳамда салбий оқибатларини талабаларга етказишнинг услуб ва воситалари очиб берилди.
2. Мафкуравий профилактика ёвуз ва вайронкор ғояларга қарши курашишнинг асосий услуб эканлигини асослади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда.- Т.: Ўзбекистон, 1999.98-105 б..
2. Каримов И.А. «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» «Тафаккур» 1998 й.№-2 1-14 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. 1997й 52-53б.
4. Каримов И. Юксак манавият-енгилмас куч.-Т.2008 176-бет
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2001 й. 55-67 б

5-МАВЗУ: Ўзбекистон мустақиллиги ва янги ғоялар тизимининг шаклланиш жараёнлари.

Фанни ўқитиш технологияси: “Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

ТР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг жамият тараққиёти учун аҳамияти, барпо этиладиган жамиятнинг асосий тамойиллари, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ва Марказий Осиёдаги ўрни ва нуфузининг ошиб боришини аниқ мисоллар орқали тушунтириш. . 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг хусусиятини ўрганади. 1.2.2. Тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг асосий тамойилларини тушунтиради. 1.2.3. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрнини кўрсатиб бера олади . 1.2.4. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини очиб беради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Тараққиёт, тадрижий ривожланиш, Ўзбекистонда қурилаётган жамият, тараққиёт тамойиллари, ўзбек модели, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустахкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Тараққиёт бўлиши учун янги модел яратиш лозимлигини изоҳланг? -Ўзбек моделининг аҳамиятли томонларини очиб беришга ҳаракат қилинг? -Иқтисодийнинг жамиятдаги ўрнини аниқланг? - Қонун устуворлиги нима дегани? -Президент И.А.Каримовнинг тараққиётнинг ўзбек моделини	Ўқитувчи 15 минут

	изохлашга асосий урғу берилган қайси асарини биласиз? -Қонун устуворлиги нима дегани? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи 5.1. Талабалар билими тавхлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини тахлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи 10 минут

Асосий саволлар:

- 1.Мустақиллик олий қадрият. Янги ўзбек модели ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 2.Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари.
- 3.Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб бориши.

Таянч тушунча ва иборалар:

Тараққиётнинг ўзбек модели, Давлат бош ислохотчи эканлиги, қонуннинг устуворлиги ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузи, янги жамият тамойиллари, тадрижий ривожланиши, Ўзбекистонда қурилаётган жамият тараққиёт тамойиллари.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Миллий истиқлолга эришилгандан кейин барпо қилинаётган жамиятнинг асл моҳиятини талабаларнинг онгига сингдириш. Мустақилликнинг қадрига етиш, янги жамият учун фидокор инсонлар бўлиб етишишга йўналтиришни тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг хусусиятини ўрганади.
- 2.Тараққиётнинг «ўзбек модели» ва унинг асосий тамойилларини тушинтиради:
 - Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, мафкурадан холилигини:
 - давлат бош ислохотчи эканлигини:
 - жамият ҳаётида қонуннинг устуворлигини:
 - бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқичлигини:
 - аҳолини ижтимоий ҳимояланишини талабаларга тўлиқ тушинтира олади.

1-асосий саволнинг баёни: Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигига эришганидан сунг республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юргатиш тарихий имконияти вужудга келди. «Ўтиш даври муаммоларини йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор, ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилди. «Авваламбор, яқкахокимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубларининг ва дидектив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур».

Маълумки, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар лозим. «Бунинг учун анча узоқ давр, аниқ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилиш, энг муҳими, иқтисодий ислохотларнинг аниқ-равшан, амалий дастури бўлиши зарур. Республикада шундай дастур бор ва у изчиллик билан амалда жорий қилинмоқда». Мустақилликка эришагн ҳар бир халқ ўзининг тараққиёт йўлини излаган ва янги

жамият барпо этиш йўлида кўп машаққатлар чеккан, охир-оқибатда ўзининг миллий андозасини топган. Унда улар асосан миллий қадирятлари тизимига, анъаналар ва тарихий шарт-шароитларга, реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳитга, ўзларининг турмуш тарзига ва дунёқарашига таянганлар. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол йулидан ривожланиши жараёнида тўплаган ва республика шароитида қўлласа бўладиган қатор фойдали тажрибалардан фойдаланиш имконини бермоқда. Аммо, гарчи мазкур мамлакатда катта ижобий натижаларга олиб келган бўлсада, уларни аслилигича кўчириб олиш мумкин эмас.

«Бизнинг қатъий нуктаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир», - деб кўрсатади Ислом Каримов.

«Ўзбек модели» тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиш лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирилган энг умумий назарий хулосалари ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатнинг муштараклигини англатади.

Демак, ушбу тараққиёт модели ўзининг назарий ва амалий жихатларига эга. Унинг назарий жихати мамлакатнинг юзага чиққан салоҳият ва имкониятлари, ишлаб чиқарувчи кучлари ривож, инфратузилмаси, юртимизнинг табиий бойликлари, демографик вазият аҳолининг онги билими касбий салоҳияти каби омилларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш концепциясини оддий тил билан айтилганда бизнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимизни асослайди.

Хўш, «ўзбек модели» нинг асосий устивор хусусиятлари нималардан иборат?

Ўзбекистон мустақилликка эришгач иқтисодий тараққиёт билан бирга, миллий давлатчилик асосларини миллий қадриятларини миллий ўзлигимизни ва миллий ғурурни қайта тиклаш, мустақиллик ғояларини шакллантириш, янгича фикрлайдиган кадрларни тарбиялаш каби қатор масалаларни ҳал этиш лозим эди, деб кўрсатилади Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти тайёрлаган «Миллий истиқлол ғояси»

Президент И.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жихатидан янги мавқеига ўтишнинг илмий жихатидан исботланган дастури яратилди. Булар тараққиётнинг «Ўзбек модели» атамасининг асосини ташкил этади. Уларнинг моҳияти қўйидагича:

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан холи бўлиши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

Иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устивор йуналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши жаҳолатпарастлар (петрогротлар) ва консерваторлар қарашларини бартараф этиши шарт;

Учинчидан, қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва

қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма хурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларни жорий этиш, билан бир вақтда

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим;

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий омилларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашларсиз», яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари қадриятлари ва менталитетига таянгани, айтилиши вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилмоқда.

Маълумки, биринчи навбатда иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. Албатта, иқтисодий тараққиёт режаси жамиятдаги мавжуд мафкурадан бутунлай холи этилиши лозим, у сиёсий мақсадларга эришиш воситачилигидан четда бўлиши керак.

Иқтисодий ислохотлар сиёсий мақсадларга бўйсундирилган жойда иқтисодий ривожланиш бутунлай инқирозга дуч келиши, ишлаб чиқариш издан чиқиши, аҳолининг қашшоқлашуви кучайиши жамиятда ижтимоий ларзалар пайдо бўлишлиги айрим мамлакатлар тажрибасида кўрилган аччиқ ҳақиқатдир.

Иқтисодий тараққиёт мафкуравий тазийқларсиз, ўзига хос бўлган изчил иқтисодий қонунларга таянган ҳолда ривожлансагина кўзланган иқтисодий маъмуриликка эришиш мумкин бўлади.

Иқтисодий қонунларни тан олиш, мулкчилик шакллариغا, тақсимотга нисбатан субъектив муносабатлардан қутилишга маънавий шароит яратади. Президентимиз таъкидлаганидек «Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юритишнинг турли ижтимоий шакллариغا нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий демократик бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва ўзига хос иқтисодий таффакурнинг идрок этилишига кўмаклашади».

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчилик роли ошиб бориши объектив ҳолат, чунки жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодиётни давлат йули билан тартибга солиб туриш зарурлиги, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини ўзгартиришлар сиёсатини амалга оширувчи бу— давлатдир. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари— давлат томонидан тартибга солиниб туради. Бу даврда давлатнинг ҳукмдорлиги сақланиб қолиши зарур, акс ҳолда иқтисодиётни бошқаришни қўлдан чиқариб қўйиш, унинг тараққиётини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ўта хавфлидир.

«Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга булган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Ҳозирги пайтда давлат иқтисодий ислохотларни мувоффақиятли амалга ошириш учун жуда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолатидир», -деб кўрсатади.

Бундай шароитда давлат ислохотларининг фаол иштирокчиси, унинг ташаббускори бўлиши ва ислохотни изчиллик ва қатъият билан амалга ошириши шарт бўлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўтиш даврида давлат манфаатлари ҳамма нарсадан устун туриши керак. Ўтмишдаги коммунистик маъмурий-буйруқбозлик

услубидан ва марказлаштирилган режалаштириш ва бошқарувдан янги жамиятга, бозор муносабатига асосланган иқтисодиётга ўтиш—бутунлай янги мазмундаги хужалик юритиш тизимига ўтиш демакдир.

«Ўзбек модели» нинг ўзига хослик томонларидан яна бири, бу жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устиворлигини таъминлашдир, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳурмат қилиш ва оғишмай уларга амал қилишдир. Бу тамойил турли мулк шаклларнинг тенг ҳуқуқий асосини, рақобатнинг ҳуқуқий меъёрларини, демократия ривожини, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошишини, мафкуравий кўпфикирлилик-плюрализмни, манфаатлар устунлигини таъминлашни, инсон ҳуқуқларини таъминлашни яратувчиликни ва ижодий салоҳият қабиларни ўз замирига олади.

Давлат бош ислохотчи сифатида ижтимоий барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг асосий қафолати бўлади.

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш сиёсатини ўтказиш, яъни ижтимоий таъминот иш ўринларини яратиш йўли билан аҳолининг турмушини яхшилаш, халқ таълими, фан тараққиётини, спортни, мафкурани ривожлантириш, ишсизликка қарши кураш каби масалаларни ташкил этишни тақозо этади.

Ижтимоий муҳофазадан кучли ижтимоий муҳофазага ўтиб бориш ҳозирги ислохотларимизнинг моҳиятини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда аста-секин, босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириш зарурлигига амал қилиш зарур.

Иқтисодий ислохотлар мамлакатни мақсадлари сари аста-секин, қадам-бақадам илгарилатиб бориш, бозор муносабатларининг айрим жиҳатларини ва умуман бутун тизимини шакллантириши лозим».

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш фақат фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши эмас, балки у узок тарихий тараққиётнинг, тегишли ҳуқуқий асосларини яратишнинг, миллий қадриятларни вужудга келтиришнинг ҳам натижасидир.

Республикамиздаги иқтисодий вазият, оилалар аксарият кўпчилигининг турмуш даражаси пастлиги бозор иқтисодиётига ўтишда босқичма-босқич, эволюцион йўл билан боришни, ҳар бир босқичнинг зарур шарт-шароитларини яратиб, кейинги вазифаларга ўтишни тақозо этмоқда. Ҳар бир босқич вазифаларнинг бажарилиши вақти қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қилинаётган фидокорона меҳнатга боғлиқдир. Ҳар бир босқичда одамларнинг тафаккурини ўзгаришларга тайёрлаш, уларни янги тузумнинг афзалликларига ишонтириш лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Тараққиёт бўлиши учун янги модел яратиш лозимлигини изоҳланг?
2. Ўзбек моделининг аҳамиятли томонларини очиб беришга ҳаракат қилинг?
3. Иқтисодиётнинг жамиятдаги ўрнини аниқланг?
4. Қонун устуворлиги нима дегани?
5. Президент И.А.Каримовнинг тараққиётнинг ўзбек моделини изоҳлашга асосий урғу берилган қайси асарини биласиз.

2- савол бўйича дарс мақсади:

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятнинг вужудга келишида миллий истиқлол мафкурасининг аҳамиятини ўрганиш. Талабаларда Ватанга

мухаббат хиссини кучайтириш ва унинг равнақига хисса қўшишга даъват этиш, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан олиб борилаётган ислохотларнинг асосий жиҳатларини очиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг хусусиятини ўрганади.
2. Бу жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги вазифаларни изоҳлайди.
3. Эркин демократик жамиятни барпо этишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамиятини очиб беради.

2-асосий саволнинг баёни: Ўзбекистоннинг бош мақсади, стратегик йўли – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдан иборат. Юртимизда яшаётган ва меҳнат қилаётган барча инсонлар учун, миллат ва элат вакиллари учун, диний эътиқодидан, насл-насабидан қатъий назар муносиб турмуш шароитини яратиш, тараққий этган демократик давлатлардаги қафолатланган турмуш даражасидагидек кўрсаткичга, эркинликларга эришиш миллий сиёсатимизнинг бош мақсадидир.

Бу жараён албатта халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йулини изчил давом эттириш демакдир.

Ушбу олий мақсадларни амалга ошириш учун:

1. Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йуналишидир.

Бу демак, биринчидан, мамлакат сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат фаоллигини ўстириш, сиёсий маданиятни шакллантириш. Бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш.

Демократиянинг энг муҳим тамойили одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини руёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»

Шуни англамоқ зарурки, демократия фақат халқ ҳокимияти бўлмай, у айна пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз тақдири олдидаги маъсулияти ҳамдир.

Иккинчидан, жамиятдаги мавжуд турли манфаатларни – ижтимоий гуруҳлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни шакллантириш, мамлакатда сиёсий кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мустақилликнинг турли хил шакллари вужудга келиши ва уларнинг тенг ҳуқуқлиги қонуний меъёрлар билан қафолатланиши жамиятимиз ижтимоий-табақавий таркибини ўзгартирмокда, бу жараён ўз навбатида жамиятда турли хил манфаатлар ва уларнинг замирида қарама-қарши кучлар келиб чиқмокда, кўппартиявийлик тизими шаклланмокда.

Бунинг барчаси ана шу турли хил манфаатларга эгалик қилувчи кучларни, ижтимоий қатламлар манфаатларини уйғунлаштиришлар ўртасидаги мувозанатни сақлашни тақозо этадими, бу ўта маъсул вазифани миллий ғоя бажариши лозим бўлади.

Миллий ғоя турли ижтимоий гуруҳлар манфаатлардаги умумийликни, умуммиллий манфаатларни ифода этувчи кучдир. Шу сабабли халқимизнинг тараққиёт йўлидан илгарилаб боришининг муваффақияти уни халқ онига босқичма-босқич, узлуксиз сингдириб боришни тақозо этмоқда.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш.

Бу – мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган самарали тизимни – демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқоролик жамиятини шакллантириш демакдир. Ҳуқуқий давлатда барча давлат бўғинлари, ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар фақат қонунлар асосида амалга оширилади, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилинади, барчанинг қонун олидида маъсуллиги янада ошади.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга жорий этиш.

Бу–одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир.

Бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли, малакали, Ватанга садоқатли, эътиқодли, кучли ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш лозим.

2. Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб бораётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хўжалик юритувчининг мустақиллигини ошириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштиришни янада кенгайтириш, иқтисодиётга хориж сармояларини кенгроқ жалб этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва ҳақозо.

Иқтисодиётни эркинлаштиришдан кўзланган бош мақсад–энг аввало давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш, унинг хўжаликлар ва корхоналар фаолиятига, тадбиркорликка, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборатдир.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг кўплаб шакли ва кўринишлари пайдо ва ўзларининг ривожланиши учун ҳуқуқий асослар, кафолатлар механизми вужудга келди. Давлат мулки жадал суръатларда хусусийлаштирилмоқда, натижада мулкчиликнинг нодавлат шакллари;

Хиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, компаниялар, фирмалар, ширкатлар, кўшма корхоналар, хусусий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ўрта ва кичик тармоқлари вужудга келди.

Хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириб, мулкчиликнинг турли нодавлат шакллари ривожлантириб, улар ўртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш

ва мулкдорлар сонини ошириш йули билан яқин келажакда кўпчилиكنи ташкил этиш мумкин бўлган. Ўрта синфнинг мулкдорларини пайдо бўлишига имконият яратиш зарур.

Иқтисодни ривожлантиришда чет эл сармоясини жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, Ватанимизнинг дунё бозоридаги нуфузини ва ўрнини юксалтириш лозим. Ўзбекистон иқтисодиётига таркибий ўзгаришларнинг йўналишларидан оқилона фойдаланиш зарур. Бунинг учун республикамизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий солохият мавжуд.

Ўзбекистон ўтмишининг оғир оқибатларни бартараф этишга, тангликдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиш, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган куч қувватли қудратга эгадир, деб таъкидлайди Ислом Каримов.

3. Ижтимоий сохада:

Халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб бориш, оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, фуқороларнинг ҳуқуқий тенглигини ва қонун устиворлигини таъминлаш, комил инсонни тарбиялаш, соғлом мафкурални, маънавий баркамол авлодни барпо этиш.

Ислом Каримов кўрсатганидек, ислохот-ислохот учун эмас, инсон турмуш шароитини яхшилаш учун, муносиб турмуш шароити яратиш учун хизмат қилиши зарур, чунки у ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ, қатлам табақа, ёш қари, эркагу аёлларимизнинг туб манфаатларини кўзлаши, илму-фанни, таълим-тарбияни, соғлиқни сақлашни, инсоннинг фаровон ҳаётини, унинг меҳнат қилишини ва меҳнатига яраша турмуш шароитига эга бўлиш учун хизмат қилади.

Ижтимоий сиёсат аҳолининг ҳавфсизлигини таъминловчи омиллар, жамиятда етук, руҳан бардам, эркин фикрловчи ва ижтимоий маъсулиятни чуқур ҳис этувчи, касб-хунарли баркамол авлодни тарбиялаш каби ўта зарур ҳаётий ишлар, тадбирлар Ватанимиз тараққиётининг гаровидир.

4. Маънавий сохада:

Халқимизнинг асрлар давомида яшаб келадиган маънавий қадриятларини илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзликни англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини халқимизнинг қалби ва онига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир.

Ватандошларимизнинг маънавий янгилашни ва ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ўтли қараш ва интилишлардаги, фикрдаги ижтимоий қатламлар, сиёсий кучларнинг интилиш-орзуларини уйғунлаштириш, ота-боболаримиз динининг моҳиятини кенг жамоатчиликка ташунтириб бериш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, доно ва баркамол авлодни вояга етказиш, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва иллатларнинг қадриятларини, тили ва маданияти, дини, урф-одатларини ҳурмат қилиш, асраш ва ривожлантиришга кумаклашиш, «Шу азиз Ватан барчамизники» ғоясини амалга оширишни таъминлаш лозим.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда олиб бориладиган ислохотларнинг асосий тамойилларини қандай тушинасиз?

- 2.«Кучли жамиятдан-кучли жамият сари» концепсиясини мисоллар орқали тушунтириб беринг?
3. Ўзбекистондаги ислохотларнинг амалга ошириш принципларига сизнинг фикрингиз қандай? Фикрингизни асосланг ҳаракат қилинг.
4. Давлат бош ислохотчи эканлигини шархланг?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади:

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти, ижтимоий ҳамкорлик, ҳамда Давлатимизнинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини ошиб боришининг асосий сабаблари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб боришини изоҳлайди.
2. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини очиб беради.
3. Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб боришини тушунтиради.

3-асосий савол баёни: Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган ўн беш йил давомида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонни 180 дан ортиқ давлат тан олди (1997). Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очди.

Эндиликда Ўзбекистон тўла ҳуқуқий асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кириб бормоқда.

Мамлакатнинг жуғрофий ўрни:

Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиши жихатидан қулай жуғрофий мавқеига эга.

Қадимги замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Ўзбекистон кўшни давлатлар Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Афғонистон ўртасидаги боғловчи халқа вазифасини ўтади. Тошкент Шарқ дарвозаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ишга солинаётган фойдали қазилма конлари МДХ даги бошқа мамлакатларникидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

1. Ўзбекистон ноёб-ёнилғи энергетика ресурсларига эга.
2. Ўзбекистон катта олтин ва қумуш захираларига эга бўлган давлатдир.
3. Республикада 20 та мармар кони бор.
4. Ўзбекистонда жуда катта туз конлари бор.
5. Пахта етиштириш бўйича-2. Экспорт қилиш бўйича 4-ўринда туради.
6. Дон етиштиради. Тахминан ҳар йили 2 мил тоннадан ортиқ ғалла йиғиб териб олинади.

Интеллектуал салоҳияти:

Аҳолиси 26 млндан ортиқ кишини ташкил этади. Мехнат захиралари бутун аҳолининг 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Саводхонлик 99,6 фоизни ташкил этади. Республикада 60 дан зиёд олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати:

Ўзбекистон конститутцияси 4-боб, 17 моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқоро муносабатларидаги ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий принциплари ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

1. Суверенитети, тенглиги.
2. Куч ишлатмаслик ёки тахдид қилмаслик.
3. Чегараларнинг дахлсизлиги
4. Низоларни тенг йўл билан ҳал этиш
5. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида» Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бориши.

1994 йил 10 январда Тошкентда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўрсатидаги ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. 1994 йил 16 январда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилди.

1998 йил 26-28 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги Давлатлараро Кенгаш мажлисида 3 та Марказий Осиё давлати ўртасида имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи.

Мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи унинг иқтисодий ва интеллектуал қудрати, дунё цивилизация фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси, айтилиши вақтда, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга изчиллик билан амал қилиши, халқнинг турмуш даражаси билан белгиланади.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, уни ядро қуролидан холи маконга айлантириш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқаро террорчилик ва ақидапарастликка қарши кураш мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи янада ортишига хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб боришини тушунтириб беринг?
2. Мамлакатнинг жуғрофий ўрни тўғрисида нималарни биласиз ?
3. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини тушунтириб беринг?
4. Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бориши сабаблари нималардан иборат?
5. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг дунё давлатлари томонидан тан олинишини мисоллар орқали тушунтириб беринг?
6. Бозор иқтисодиётига нега бирдан ўтиб бўлмайди.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. И.Каримовнинг феноменини тасвирлаш.
2. Ўзбек моделини манбавий асослаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Жамиятнинг ҳар бир жаҳҳасида инсонларга тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни мисоллар орқали тушунтириб берилди.
2. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойилларини кенгрок, оммавий нуктаи-назардан асослаб бериш, ҳамда халқни ушбу тамойилларга ишончини ошириб бериш ҳақида маълумот берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т, 1992 й. 43-55 бетлар.
2. Каримов И.А. Миллий мафкура ҳақида. Т, 2000 й. 33-46 бетлар.
- 3.Каримов И. Юксак манавият-енгилмас куч.-Т.2008 176-бет
- 4.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2001 й. 79-99 бетлар.

6-МАЗЗУ: Муустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири

**Фанни ўқитиш технологияси: Муустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ
ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири**

ТР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга муустақиллик, мафкуравий муаммолар уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тушунчалар бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Ғоявий бўшлиқ ҳақида маълумот бера олади. 1.2.2.Мафкуравий муаммолар ва уларнинг келиб чиқишини тушунтиради.. 1.2.3.Зарарли ғояларнинг келиб чиқишини тушунтиради. 1.2.4. Муустақиллик ва озодлик тушунчаларига тўхталади. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: мафкуравий муаммолар, ғоявий бўшлиқ, ёт ғоялар, зарарли ғоялар, ғоявий таъсир, мафкуравий тажаввуз, мафкуравий иммунитет 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмалар қуроллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Муустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Муустақиллик, Озодлик тушунчаларига изоҳ беринг? -Мафкуравий муаммони қандай тушунасиз? -Мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўллари борми, бўлса у қандай амалга оширилади? -Мафкуравий иммунитет нима? -Мафкуравий иммунитет иборасини биринчи бўлиб ким қайси асарида ишлатган ва унга қандай таъриф берган. -Мафкуравий иммунитет қайси йўллар билан ҳосил қилинади? -Ғоявий бўшлиқ нима ва унинг зарарли оқибатларини сўзлаб беринг? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи	Ўқитувчи

5.1. Талабалар билими тавхлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини тахлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	10 минут
---	-----------------

Асосий саволлар:

- 1.Мустақилликни мустаҳкамлаш ва мафкуравий жараёнлар.
- 2.Ҳоявий бўшлиқ тушунчаси,унинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусияти.

Таянч тушунча ва иборалар:

Мустақиллик, миллий ҳоя ва миллий мафкуралар, бунёдкор ва зарарли ҳоялар уларнинг жамиятимизга таъсири, ҳоявий бўшлиқ ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари ҳақида талабаларга тўлиқ тушунчалар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.Мустақиллик, Озодлик тушунчаларига тўхталади..
- 2.Мафкуравий муаммолар ва уларнинг келиб чиқишини тушунтиради.
3. Президентимиз асарларида мафкуравий муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари ва воситалари қандай ёритилганлигини ўрганади

1-Асосий саволнинг баёни: Бугунги ҳаёт мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бахтимиз, истиқболимиз, эртанги фаровон ҳаётимиз билан боғлиқ масалаларни босқичма босқич ҳал қилишни тақозо этмоқда. Мустақиллик жараёни эса бундай вазифаларни муттасил ҳал қилишни, ҳоявий тарбия ишларини доимий олиб боришни, ўсиб – униб келаётган ёш авлод мафкуравий иммунитетини узлуксиз шакллантириб туришни заруратга айлантиради. Бу эса ўз навбатида бунёдкор ҳояларга содиқ ва соғлом мафкураларни қўйиб етказиш учун шароит яратади.

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач,ижтимоий сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, халқимиз табиати ва дунёқарашига ёт бўлган мустақиллик мафкураси барҳам топди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ўз умрини ўтаб бўлган эски мафкура ўрнида янги ижтимоий муносабатларни,халқнинг асл мақсад – муддаоларини ифода этувчи илғор ва бунёдкор мафкура шаклланмас экан, жамиятда ҳоявий вакуум – бўшлиқ юзага келади. Бундай бўшлиқ илғор,жамият тараққиёти учун зарур ҳоялар билан тўлдирилмаса, уни халқ ҳаёти учун ёт ва бегона бўлган мафкуравий таъсирлар эгаллаб олиши мумкин.

Буни жуда яхши англаган юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданок бу борада зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишга катта эътибор берди. Шу боис эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги – миллий истиқлол ҳояси тушунча ва тамойиллари билан тўлдириш ва шу тариқа зарарли ҳоявий таъсирларнинг олдини олишга киришилди.

Лекин, ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқараш осонликча шаклланавермади. Айниқса, бу ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, соддадил, ишонувчан, гўр ёшлар тарбиясида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон

мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли йўналишдаги мафкуравий таҳдидлар айрим одамларнинг қалбини эгаллаб, ўз миллий қадриятларимиз ҳамда умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этиш, юртимиз аҳолиси тафаккурини бўйсундиришга ҳаракат қилган эди.

Ана шундай бало - қазолардан ҳимоялаш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур эди. Зеро, ҳар қандай жамият ўз ривожланиш йўли, ўзига хос ғоявий асос ва мафкуравий тамойилларга эга бўлиш лозим. Айниқса, бу ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда халқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, пировард мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш, уюштириш, жипслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ниҳоятда зарур.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоиёт ва сиёсатида бўлгани каби, ғоявий – мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиши зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлагани каби: «Ўзининг ҳаётини, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар».

Назорат саволлари:

1. Мустақиллик, Озодлик тушунчаларига изоҳ беринг?
2. Мафкуравий муаммони қандай тушунасиз?
3. Мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўллари борми, бўлса у қандай амалга оширилади?
4. Мафкуравий иммунитет нима?
5. Мафкуравий иммунитет иборасини биринчи бўлиб ким қайси асарида ишлатган ва унга қандай таъриф берган.

2-савол бўйича дарс мақсади:

Зарарли ғоялар ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, ҳамда уларни бартараф этиш йўллари талабаларга тўлиқ маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ғоявий бўшлиқ тушунчасига тўхталади.
2. Зарарли ғояларнинг келиб чиқишини тушунтиради.
3. Зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири ва уларнинг олдини олиш йўллари ўргатади.

2-Асосий саволнинг баёни: Ғоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали

шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ушбу ҳудудга ўз таъсир доирасини ўтказишга уринади.

Мустақилликнинг илк йилларида худди шундай вазият юртимизда ҳам кузатилган эди. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди.

— Хукмрон, яккаҳоким - коммунистик мафкура батамом таназзулга юз тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган бўлсада, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган эди.

— Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда ёт ва бегона мафкуралар хуружи бошланади. Ўтиш даврида янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланмай туриб ташки мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай ололмайди.

— Мустақил давлатимиз тинч осойишта яшаётган бир вақтда Афғонистон ва бошқа яқин ҳудудлардаги бетакрор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг ҳудудига ин куриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинояткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё минтақасини мафкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эдилар.

Масалан, ваҳҳобийлик ғояларини қисқа тижлил қилайлик. Ваҳҳобийлик ислом ғояларига сиёсий тус бериб, дин номидан иш юритиб, гўёки исломни пайғамбар давридаги «асл ҳолатига қайтариш», яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш каби ғояларни илгари суради.

Ваҳҳобийлик мустақилликнинг илк йилларидаги ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шунинг учун баъзи кишиларни араб мамлакатларида саёҳатда, хизмат сафарида, ўқишда бўлган вақтларида ўз таъсирига туширишга ҳаракат қилди. Шундан сўнг, дастлаб жойлардаги масжидларнинг имом-хатиблиги учун, кейинроқ эса мамлакат диний идорасининг нуфузли лавозимлари учун курашди, ислом сиёсий партиясини тузишга ҳаракат қилди.

Ҳизбут-таҳрир ҳам собиқ мафкура таназзулга юз тутта бошлаган даврлардан бошлаб, ғоявий бўшлиқ шароитида муайян кишилар онги, дунёқарашига таъсир ўтказа бошлади. Унга ислом сиёсий партияси сифатида 1950-1953 йилларда Ливанда Тақиюддин асос солган.

Ҳизбут-таҳрир ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида, гўёки ғоявий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ҳаракат бошлади. Мақсад- бизнинг мамлакатимизда ўзининг сиёсий, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан узоқни кўзловчи мақсадларига эришиш, таъсир доирасини кенгайтириш, одамларнинг онги ва қалбини забт этиш эди. Улар одатда содда ёшларга ислом дини унинг амаллари, Қуръони Каримни ўргатиш, турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ўз мафкураларни сингдиришга ҳаракат қилган.

Улар одатда 3-4 кун исломни ўргатиб кейин асл мақсадга ўтади. Ҳизбут таҳрирчилар «Ислом низоми», «Исломда бошқарув низоми», «Ҳизбий уюшма», «Исломий шахсият», «Тафкир», «Исломий фикр», « Демократия куфр низоми» каби ўқув дастурлари, китоб ва рисоалари, «Ал-Ваъй», «Онг» журнали кўплаб варақалари орқали халифачилик ғоясини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилишди. Охир оқибатда турли хил ёшдаги кишиларни ўз қармоғига илинтириб уларга қурол яроғдан сабоқлар берди ва ўз ватанига қарши жиноятлар, террористик актлар уюштиришда фойдаланишди. Буларга мисол қилиб, 1999 йил Тошкентдаги

феврал воқеалари, 2000 йил Бўстонлик, Сариосиё, Узуннинг тоғли ҳудудларидаги курулли хуружлар ва Андижон воқеаларни келтиришимиз мумкин.

Ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширувчи бундай оқим ва гуруҳларнинг нияти аниқ. Улар истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистондаги ғоявий бўшлиқни ўз ғоялари билан тўлдириб, мамлакатимиз ҳудудидаги беқиёс бойликларга эгалик қилиш, ҳалқимизни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсиндиришни, энг ёмони, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсир доирасига олишни орзу қилмоқда.

Мана шундан келиб чиқиб бугунги кунда мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардан иборат.

— ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлатиришга қаратилган интилишлар.

— ёш мустақил давлатларни қайтадан собиқ Иттофокқа бирлаштириш ғояси.

— тарихимизни, миллий қадриятлар ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар.

— ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар.

— Турли мафкуравий воситалар олрқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Шу ва бошқа бир қатор мафкуравий таҳдидлардан холи бўлиш мақсадида миллий истиқлол ғоясини ҳалқимиз онгшига сингдириш ва уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш замон амри ва талибига киради. Албатта бу бир зумда амалга ошадиган иш эмас, бунда ҳар бир кишининг фаоллиги, фидокорлиги талаб этилади унинг амалга оширилиши эса Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини янада оширади ва келажаги буюк давлат барпо этилишини таъминлайди, одамларимизнинг эътиқодини мустаҳкамлайди.

Назорат саволлари:

1. Ғоявий бўшлиқ нима ва унинг зарарли оқибатларини сўзлаб беринг?
2. Мамлакатимизга таҳдид қилаётган зарарли ғояларга мисоллар келтиринг?
3. Ғоявий бўшлиқни тугатиш учун қандай чора ва тадбирлар амалга ошириш лозим деб ҳисоблайсиз?
4. Умуман ғоявий бўшлиқ қандай вазиятларда вужудга келиши мумкин?
5. Мафкуравий иммунитет қайси йўللار билан ҳосил қилинади?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Миллий ғояга оид Президент асарлари рўйхатини тузиш.
2. Зарарли ғояларнинг номларини топиб келиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида миллий истиқлол ғоясини ҳалқимиз онгига етарлича сингдириб бориш ҳақида маълумот берилди.
2. Ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги ва зарарли ғоялардан ҳимояланиш учун ҳалқимизнинг мафкуравий иммунитетини тўлиқ шакллантириш чора тадбирларини кўриш олдимизда турган долзарб муаммолардан эканлиги очиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.-2000 й. 12 бет.
2. Каримов И.А Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.-1996 й. 103 бет.
3. Каримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.1997 й. 10 бет.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий еушунча ва тамойилларю Т. 2001 й. 150-160 бетлар.
5. Каримов И.А Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008 й. 176 бет.

7-МАВЗУ: Миллий ғоянинг моҳияти, асосий тамойиллари

**Фанни ўқитиш технологияси: “Миллий ғоянинг моҳияти, асосий тамойиллари”
мавзусида маъруза машғулотининг технологик харитаси**

ТР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга миллий ғоя мафкураси ҳақида унинг келиб чиқиши, инсонларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришдаги рўли ҳақида маълумот бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Миллий мафкурани тушунтиради. 1.2.2.Мафкуранинг моҳияти ва мазмунини сўзлаб беради.. 1.2.3.Миллий ўзликни ангдашни изохлаб беради. 1.2.4 Миллий мафкуранинг тарихий фалсафий илдизларини шархлаб беради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Миллий ғоя, миллий мафкура, мафкуранинг асосий тамойиллари, миллий мафкуранинг тарихий фалсафий илдизлари, ғоявий мақсадлар, олий мақсад, имон-этикод, мафкуранинг асосий вазифалари. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмалар куроллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустахкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Жамият тараққиётида мафкура қандай рол ўйнайди? -Нима сабабдан мафкура бугунги кундаги энг долзарб вазифа ҳисобланади? -Миллий мафкурани моҳиятини тушунтиринг? -Президентимиз И. Каримов нима сабабдан янги мафкурани яратишга катта эътибор бермоқда? -Мафкура миллий ўзликни англашда куч эканлигини тушунтириб беринг? -Мафкура миллий, тарихий хотирани уйғотиш деганда нимани тушунасиз? -Миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний тамойилларини	Ўқитувчи 15 минут

	тушунтириб беринг? 4.2. Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	
5	Ўқув машғулоти яқинлаш босқичи 5.1. Талабалар билими тавхлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини тахлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи 10 минут

Асосий саволлар:

1. Миллий истиқлол ғояси тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.
2. Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий-фалсафий илдизлари.
3. Миллий мафкуранинг мақсад вазибалари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Миллий истиқлол мафкураси, мафкура-миллий ўзликни англатувчи куч, миллий мафкура, тарихий хотирани уйғотиш, маънавий мерос, урф - одатлар, қадриятлар, комил инсон, истиқлол мафкурасининг тамойиллари, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги. Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий - фалсафий илдизлари.

1- савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга миллий истиқлол ғояси-мафкураси ҳақида, унинг келиб чиқиши, инсонларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришдаги роли ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Миллий истиқлол мафкурасини тушунтиради.
2. Мафкуранинг моҳияти ва мазмунини сўзлаб беради.
3. Миллий ўзликни англашни изоҳлаб беради.

1-асосий саволнинг баёни:Инсон бирор-бир мақсадга интилиб яшамаса, унда ҳаётнинг қизиғи бўлмаса керак. Яхшиямки, инсонларни бирлаштириб, уларни қудратли кучга айлантирувчи юксак мақсадлар бор. Бўлмаса башарият аллақачон маънавий таназзулга юз тутган бўлар эди. Айнан шундай улуғ мақсадлардан руҳланган ҳаракатларгина дунёни ўзгартирган, шу йўлда буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Шу боис, ўзида юксак мақсадларни, орзу - интилишларни ифода этувчи, инсонларни буюк ишларга ундовчи мафкуранинг ҳаётимиздаги аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу - истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Истиқлол мафкураси ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакат, миллатнинг ўз келажак тараққиёти йўлидаги ҳаракати, истиқболга эришишнинг ғоявий - сиёсий дастуридир, пировард мақсадидир.

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб ижтимоий-сиёсий масала, жамиятни соғлом эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.

У ҳар бир ватандошларимиз оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва маъсулиятни қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун кадр-қиммати шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади:

1. Ўзбекистон Республика Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин у қонунийликка, умум эътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларига зид келмайди.

2. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихи ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради.

3. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

4. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди.

5. Жамият аъзаларини аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистон буюк келажагини яратишга сафарбар этади.

6. Миллати, тили ва динидан қатъий назар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади.

7. Жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватаним менга нима берди?» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қилаяпман?» - деган маъсулият туйғуси билан яшаши демакдир.

Миллий мафкура ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Асосий «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бу қоида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гуруҳлардан бирортасининг дастурий ғоялари ягона давлат мафкураси бўла олмаслигини англатади. Миллий мафкура давлатнинг тамғаси, байроғи ва шунга ўхшаш тимсоллари сингари мустақил давлат эканлигини ифодаловчи асосий манфаатларнинг бош ифодасидир. Бу давлатга ташқаридан ўрнатиладиган мафкуравий «тўқмоқ» эмас, балки шу давлатнинг ички табиатидан чикувчи бош сиёсий йўналишдир. Бу мафкуранинг муайян сиёсий тартибларга риоя этишини талаб қиладиган сиёсий тазийқ ҳам эмас. Бу шу давлатнинг таркибидаги миллатларнинг ўз мустақиллигини, мустақиллик манфаатларини сақлаб қолиш,

ривожлантириш учун қилган ички интилишлари, туйғулари, хоҳиш - иродалари натижасидир.

И. А. Каримовнинг «Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир», - деган шиори ҳаққоний шиордир. Миллий мафкура Ўзбекистон равнақ топиши, ривожланиши, унда яшаётган халқ бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши лозим деган оддий ҳақиқатни ифодаловчи, ҳимоя қилувчи мафкурадир. Миллий мафкуранинг ўзагини миллий ғоя ташкил этади. Миллий ғоя халқнинг ўзлигини англатувчи, унинг миллий туйғуларини уйғотувчи, миллий ғурур ва ориятни кўзғатувчи, бирлаштирувчи, уюштирувчи фикрдир. Шундай фикр туфайли халқ ўзининг кимлигини, нималарга қодиру, нималарга зор эканлигини қалбдан ҳис этади. Масалан, японлар: «Биздан ишлаб чиқарилган ҳар бир товарда Япониянинг шаъни акс этади, бизнинг товарнинг паст баҳоланиши, япон халқининг баҳоланишидир», - деб иш юритишади. Миллий мафкура ҳар бир жамиятнинг манфаатларини сиёсий даражада ифодаловчи, жамиятни шу манфаатлар учун курашга йўналтирувчи, уюштирувчи ғоялар системасидир.

Жамиятнинг сиёсий манфаати шу жамиятни ташкил этувчи давлатнинг мустақиллиги, унинг иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги ва истиқболга эгаллиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион жиҳатдан ҳимояланганлиги, жамиятнинг ичида эса фуқаролараро, миллатлараро барқарорликнинг таъминланганлиги ва бошқалар киради.

Истиқлол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш;
- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши;
- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши;
- замон ва давр ўзгаришларига қараб ўзи ифодаладиган манфаат, мақсад муддаоларини тавсия эта олиши.

Мафкура миллий ўзликни англатувчи куч. Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси миллий ўзликни англатувчи ва танлаган йўлимизнинг тўғрилигини англаш омилидир. У ўтмишни келажак билан боғлайдиган маънавий кўприқдир.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкура халқимизнинг туб мақсадларининг ифодаси, жамият аъзоларини олижаноб мақсад йўлида бирлаштирувчи байроқ.

Хулоса қилиб айтганда одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасидаги ўзига хос кўрик бўлишга қодир ғояни жамият мафкураси деб ҳисобламоқ лозим. Янги мафкурани асл мазмуни-янгича, эркин фикрлайдиган, мутеълик ва жуъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир.

Назорат саволлари:

1. Жамият тараққиётида мафкура қандай рол ўйнайди?
2. Нима сабабдан мафкура бугунги кундаги энг долзарб вазифа ҳисобланади?
3. Миллий мафкурани моҳиятини тушунтиринг?

4. Президентимиз И. Каримов нима сабабдан янги мафкурани яратишга катта эътибор бермоқда?

5. Мафкура миллий ўзликни англатувчи куч эканлигини тушунтириб беринг.

6. Мафкура миллий, тарихий хотирани уйғотиш деганда нимани тушунасиш?

7. Миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний тамойилларини тушунтириб беринг?

2- савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга «Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий-фалсафий» илдизларини, унинг ижобий ва салбий томонларини етарли далиллар орқали тушунтириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий-фалсафий илдизлари ҳақида сўзлаб беради.

2. Халқимизнинг бой маданий ва маънавий мерослари тўғрисида маълумот беради.

3. Истиқлол мафкурасининг назарий манбаларини тушунтиради.

2-асосий саволнинг баёни: Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эга бўлган экан, ўз халқининг асрлар оша орзу-умидлари, мақсадларини, мустақиллик учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий эркинлигини ҳам қўлга киритишга маваффақ бўлди, ўзининг миллий истиқлол мафкурасига эга бўлишга тўла имконият яратилди. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришишига, иқтисодий фаровонликни таъминлашга, ижтимоий-сиёсий тараққиётга, маънавий раванқ топиш учун ўзига хос йўлни танлаб олди. Ўлкамизда инсоният турмуш тарзининг замонавий шарт-шароитларини яратишга йўл очилди. Ҳақиқий рақобат шакилланиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўлларида бормоқда, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг мураккаб услубларидан фойдаланмоқда, сиёсий бошқаришнинг ўзига хос тизимини яратишга ҳаракат қилмоқда. Республикамизда тенглик, осайишталик, ўзаро ишонч туйғуларини самарали фойдаланишга ва бу жараёнларга монанд маънавият яратилишига дадил қадамлар қўйилмоқда. Шу асосда ўз характерли хусусиятга мувофиқ яхлит асосга, ягона мақсадга, таркибий қисмига ва унинг асосий йўналишларини ҳаётга тадбиқ этиш имкониятларига аста-секин эга бўлмоқда.

Истиқлол мафкусининг таркибий қисмлари асосан:

1. Ўтмиш меросий қадриятларни янги таянч ва қудратли илдиз сифатида;

2. Келажакка бўлган ҳаракатимиз жараёнда шаклландиган ва фозил инсонни тарбиялаб вояга етказадиган асосий ғоя сифатида;

3. Истиқбол тараққиётимизнинг оқибати, мақсади адолатли демократик давлат барпо қилиш сифатида намоён бўлмоғи лозим.

Миллий истқлол мафкурасининг тарихий илдизлари – халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келадиган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимлардаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболармизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий рух берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган.

Миллий истиклол мафкурасининг маъно - мазмунини белгилайдиган асослардан бири – бу халқимизнинг қадимий бой тарихидир. Чунки тарих - буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзи аччиқ сабоқларни тан олишга ундайди.

Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиш» «Шашмақом» каби санъат дурдоналари, Спитамен, Жалололдин Мангуберди, Амир Темурнинг соғлом маънавияти маҳсули бўлган «Куч-адолатдадир» деган шиори миллий ғояни таркибий қисмига айланиб кетган, мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, уни одиллик билан бошқаришда маънавий - мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган.

Миллий истиклол мафкурамизда халқларимизнинг маънавий - ахлоқий онги ва тафаккури ривожланишида катта ўрин тутадиган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» нинг асл Ватани Ўрта Осиё, аниқроғи, кўҳна Хоразмдир. «Авесто» нинг яратилганига қарийб 3 минг йил бўлмоқда.

Умуман энг қадимги маданий, тарихий, адабий ёдгорлик ва бойликларимиз қуйидаги 3 та асосий манбага таяниб ўрганилади:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.
2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.

3. Археологик топилмалар. Мухтасар қилиб айтганда, миллий мафкурамизнинг тарихий илдизлари деганда аждоқларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф - одатлар, анъаналар, қадриятлар, мустаҳкам иймон-эътиқоди фуқароларимиз учун намуна бўлиши, хато, камчилик-нуқсонлардан эса тўғри хулоса ва сабоқлар чиқариш учун асос бўлади. Мафкурамизнинг фалсафий асосини, аввало миллий ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий билимлар, жаҳон фалсафий дурдоналари белгилайди. Олам ва одамнинг яратилиши ва такомиллашиб бориши ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик, комиллик ғоялари ҳам бугунги мафкурамиз шаклланишига таъсир кўрсатади. Буюк донишманд аждоқларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари, Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари ва Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари, Фаробийнинг адолатли жамият ва Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Дониш қолаверса асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлилар фаолияти ҳам миллий ғоя, истиклол мафкурасининг теран томирларидир.

Миллий мафкура ва уни шакллантиришда ўтмиш меросимиз, жумладан, Нақшбандия тариқати ғояларининг ҳам ўрни бор.

Нақшбандия уч асосий манбадан озикланган: аввало, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда келган шариат аҳкомлари. Иккинчиси Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийдан бошланган ва Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний асос солган тариқатнинг кўп асрлик назарий ва амалий тажрибалари. Учинчиси -Туронзамин халқларининг қадимги зардуштийлик маданиятидан мерос қолган ва кейинчилик «футувват», яъни жавонмардлик номи билан сақланган ўзига хос халқчил қадриятлардир.

Истиклол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий ғоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берган Ислом Каримов асарларида чуқур ифодасини топган. Уларда мамлакатимизнинг ривожланиш йўли, унинг

Ўзига хос хусусият ва қонуниятларининг амалга ошиш диалектикаси илмий нуқтаи назардан аниқ белгилаб берилган.

Президентимиз 2000 йил 6 апрель куни Оқсаройда миллий мафкура-мамлакат келажаги пойдевори эканлигини таъкидлаш билан бирга, ўз келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай жамият албатта ўз ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлади. Давлат тизими, уни бошқариш сиёсати аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозимлигини айтиб ўтдилар.

Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррардир.

Миллий мафкурани яратиш зарурияти билан боғлиқ фикр биринчи бор Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан 1993 йилнинг 23 апрелида, унинг республиканинг бир гуруҳ адиблари билан учрашувида илгари сурилди. Орадан кўп ўтмасдан мамлакат Олий Кенгаши X сессиясида (1993 йил 6 май) маънавиятсиз ҳеч қандай ижтимоий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмаслигини, олдимизда турган энг муҳим масала – бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётимизга тадбиқ этиш эканлигини таъкидлади.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси, шунингдек, қадимги Шарқ, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади.

Хусусан Сукрот, Афлотун, Арасту сингари мутаффақкирларнинг асрлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва ҳозирги замон намояндаларининг қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкурасининг тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Афлотуннинг «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимоти, Хнге диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимлар илгари сураётган ғоялари ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Демак, миллий истиқлол ғояси акс этган манбалар қуйидагилардан иборат:

1. «Авесто».
2. Дунёвий қарашлар.
3. Диний қарашлар.
4. Миллат фалсафаси.
5. Халқимизнинг озодлик учун кураши.
6. Комил инсон тўғрисидаги орзулар ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда одамлар тафаккурини ўзгартирадиган, уларнинг дунёқарашини янгилайдиган воситалардан бири Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, тарих ва фалсафадир.

Назорат саволлари:

1. Истиқлол мафкурасининг назарий манбалари нималар?
2. Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий илдизлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий илдизларини тушунтириб беринг.
4. Комил инсон деганда қандай одамни тушунасиз?
5. Миллий истиқлол мафкурасининг озиқланадиган манбаларини тушунтириб беринг.

6. Миллий истиқлол мафкурасининг мазмунида мужассамлашган халқимизнинг муқаддас туйғу ва тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?

3-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга истиқлол мафкурасининг олий мақсади миллатимизнинг эзгу ғояларига таянган ҳолда халқни Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этишга сафарбар қилиш эканлигини содда тилда, лўнда қилиб тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Президент И.А.Каримовнинг "Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" номли асарида олий мақсад тўғрисида баён этилган фикрларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганиш.
2. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз- буни яхшилаб англаш.
3. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз нима эканлигини билиб олиш.

3-асосий саволнинг баёни: Миллий истиқлол мафкурасининг олдига қўйилган олий мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришдир.

Демак, миллий мафкурамизнинг бош мақсадини қуйидаги шаклда ифода қилсак бўлади.

Миллий мафкурамизнинг бош мақсади ҳақида Президентимиз И.А.Каримов бундай деб ёзади: "Одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш; уларнинг мен ўзбек фарзандиман деб ғурур ва ифтихор билан яшашга эришишдир" Демак, ҳурматли Президентимизнинг юқорида таъкидланган сўзларидан шу нарса келиб чиқадики, миллий мафкуранинг энг асосий мақсадларидан бири ёш авлодни тарбиялашдир.

Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг яна бир асосий мақсади - давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишга кўмаклашишдир. Ҳозирги ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда республикамызда истиқомат қилаётган турли миллатлар ва элатларга мансуб бўлган ҳар бир катта-кичик фуқаронинг ижтимоий гуруҳлар, оммавий ташкилотлар, ҳаракатлар, сиёсий партиялар, ёшлар, диний уюшмаларнинг олий мақсади Ўзбекистон Давлат мустақиллигини кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, эъзозлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Ўзини шу юртнинг фарзанди, фидоий инсони ва жонқуяри деб билган одамлар учун мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдек шарафли ва масъулиятли ишда ўз хиссасини қўшишдан кўра олижаноб мақсад ва ният йўқ ва бўлмаса ҳам керак. Келгуси насл-насабларимиз, неварачевараларимиз бизларга, ҳозирги авлод кишиларига, Ўзбекистон Давлат мустақиллигини қандай қилиб қўлга киритганлигимиз, мустаҳкамлаганимиз, уни сақлаб қолганлигимизга қараб баҳо беришади.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигини қўлдан бой бермаслик, барқарорлигини таъминлаш, республикамыз фуқароларининг тарих олдидаги ҳозирги ва келажак

авлодлар олдидаги энг катта бурчи ва буюк масъулиятларидир. Буни бошқача изохлаб ва тушунтириб бўлмайди.


Одамларни ягона мақсад - миллий истиқлол учун курашга сафарбар этиш, уюштириш, жипслаштириш, бошини бошига қовуштириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни таъминлаш сингари улуғвор вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ва тараққиёт мафкураси асосий ўрин тутди.

Республикамиздаги барча миллат ва элат вакиллари биринчи навбатда ўзбеклар, хусусан кенг жамоатчиликни жамики халқимиз миллий истиқлол мафкураси таъсири ва даъвати билан якдил ва яктан бўлиб, бир ота-она фарзандларидек бирлашса, қўлни қўлга бериб, гина-қудуратларини унутиб, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, миллатчилик иллатлари ва кафолатларидан тамомила юз ўгириб ҳаракат қилса, дунёда уларни енгадиган куч топилмайди. Шунда уларга бахт-омад кулиб боқади, қийинчиликлар тезда ўтиб кетади ва унутилади, мустақиллигимиз мустаҳкамланади ва барқарор бўлади. Ўзбекистон яқин келажакда дунёга доғруғ таратган қудратли буюк давлатга айланади.

Бахтимиз ва истиқболимизни ҳам, эртанги фаровон ҳаётимизни ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ бўлган хилма-хил муаммоларини бизга ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Буларнинг ҳаммасини амалга оширувчи, ҳал қилувчи куч-ўзбек халқи, Ўзбекистон фуқаросидир. Халқ-тарих ижодкоридир. Мустақиллигимиз асосчиси ва мустаҳкамловчисидир. Бу-миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий қоидаларидан биридир.

Миллий истиқлол мафкурамизнинг олий мақсади Ўзбекистон давлат мустақиллиги учун хизмат қилиш, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлашда кенг халқ оммасини сафарбар этишдан иборатлигини англашимиз зарур.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарорлигини таъминлаш ва истиқболи учун кенг имконият ва шарт-шароитларни яратиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро миллати ва эътиқодидан қатъий назар мустақилликнинг онгли фидоийсига айланиши керак. Ана шу вазифани амалга ошириш янги мафкуранинг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.



Маълумки, ҳар бир мафкуранинг мазмуни у ёки бу жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва мақсадлари билан белгиланади. Шундай экан, ўз-ўзидан биз Ўзбекистонда қандай жамият барпо этаямиз, унинг моҳияти, асосий мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат деган савол туғилади, албатта.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги мустақил Ўзбекистон - ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган, кучли демократик, адолатли жамиятни барпо этишга қаратилган давлат бўлиши керак. У инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаб берадиган, халқимизнинг бой тарихи, урф-одати анъаналарини кадрлайдиган, барқарор бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга ҳаракат қилаётган ҳар томонлама фаол ички ва ташқи сиёсатни амалга оширадиган аҳоли турмушини яхшилашни олий мақсад қилиб қўйган, келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатдир.

Ана шундай экан, мамлакатимизнинг бу мақсадларини амалга ошириш учун миллий мафкура ўз олдига қўйган вазифалари нимадан иборат бўлиши керак? Бунга жавобан ҳурматли Президентимиз И. Каримов: "Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч ғайрат манбаи бўлиши лозим",- дейди.

Шундай қилиб, бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган йўналишлардан таркиб топган миллий ғоя, миллий мафкурамизнинг асосий мақсадлари қуйидагиларга қаратилган:

Иқтисодий соҳада - бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни замонавий технология асосида ривожлантириб, республикамиз халқининг бой ва фаровон яшаши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни техника билан қайта жихозлаш, замонавийлаштириш ва ривожлантириш ҳисобига сифатли ва арзон озиқ-овқат ва бошқа товарларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, савдони ташкил этишни такомиллаштиришга.

Ижтимоий-сиёсий соҳада-замонавий демократик фуқаролар жамиятини қарор топтириб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, эътиқод ва фикр эркинлигини таъминлайдиган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари фаолиятига кенг йўл очиб берадиган буюк давлатнинг барча ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий асосларини янада такомиллаштириб, жаҳон миқёсида халқимизга муносиб ўрин ва мавқега эришишга.

Сиёсий партиялар жамоатчилик ҳаракатлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ҳаётининг бошқа соҳаларида муносиб ўринни эгаллашларига эришишга.

Миллий маданий марказларни ривожлантириш, миллий-маданий марказлар ва диний ташкилотлар фаолларини фуқароларни ватанпарварлик ва мустақил демократик давлат идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига кенг жалб қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашга.

Маданий-маънавий соҳада-миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз, анъаналаримизни тиклаб, уларни мазмунан бойитиш, замонавий таълим-тарбия

тизимини шакллантириш, халқимизни, аввало ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, маънавий етук, баркамол фидоий инсонларнинг бунёдкорлик фаолиятини янада ошириб, жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўринни эгаллаш, тарихий ҳақиқатни тиклашга асосланган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш, илғор тарихий маънавий-ахлоқий қадриятлар ва нормалар (байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар мусобақалар ва бошқалар)ни замонавий турмушга жорий этиш. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича ўқувчилар ва ёшлар учун илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни яратиш, нашр этишга.

Ташқи сиёсат соҳасида-давлатимиз дахлсизлигини таъминлаб, жамиятимизда тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш, чет эл мамлакатлари, МДХ республикалари билан ўзаро манфаатли дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Ёшлар ўртасидаги мамлакатлараро, маданий, илмий алоқаларни кучайтиришга.

Назорат саволлари:

1. Мафкуранинг вазифаси деганда нимани тушунасиш?
2. Мустақиллик даврида шаклланган дунёқараш қандай моҳиятга эга?
3. Эркин тафаккурни қандай тушунасиш?
4. Истиқлол мафкураси иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларда асосий эътиборни нималарга қаратиши лозим деб ўйлайсиз?
5. Миллий онг нима?
6. Миллий ғурурни қандай тушунасиш.

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Миллий ғоя тушунчасини изохлаш.
2. Миллий ғоянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Миллий мафкуранинг мақсад ва вазифалари очиқ берилди.
2. Миллий мафкуранинг тарихий фалсафий илдизлари ёритиб берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.-2000 й. 25-36 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.-1996 й. 143 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.-1997 й. 67 бет.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.-2001 й.117-134 бетлар.

8-Мавзу: Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими

Фанни ўқитиш технологияси: Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими” мавзусидаги машғулотнинг технологик харитаси

ТҲР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Талабаларга миллий мафкуранинг бош ва асосий ғоялари ҳақида маълумот бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Миллий мафкуранинг бош ғояси ҳақида тушунчага эга бўлади. 1.2.2.Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояси мазмун моҳиятини очиб беради. 1.2.3.Комил инсон тушунчасини изоҳлайди. 1.2.4. Ўзбекистон кўп миллатли давлатлигини изоҳлаб беради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Ватан, ватанпарварлик, ватан равнақи, юрт тинчлиги, барқарорлик, фаровонлик, комил инсон, баркамол авлод, миллат, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, таркатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустахкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Миллий истиқлол мафкураси деганда нимани тушунаси? -Мафкура ва миллий мафкура тушунчаларининг ўзаро алоқадор ва фарқли тамонлари борми? Агар бўлса уларни асослаб беринг. -миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясини мазмун-моҳиятини тушунириб беринг? -Бош ғоямизга таъриф беринг? -Халқ фаровонлиги нима? -Комил инсон тушунчаси нима? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи 5.1.Талабалар билими тавҳлил қилинади. 5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи 10 минут

	5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	
--	--	--

Асосий саволлар:

1. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими.
2. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва комил инсон ғоялари.
3. Ижтимоий ҳамкорлик ва диний бағрикенглик ғоялари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Мафкура, миллий истиқлол мафкураси, ғоя, Ватанпарварлик, фидоийлик, ўзликни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик ва диний бағрикенглик, миллат.

1-савол бўйича дарс мақсади:

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси ҳақида талабаларга тушунча бериш. Бу ғоянинг амалга оширилишида миллий истиқлол мафкурасининг ахамиятини шарҳлаб бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ҳақида тушунчага эга бўлади.
2. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясининг мазмун-моҳиятини очиб беради.
3. Миллий истиқлол мафкураси бош ғоясининг шаклланиши ва ҳаётга тадбиқ этилишининг йўллари аналлиз қилади ҳамда улар ҳақида тушунчага эга бўлади.

1-Асосий саволнинг баёни: Миллий истиқлолнинг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси-мустақилликни мустаҳкамлаш, ***озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.*** Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош ғояни халқимизнинг, ўсиб келаётган мамлакатимизнинг эртанги куни, унинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини, ривожланишини таъминловчи ёш авлоднинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ҳар томонлама пухта ишланган, ҳаётнинг барча талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ўзига хос ва ўзига мос равишда шаклланиши ва ривожланиши зарурдир. Пойдевори мустаҳкам бўлган бино гирдоб бўлганда ҳам, бўрон турганда ҳам, сув тошқини-ю, дахшатли зилзилаларда ҳам қуламасдан собит турганидек тарихий, маънавий, фалсафий, ахлоқий, илмий заминлари мустаҳкам бўлган, фан қонунлари ва уларнинг илмий ҳулосаларига ҳамда сўнгги ютуқларига асосланган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этувчи мафкуранинг ҳам умри боқийдир. Бизнинг миллий мафкурамиз ҳам юкоридаги ва бошқа жуда кўп ижобий жихатларни ва эзгу ниятларни ўзида мужассам этади ва демакки умри боқийдир.

Миллий истиклол мафкураси хақида фикр юритар эканмиз, албатта бу мафкуранинг асосида ётувчи, уни ташкил этувчи ғоялар, хусусан бош ғояга эътиборни қаратмоғимиз лозим. Миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси эса **озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни** барпо этиш ғоясидир. Бу Ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Хар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Ушбу ғояда озодлик тушунчасининг устивор ва етакчи ўринда туриши, Ватан мустақиллиги барча орзу интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этар эканмиз биз биринчи галда мухтарам юртбошимиз айтганларидек ўзлигимизни англашимиз ва албатта қадимий ва бой тарихимизни билишимиз лозим бўлади. Бу эса бизнинг фикримизча миллий истиклол мафкурамиз шаклланишининг ўзига хос таянчи, негизи ва манбаларидан биридир. Миллий мафкурамиз сиёсий, иқтисодий, маънавий ва инсон ижтимоий фаолиятининг бошқа кўплаб соҳаларини қамраб олади. Бу, аввалом бор сиёсий мустақиллик ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг кўрсатмаларисиз ўзимизга хос миллий истиклол ва янгиланиш йулидан бориш демакдир. Бу иқтисодий мустақиллик бўлиб, юртимизнинг барча бебаҳо бойликларига чинакам эғалик ҳуқуқини қўлга киритиш, халқимизнинг фаровонлиги йулида фойдаланиш демакдир. Бу маънавий мустақиллик халқимизнинг истиклолга, озодликка, ўз давлатига эга бўлганига, адолатли жамият қуришга бўлган асрий орзу-умидларнинг руёбга чиқишидир. Шунинг унутмаслигимиз керакки, хар қандай шароитда ҳам халқимиз маънавият соҳасида ўз мафкуравий мустақиллигини йуқотмаган. Чунки ўзбек халқи маънавияти пойдевори мустаҳкам, илдизи бақувват бўлиб, унинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Аммо бу чуқур миллий илдизларга эга бўлган маънавият сарчашмаларимиз кўплаб асл халқ фарзандларини қурбон қилишлар эвазига сақланиб қолди. Мустақиллик туфайли жуда кўп иллатлардан халос бўлдик. Шунинг учун мустақиллик мафкурасини яратишдек ғоят муҳим масала олдимизда турибди.

Чунки ғоявий соҳада инсон онгида бўшлиқ бўлмаслиги лозим. Хар қандай жамиятнинг ўз мафкураси бўлгани каби Республикамизнинг ҳам ўз миллий истиклол мафкураси бўлмоғи керак ва бу мафкура ўзининг бош ғояси бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишда жуда катта аҳамият касб этади.

Миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси шаклланишида унинг асосида ётувчи, уни ташкил қилувчи ғоялари саналмиш **Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик** каби ғояларнинг роли ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Буни схематик тарзда қуйидагича тасаввур қилишимиз мумкин:

Бундан ташқари миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси шаклланишида Ватанпарварлик, инсонпарварлик, эл-юртга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва ҳаказоларнинг ҳам роли каттадир.

Умуман олганда миллий истиклол мафкурасининг асосий ғоялари шаклланишида бизнингча қуйидагилар мужассамланиши мақсадга мувофиқдир:

- а) мустақиллик туйғуси ва уни тўла ҳис этиш;
- б) кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Ватанпарварлиги;

- в) қонунга итоатгўйлик, интизом ва тартиб;
- г) жамиятда оиланинг роли;
- д) қадимий ва бой маънавиятимиз.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси давлатимиз фуқороларини улуг мақсад йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишига кўмаклашади. Юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари, кенг жамоатчилик, жамийки халқимиз миллий истиқлол мафкураси таъсири ва даъвати билан якдил ва яктан бўлиб, бир ота-она фарзандларидек бирлашса, миллатчилик маҳаллийчилик, гурухбозлик каби иллатлардан тамомила юз ўгириб ҳаракат қилса, жонажон Ватанамиз энг илғор давлатлар қаторидан тез орада жой олади ва нурли келажак сари илдам қадам босади. Халқ тарих ижодкори, мустақиллигимизнинг таянчи ва мустаҳкамловчи кучдир. Бу-миллий истиқлол мафкурасининг асосий қоидаларидан биридир. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон турмуш барпо этиш, юртимизнинг Давлат мустақиллигини таъминлаш ва истиқболи учун кенг имконият ҳамда шарт-шароитларни яратиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун ҳар бир фуқаро ҳақиқий маънода фидойи булиши, Президентимиз айтганларидек- *«Элим деб, юртим деб ёниб яшаши»* лозим.

Фидойилик эса ўзида жуда чуқур фалсафий мазмун-моҳият касб этувчи тушунчадир. Она-юрт, Втан, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида керак бўлса жонини қурбон қилишга тайёр инсонларни ҳақиқий маънода фидойи кишилар дейиш мумкин. Бу эса миллий истиқлол мафкураси асосий ғоялари амалга ошишининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инсонни энг олий кадрият деб билиш ва юксак даражада эъзозлаш миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий мақсадлари ва муҳим талаблари сифатида алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, сиёсатда, маданият ва маънавиятда инсон манфаатини, унинг талаб ва эҳтиёжларини назарда тутиб юргизиладиган сиёсатни республикамызда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласида амалга ошириладиган ишлар мисолида қўришимиз мумкин. Аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақалари, кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилаларга ўз вақтида мадад бериб келинадиганлиги, ўқувчи, талаба ва аспирантларга кўрсатиладиган амалий ёрдамлар, пенсиялар, стипендия ва иш ҳаққининг ошириб турилганлиги-буларнинг ҳаммаси инсон ҳақидаги, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғамхурликнинг муҳим кўринишларидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ҳақида фикр юритар эканмиз, инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, уларнинг биронтасини назардан қочирмаслигимиз лозим бўлади. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган мана шундай соҳалардан бири-*таълим-тарбия* жараёнидир. Чунки миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини яратадиган, уларни амалга оширадиган кишилардан юқори малака, билим ва кўникмалар талаб этилади. Шу сабабли Президентимиз томонидан биз ёшларга бу соҳада жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. 1997 йилнинг январида юртбошимиз фармони билан «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида турли соҳаларда бизнинг республикамыздан ҳам жуда кўплаб талаба-ёшлар таҳсил олмоқдалар.

Келажакда улар, албатта эркин ва фаровон хаёт куришимизда катта роль ўйнайдилар. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек- *«Таълим тарбия онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.*

Биз юқорида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаётни барпо этиш ғоясининг баъзи бир жихатлари ҳақида қисқача тухталиб ўтдик. Албатта, миллий истиклол мафкурасининг асосий ғоялари маконда ҳам замонда ҳам кенг кўламли ва кенг қамровлидир.

Назорат саволлари:

1. Миллий истиклол мафкураси деганда нимани тушунаси?
2. Мафкура ва миллий мафкура тушунчаларининг ўзаро алоқадор ва фарқли тамонлари борми? Агар бўлса уларни асослаб беринг.
3. Миллий истиклол мафкурасининг бош ғоясини мазмун-моҳиятини тушунариб беринг.
4. Бош ғоямизга таъриф беринг.

2-савол бўйича дарс мақсади:

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояларининг мазмун моҳиятини очиб бериш, талабаларда ватан, ватан туйғуси, ватанпарварлик, эл-юртга меҳр-муҳаббат хиссини ривожлантириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ватан равнақи ғоясининг миллий истиклол мафкураси шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беради.
2. Ватан, Ватан туйғуси, Ватанпарварлик тушунчасини шарҳлаб беради.
3. Ватан равнақи ғоясининг ижтимоий хаётдаги роли ва аҳамиятини тушунтириб беради.
4. Халқ фаровонлиги ва инсон ғояларининг мазмун моҳиятини очиб беради.

2-Асосий саволнинг баёни: Ҳар қандай мафкура, ҳар қандай ғоя маълум бир ҳудудда, маълум бир давлатда шаклланади ва амалга ошади. Шу маънода «Ватан» миллий ғоялар шаклланиши ва такомили кечадиган муқаддас макондир.

Аввало, Ватан-инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, хаётига маъно мазмун бахш этадиган табарруқ маскандир.

У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан ота-боболаримизнинг хоки-поклари жо бўлган, вақти соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир. Ватани бор одамнинг Ватанпарварлик хисси, ғурур-ифтихори, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Шу маънода Ватанпарварлик-бу она заминга бўлган муҳаббат уни севиш, ардоқлаш, эъзозлаш ва унинг равнақи ҳақида бутун вужуди билан қайғуриш демакдир. *«Ватанпарварлик мафкураси бу жамият ахли руҳиятининг кўрсаткичи, хоҳиш иродасининг намоён бўлишидир».* Ватанпарварлик мафкураси маълум бир жамиятда яшаб турган кишиларнинг миллати, ирқи, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бирлаштириб турган муҳим омилдир.

Тоғдек таянчи Ватани борлигини хис этган инсон хаётнинг ҳар қандай қийинчиликларига тайёр туради, ўзидаги Ватанпарварлик, эл-юртга бўлган меҳр-

мухаббат хисси уни Ватан равнақи учун курашга, қийинчиликлардан қурқмасликка чорлайди.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш нафақат ўзбек халқининг, балки дунёдаги барча халқларнинг азалий орзу истагидир. Лекин барча халқлар тарихида бўлгани каби бизнинг халқимиз тарихида ҳам Ватанимиз озод ва обод бўлган кунлар ҳам ёки аксинча яқин ва узоқ ўтмишда унинг осмонида қора булутлар кезган кунлар ҳам бўлган. Том маънодаги мустақиллик ўзбек халқининг асрий орзуси ва тарихий ютуғидир.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак маъсулиятни хис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Буни Президентимиз ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар. «Биз-деб ёзади И.А.Каримов-фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад-юрт тинчлигига, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўпдан-кўп муҳим масалалардан иборат.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди ва ўз навбатида Ватан равнақига хизмат қилмайдиган ғоя миллий ғоя бўлолмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларни аниқ кўрсатиб берсагина, ўзида акс эттирсагина куч-қудрат манбаига айланади.

Бизнинг миллий истиқлол мафкурामиз ва унинг асосий ғоялари Ўзбекистон аталмиш мустақил Ватанда шаклланиб, сайқал топиб, тобора чуқурроқ илдиз отиб келмоқда. Зеро, Ватан мустақиллиги- бу, бизнинг чинакам бахтимиздир. Юрти озод ва эркин одамнинг эрки ўз қўлидадир. *«Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади-Ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир»*-дейди И.А.Каримов.

Ватанпарварлик-ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдангина иборат эмас, балки бошқа халқлар ва миллатларни ҳам ҳурмат қилиш, уларнинг илм-фани, техникаси, маданияти ютуқларидан ижобий фойдаланиш ҳам демакдир. Ватанга меҳр-мухаббат ва садоқат ишчининг дастгоҳ ёнида, дехқоннинг далада, врачнинг шифохонада, муаллимнинг синфхонада, хуллас ҳар кимнинг ўз жойида туриб қилаётган меҳнати билан қўшилиб кетмаса, амалий ишлар билан мустаҳкамланмаса ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Агар аксинча юқоридагилар амалга ошса Ватан равнақ топади, юрт обод бўлади, халқ фаровон яшайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш буйича жуда кўп тақсинга сазовор ишлар қилинди. Бу ишларда Президентимизнинг меҳнатлари жуда катта бўлди. Тадбиркорликнинг, эркин иқтисодий фаолиятнинг кенг қўламда ривожланаётганлигини, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё

салоҳияти юксалаётганлиги Ватанимиз равнақ топиши ва жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига чиқиб олиши учун асос бўлади.

Бу ўзгаришлар жараёнининг устивор хусусияти-халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятидир. Бунда ана шу бунёдкорлик фаолиятини тўла руёбга чиқариш, иқтисодий ва илғор технологиялар асосида модернизация (замонавийлаштириш) қилиш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш хал қилувчи аҳамият касб этади.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак маъсулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса Ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади. Умуман Ватанпарварлик:

- ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш;
- буюк аجدодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;
- аждодлар урф-одат, расм-русум ва удумларини, меросини ўрганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;
- давлатимиз келажаги, истиқлолнинг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни барпо этишига астойдил кўмаклашиш каби хусусиятларни англатади.

Ватан равнақи учун бор билими, кучи, салоҳиятини сарфлаш Ўзбекистон Республикаси барча фуқороларининг муқаддас бурчига айланмоғи даркор. Зеро ҳар биримизнинг бахтимиз, келажагимиз Ватан равнақи билан узвий равишда чамбарчас боғлиқдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир ғояси бу юрт-тинчлиги ғоясидир. Юрт тинчлиги-бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги барқарор тараққиёт гаровидир. Лекин инсоният тарихидан маълумки, бирон-бир мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни кўра олмайдиган, унга доимо раҳна солувчи кучлар ҳамиша бўлган ва ҳозир ҳам бор. Шунинг учун ҳам мухтарам Президентимиз халқимизни огохликка чақириб: *«Огоҳ бўлинг, одамлар,»* деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриш керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар-ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда фуқоролар ва миллатлар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир»-деб ёзгандилар. Дарҳақиқат халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишларининг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг, юртимизнинг тинчлигига боғлиқ. Унинг тинчлигини сақлашга эса ҳар биримиз маъсулдирмиз, бу бизнинг муқаддас фуқоролик бурчимиздир.

Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Шунинг учун яратгандан доимо тинчлик ва омонлик тилайди.

Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакнинг ижобат бўлишига доимо қаршилик қиладиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келади.

Инсоният тарихига назар ташласак, кейинги беш минг йил мобайнида одамзод ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошдан кечирганини кўрамиз. Бу уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ханузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб келаётганидан далолатдир.

Холбуки, инсоният фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Сохибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мавороуннахрга хукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик барқарорлик устивор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўхна заминимиз гуллаб-яшнаган.

Аксинча, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жамиятни буткул таназул ботқоғига ботиради. Йигирма йилдан буён ўзаро харбий мажролар туфайли цивилизациядан батамом узилиб, дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бирига айланиб қолган-Авфғонистон бунинг яққол далилидир.

Бу мамлакат худудининг хавф-хатар ўчоғига айланиб қолгани юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка, тараққиёт йўлидаги эзгу мақсадларимизни амалга оширишга халақит бермоқда. Бу-дунёда ялпи тинчлик ва барқарорликка эришиш учун, аввало ҳар бир мамлакат ва ҳар бир минтақада тинчлик-барқарорликни таъминлаш зарур деган, қарашнинг бугунги кун ғоясида долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан далолат беради.

Юрт тинчлиги-Ватан озодлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш мамлакатимизни тажовузкор кучлардан химоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, мамлакатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги-юрт тинчлигини асрашнинг муҳим омилдир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги курашга фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжихатликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий истоҳотларнинг олий мақсади- халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдир. Мамлакатимизда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларидир. Республика ўзининг дастлабки мустақил кунлариданоқ танлаб олган йўли ижтимоий соҳага йўналтирилган.

«Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қароқотлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин», - деб кўрсатади Ислон Қаримов.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаган республикамиз фуқароларининг турмуш фаровонлигининг тубдан ўзгариши, ҳозирги тангликдан чиқиш ва тараққий топган мамлакатлар қаторига қўшилиш худди мана шу истоҳотларнинг нечоғлик тез ва тўғри амалга оширишга боғлиқ.

Маълумки, Совет тузуми одамлар онгида хусусий мулкка нафратни тарбиялади, уни барча кўпчиликнинг қийналиб яшаши сабабчиси деб тушунтириб келди, мавҳум «ижтимоий мулк» деган, одатда ҳеч кимники эмас бўлган мулкни илоҳийлаштириб, одамларни меҳнатдан, ундан келадиган моддий ва маънавий бойликлардан бенасиб қилди, оқибатда мамлакатда қашшоқлашган аҳоли сони узлуксиз ортиб борди. Социализмнинг «ҳар кимдан қобилиятига ва ҳар кимга

меҳнатига яраша» ва ҳатто комунизмнинг олдиндан «ваъда» берувчи «ҳар кимдан қобилиятига ва ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган баландпарвоз тақсимот принципи қатъий равишда амал қилиб турди. Совет тузуми оммани сунъий равишда оғир турмуш ташвишларига ботириб қўйди. Натижада, айниқса Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст даражага келиб қолди. Маълумотларга қараганда 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди.

Қизил империя Ўзбекистонни марказнинг хом-ашё базасига, пахта етиштириш базасига айлантирган эди. Унинг етиштирадиган асосий саноат маҳсулоти булган пахта Россиянинг завод ва фабрикаларида, атиги 8-10 фоизи республикада қайта ишланар эди.

Саноат ривож, ижтимоий таъминот масаласи, қишлоқ хўжалиги монокультураси, аҳолининг иш билан бандлик даражаси республикада жуда паст эди. Буларнинг барчаси юқорида кўрсатилганидек, аҳолининг турмуш даражасининг пасайтишга сабаб бўлди.

Буларнинг барчаси тоталитар тузумнинг оғир мероси эди. Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданок, якка давлат мулки ҳукмдорлигини бекор қилиб, мулк шакллари хилма-хиллигига, хусусий мулкка кенг имконият яратиб берди. Жамиятимизда мулкдорлар синфи вужудга келмоқда. Ҳозирги бозор муносабатлари инсонларнинг меҳнат қобилиятини, имкониятларини тўла ишга солишларига шароит яратмоқда, жамиятда ишбилармонликни, ташаббускорликни, мулкка хўжайинлик ҳиссини вужудга келтирмоқда, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш учун асосий восита бўлмоқда.

«Тартибли асосга қурилган бозоргина ҳозир халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхўрликни тугатишга, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унутиб юборилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодирдир.

Фақат бозор муносабатларигина республика ишлаб чиқарувчи кучлари заминидаги улкан имкониятлардан халқ бахт-саодати йўлида, унинг турмуш даражасини ошириш мақсадида самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин.», - деб таъкидлайди И. Каримов.

Президентимиз такрор-такрор кўрсатганидек, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқини мустақкамлаш, нуфузини ошириш ва кафолатлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни эътиборга олмоқ зарурки, мамлакатда мулкдор бойлар кўпайиши билан бирга, ўзларининг нўноқлиги, дангасалиги туфайли маълум қатлам аҳоли қашшоқлашиши мумкин. Бизнинг давлатимиз ижтимоий сиёсатининг бош мақсади худди мана шундай ҳолатнинг олдини олишга қаратилган. Ўзбекистон аҳолисининг меҳнаткашлиги, бунёдкорликка доимо интилувчанлиги,

хунармандчиликка, унинг ерга яқинроқ бўлишининг анъанавийлиги, республикаимиз табиий бойликлари, ер ресуслари, иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш – демакким фаровон турмушга эришиш имкониятларини яратади.

Ўзбекистон аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлашда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг чуқур маънода инсонпарварлигидадир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади инсон турмуш фаровонлигига қаратилганлигини ушбу жадвалдан кўришимиз мумкин:



Инсондаги комиллик – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлари мажмуидир. Комил инсон - қулик, мутелик боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу-орзуси, миллий маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир. Ўзбекистон ўз истиқлолига эришгандан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндошишнинг кўринишидир.

Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқдир.

Кишилиқ жамияти тараққиёти ва унинг имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Жамият тараққиётидаги тушқунликлар ва юксалиш сабабини ижтимоий, иқтисодий сиёсий омилар билан бир қаторда кишилар онги, эътақоди, дунёқараши, комиллик даражасидан ҳам излаш керак.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири-ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз халқининг манфаатлари учун курашувчи ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи инсондир. Президентимиз кўрсатганларидек, «бизни асосий бойлигимиз, ривожланаган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса, ёш авлодга тегишли».

Ўзбек халқи тарихи комил инсонлари билан, нафақат ўз халқининг маънавий дунёсини, балки бутун инсоният маънавиятини юксакликка кўтарган. Буюк зотлар муқаддас номлари билан тўла. Бундан уч минг йил аввал заминимизда вужудга келган «Авесто» асари ота-боболаримизнинг юксак ақлу заковатидан далолат, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Нақшбандий, Мотурудий, Алпомиш, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур, Бобур, Навоий каби буюк сиймолар фаолиятлари комилликнинг айнан ўзгинасидир. Бу улуғ тоза қон авлодларга ўтиши насиб этиши муқаррардир.

Халқимизнинг қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, она ва Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақиқа хийнат қилмаслик, лафзи ҳалоллик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш қабилардир. Бу олийжаноб сифатлар бизнинг халқимиз онгига сингиб кетган.

Ҳозирги бозор муносабатлари шаклланиши кишиларимизнинг юксак тафаккурига, дунёқарашига, билимига, малакасига таянади.

«Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тикиштириш ва тезлаштириш қутилган натижани бериш у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясини ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин.

Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади» деб таъкидлайди Ислом Каримов.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини 1997 йилдан бошлаб амалга оширишга киришилиши, бозор муносабатлари талабига мос бўлган юксак даражадаги мутахассис кадрларни тайёрлашга қаратилган бўлиб, уни тўлиқ тадбиқ этиш етук инсонларни, баркамол авлодни вояга етказишдек миллий ғоя кўзда тутган мақсад-муддаони амалга оширади.

Бу миллий дастуримиз салоҳияти бутун жаҳон маърифий жамоатчилиги томонидан тан олинмоқда.

Назорат саволлари:

1. Ватан равнақи ғоясини қандай тушунасиш.
2. И.Каримов асарларида юрт тинчлиги ғояси қай даражада асослаб берилган.
3. Халқ фаровонлиги нима?
4. Комил инсон тушунчаси нима?
5. Инсонда комилликни тарбиялаш йўллари қандай.
6. Фаровонликни оширишда тадбиркорликнинг рўли қандай.

3-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжихатлик ва диний бағрикенглик ғоялари ҳақида етарли даражада маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси, унинг асосий жиҳатлари ва намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаб беради.
2. Жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ҳамкорлиги-барқарор тараққиёт омили эканлигини тушунтиради.
3. Ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш давр талаби эканлигини изоҳлайди.
4. Ўзбекистон кўпмиллатли давлат эканлигини изоҳлаб беради.

3-асосий саволнинг баёни: Инсоният XX асрдан бошлаб XXI асрда давом эттираётган энг муҳим ғоялардан бири-жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Ижтимоий ҳамкорлик-муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, irq ва динга мансуб.

Шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди турли ғояларни байроқ қилиб олган кучларни бир мақсад йўлида барлаштириш ғоят мушкул. Лекин Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги шунга эришишни тақозо этади.

Жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтага жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, уни умумий тараққиёт йўлига бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда истиқлолга эришгач, И.Каримов раҳбарлигида яқин ўтмишда кенг тарқалган иллатларга барҳам берилди. Яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитни пароканда қиладиган, одамлар фикрини чалғитадиган, ходисаларга чек қўйилди. Бунда энг аввало, мулоҳазакорлик, собитқадамлик, андиша, узоқни кўзлаб иш тутиш доимий ҳаракат тамойилига айланди.

Бугун мустақил Ўзбекистонда ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мулкнинг турли шакллари тенг-ҳуқуқлигини қонуний кафолатлаш йўлидан бормоқда. Бундай жамиятда эса турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар бўлиши муқаррар. Уларнинг ўз иқтисодини ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин бу ҳолат миллатни бўлиб юбормаслиги лозим. Ватанимизда олиб борилаётган сиёсат уни турли инқилобларсиз кескинликларсиз, ижтимоий адоватни авж олдирмасдан қарор топтириш имконини бериб, ҳамкорлик ва тинч-тотувлик учун шароит туғдирмоқда. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсин дегани эмас. Аслида ҳар бир ижтимоий кучнинг дунёқараши, манфаатлари турлича бўлади ва бинобарин, улар бир-биридан фарқ қиладди. Лекин улар учун умумий йўналиш ягона Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлиб қолаверишига эришиш ниҳоятда муҳим.

Шундай қилиб жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршилиқларни мутлақлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ миллий истиқлолигимизнинг ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин қатламига мансуб хилма-хил жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни

уйғунлаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига буйсундиришга хизмат қилади.

Бу қандай шаклларда амалга оширилади? Биринчидан жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илғор ғоялар миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши.

Иккинчидан жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гуруҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва фаолиятини устувор миллий ғоялар билан уйғунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратига айланади.

Учинчидан, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъий назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойили ҳисобланади.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви бу барқарорликнинг бузулишига олиб келади, ижтимоий барқарорлик чиқаради. Бундай ҳол халқ тилида “Қош қўяман деб кўз чиқариш” деб айтилади. Яъни, барқарорлик ўчоғига мой қуйганлар “Ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ барабар ёнади” деганлари каби иш тутадилар. Улар ўзгаларни ёндириб бўлсада, ўзлари ҳам кулга айланади. Бу оддий ҳақиқатни барчамиз теран англаб етмоғимиз бундайларга қарши огоҳ бўлмоғимиз лозим.

Миллатлараро тотувлик ғояси-умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истекомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тарққиётини белгилайди шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугинги кунда Ер юзида 6 миллиарддан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда.

Ҳар бир миллат яратганнинг мўжизасидир, жаҳон динларининг муқаддас китобларида қайд этилишича, оллох асли инсонни бир ота, бир онадан яратган, лекин улар бир-бири билан мулоқот қилиши, танишиши учун миллатларга бўлиб қўйган. Давлатлар бу борада кўп миллатли(полиэтник) ва бирмиллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакиллариининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон каби полиэтник малакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг хал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва миллатлар тараққиёти, бугун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Халқимизнинг “Қўшнинг тинч-сен тинч” деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бугун дунёда биринчи навбатда, қўшни малакатларда ёнма ён яшаётган этнослар орасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлок истиқболини таъминлай олмайди.

Шу билан бирга, бир малакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканлигини ҳам англамоғимиз зарур. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри хал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя-бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя-хар бир миллат вакилининг исътедоди ва салоҳиятини тўла руёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзга мақсадлар сари сафарбар этади. Малакатимиз ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор бермоқда.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб қўйидагича таъкидлаган: “Республика аҳолиси ўрта миллатининг муқаддас бурчи ўз она тилини миллий маданияти ва тарихини тиклашдан иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топтириш ва ўзлигини намоён қилиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мадҳиясида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқоролари ташкил этади” деб аниқ белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон халқи” тушунчаси малакатимизда яшаб ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир миллат ва элатларнинг тиллари урф-одатлари ва анъаналарнинг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Байналмилал маданият” маркази ташкил этилгани бунга мисол бўла олади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказлар фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 100 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани “Олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир”.

Қаердаки миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади-улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бунга Афғонистонда содир бўлган воқеалар яққол мисол бўла олади.

Диний бағрикенглик ғояси – хилма-хил эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир Замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Дин ижтимоий ҳаёти, воқеликни, унинг ходисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илохий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидир. У бугинги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни шунингдек диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятининг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг шарофатидандир.

Президент И.Каримов сўзлари билан ифодаланганда «дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди».

-диний этиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамасдан, динларни кўриниши хилма-хилдир. Дунёда жуда содда динлар билан бир қаторда умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб, жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруратга қараб турли асрларда вужудга келган.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр шавқат, биродарлик ва бағрикенг-ликка даъват этади.

Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий ахлоқий муносабатларни, тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрганиш масаласи озми-кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар, аввало динлар тарихини уларнинг асл моҳиятини чуқур билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларни кўзлаб юрганлар чалғитаолмайди.

Ватанимиз ҳудудида ислом дини қарор топганига қадар буддавийлик, зардўштийлик, монийлик, христианлик, маздакийлик, шомонийлик каби динлар ҳам мавжуд бўлган. Улар негизида ўша даврда барчасининг синтези натижасида бетакрор маданият вужудга келган. Зардўштийлик таълимоти бўйича эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий курашда оралик йўл йўқ шунинг учун ҳам ҳар бир одам бу курашнинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур. Бу диннинг уч таянчи бўлиб, улар фикрлар софлиги, сўз собитлиги, амалларининг инсоний негизидан иборат: бу жихатлар зардўштийликда «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш» тарзида ифодаланган.

Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик ғояси нафақат динлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутаяди ҳамда тинчлик барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Азал-азалдан юртимизда ислом дини носронийлик, яҳудийлик динлари билан ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжидлар бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб оғир давларида ҳам улар орасида диний асосда можоролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик соҳасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

Ўзбекистон эркин фуқоролар жамияти, дунёвий давлат барпо этмоқда. Қурилаётган жамият тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқарилган ва ҳалқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Давлат қонуний асосда барча динларга, барча эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосларида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда. Айни вақтда диний ташкилотлардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган тўғри йўлдир. Ҳозир мамлакатимизда бир қанча диний конфессиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга оширишда ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган.

Назорат саволлари:

1. Толерант сўзининг маъносини айтиб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 31 ва 62-моддаларини шарҳланг?
3. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунда нима дейилган?
4. Диний конфессияларни шарҳланг?
5. Ислом ва бошқа динларнинг ўзаро муносабатини айтиб беринг?
6. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини изоҳланг.
7. Ўзбекистонда қанча миллат ва элат яшайди.
8. Миллий маданий марказлар қандай ташкилот?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Миллий ғоянинг асосий ғоялар тизимини айтиб бериш.
2. Асосий ғояларнинг тартибини келтириш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Миллий мафкуранинг бош ғоясини ҳалқимиз онгига сингдириш вазифалари очиб берилди.
2. Миллий мафкуранинг асосий ғоялари ҳақида тушунча берилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.-2000 й. 24-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.-1996 й. 145 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.-1997 й. 134-бет.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.-2001 й. 163-171 бетлар
5. Каримов И.А. Юксак манавият-енгилмас куч. Т. 2008 й. 176-бет.

9-Мавзу Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, сохалари ва йўналишлари

Фанни ўқитиш технологияси: “Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, сохалари ва йўналишлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

ТР	Босқичлар ва бажариладиган ишлар мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Ёшларга ва ката ёшдагиларга мафкуравий тарбия тушунчаси ҳақида тўлиқ маълумот бериш. 1.2.Идентив мақсадлар: 1.2.1.Тарбия, таълим тушунчаларига таъриф бера олади. 1.2.2.Тарбия тизимини изоҳлайди. 1.2.3.Мафкуравий тарбияни ўзига хослигини кўрсатиб беради. 1.2.4.Мафкуравий тарбияни бошқа тарбия воситалари билан солиштиради. 1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Тарбия услублари, Тарбия воситалари, оилавий тарбия, ахбарот тизими, ижтимоий фикр, мафкуравий онг, эътиқод, имон, ўрнатма, масъулият, раҳбарлик маънавияти. 1.4.Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда 1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Сухбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Кўргазмалар курувлари, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1.Мавзу эълон қилинади. 2.2.Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1.Талабаларга муаммолар савол беради. 3.2.Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3.Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4.Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи талаба 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1.Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -Тарбия тизими нима? -Таълим ва тарбияни узвийлиги нимада? -Мафкуравий тарбияни бошқа тарбия шакллари билан қиёсланг? -Миллий ғояни халқ онгига сингдириш механизмлари деганда нимани тушунади? -Соғлом авлод деганда нимани тушунади? -Баркамол авлод деганда нимани тушунади? 4.2.Энг фаол талабалар (Баҳолаш меъзони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи 5.1.Талабалар билими тавҳлил қилинади. 5.2.Мустақил иш топшириқлари берилади.	Ўқитувчи 10 минут

	5.3.Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	
--	--	--

Асосий саволлар:

- 1.Мафкуравий тарбия тушунчаси ва унинг асосий мезонлари.
- 2.Ёшларни мафкуравий тарбиялаш ва унинг омиллари.
- 3.Аҳолининг турли қатламларини мафкуравий қуроллантириш.

Таянч тушунча ва иборалар:

Таълим-тарбия. Мафкуравий тарбия. Мафкуравий иммунитет. Мафкуравий тарбиянинг миллий асослари. Хактери. Амалий тарбия. Мафкуравий онг. Соғлом авлод. Комил инсон. Мафкуравий тарбия муҳити. Мафкуравий тарбия омиллари. Мафкуравий тарбияда кўргазмалилик.

1- совол бўйича дарс мақсади:

Ёшларга ва катта ёшдагиларга "мафкуравий тарбия» тушунчаси ҳақида тўлиқ ва етарли даражада маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Тарбия ва таълим тушунчаларини тушунтиради.
2. Тарбия тизимини изоҳлайди.
3. Мафкуравий тарбияни тушунтиради.
4. Мафкуравий иммунитет тушунчасини тушунтирди.
5. Мафкуравий тарбияни ўзига хослигини кўрсатиб беради.
6. Амалий тарбия тушунчасини таҳлил қилиб беради.
7. Мафкуравий тарбияни бошқа тарбия воситалари билан солиштиради.

1-асосий саволнинг баёни: Мафкура - бу инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида турлича мақсад-манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски ва янги мафкураларнинг, бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталарнинг пинҳона ва ошкора ўзаро курашлари, тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Мафкуравий курашлар ва тортишувлардан кўзда тутилган "асосий мақсад-инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашга бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир". Деб таъкидлайди И.А.Каримов.


Халқимизни миллий мафкураси халқимизга келажаги буюк давлат қуриши учун қудратли куч бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам миллий мафкурамизни олижаноб мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таълим тизимини, айниқса педагогика фанининг ўрни каттадир. Ота-боболаримиз қадимги даврлардан буён инсон ва унинг тарбиясини муҳим масала деб келган ва билган. Шу мақсадда Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "таълим тўғрисида Қонун" қабул қилинган.

Мафкуравий тарбия тушунчаси педагогика фанида гарчи мавжуд бўлсада, у ошкор айтилмас эди. Шўро даври таълим тизимида мафкуравий тарбия асосий мезонлардан бири саналсада, бу расман тан олинмас эди.

Ўтиш даврида, айниқса бир мафкурани ўрнига иккинчи бир мафкуранинг келиш жараёнида мафкуравий тарбия жуда муҳимдир.

Мафкуравий тарбия тушунчаси биз учун ҳозирги пайтда янгиликдир, гарчи у тарихий тушунча бўлсада, бемалол айтиш мумкинки, тарбия: ахлокий, ақлий, жисмоний, эстетик, диний турлари каби мафкуравий тарбия ҳам тарбиянинг муҳим шаклларида биридир. Шу ўринда мафкуравий таълим ва тарбия тушунчаларини ўзаро нисбатан узвийлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Албатта, тарбия азалий ва абадий жараён, таълим маълум босқичларда, маълум даврларда, алоҳида шаклларда олиб бориладиган маърифий жараёндир. Биз мафкуравий тарбия жараёнини кенг масштабда олиб қарамоғимиз шарт. Бу жараёни амалиётга татбиқ этиш таълим масканларида, айниқса ёшлар орасида олиб бориш бирмунча енгилроқдир, лекин аҳолини катта ёшдаги кишилари орасида мафкуравий тарбияни олиб бориш, сингдириш бирмунча қийинчиликлар туғдиради.

Мафкуравий тарбиянинг асосий тизими қуйидагиларни қамраши лозим бўлади:



- Тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш. Ҳар бир инсоннинг ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборда тутиш:

- Миллий ўзига хос анъаналарга таяниш, лекин тарбиянинг миллий "бунёдкорлиги" ёш авлоднинг кўпмиллатли ва жаҳон маданияти дурдоналарини қизиқишларини, интилишларини инкор қилмаслик:

- Ёшлар ҳаётининг фаолиятида тарбиявий жараёнинг асосини ташкил қилиш: Ёшлар таълим даргоҳида нафақат бўлғуси ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан ҳамнафас яшайдилар.

- Мафкуравий тарбия миллий мафкуравий тарбия тушунчасини "миллат" доирасида эмас, балки халқ доирасида хазм этиши лозим.

- Мафкуравий тарбия нафақат бирон бир таълим тизими боскичида, балки барча узлуксиз таълим тизимида бир вақтнинг ўзида, бирданига амалга оширилиши лозим бўлади.

- Мафкуравий тарбия бош ғоя негизига курилмоғи зарур.

- Мафкуравий тарбия соф халқчил, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига асосланмоқликни ташкил этади.

Мафкуравий тарбия - бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Бу мафкуравий тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

Мафкуравий тарбиянинг мақсади эса - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдан иборатдир.

Мафкуравий тарбиянинг негизини ғоявий тарбия ташкил этади. Ғоявий тарбия эса, миллий мафкурамизнинг ғоялар тизимида асосланади. Бу жараёнда "Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш пировард мақсадимиз" ғояси асосий ўзакни ташкил этади.

Мафкуравий тарбия провардида ҳар бир кишида мафкуравий онг, мафкуравий дунёқараш ташкил топади.

Мафкуравий онг эса, буюк келажак сари ташланган кадамдир. Президентимиз ибораси билан айганда "- ўз ақли, ўз тафаккури ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди".

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозирги пайтда уни амалга оширишнинг усуллари ва воситалари тубдан ўзгартирилиши, яқин ўтмишимизга хос бўлган жимжимадорлик ва қотиб қолганлик ўрнини аниқ инсоний ва ҳаққоний мазмун-моҳият эгалламоғи зарур. Ушбу қутлуғ ишни амалга оширишда инсоннинг ўз тараққиёти давомида эришган барча моддий ва маънавий тарбия воситаларидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг миллий педагогика фанимизда, тажрибамизда бунга етарлича асос ва малака-кўникмалар мавжуд, уни имкон қадар ҳаёт ва тарбия амалиётида қўллашни билишимиз лозим бўлади. Бу жараён республикамизда сиёсат даражасига кўтарилган. «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин - дейилган Президентимизнинг 1997 йил 6 октябр фармонида.

Назорат саволлари:

- 1.Тарбия тизими нима?
- 2.Таълим ва тарбияни узвийлиги нимада?
- 3.Мафкуравий тарбияни изоҳлаб беринг?
- 4.Мафкуравий тарбияни миллий асосларини айтинг?
- 5.Мафкуравий тарбияни бошқа тарбия шакллари билан қиёсланг?

2-савол бўйича дарс мақсади:

Талабаларга ва мафкуравий тарбия билан қизиқувчи кишиларга мафкуравий тарбия омил ва воситалари ҳақида асосли маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.Мафкуравий тарбиянинг асосий мақсади "Комил инсон" ва "Соғлом авлод" тушунчаларини шакллантиришга қаратилган-лигини кўрсатади.
- 2.Мафкуравий тарбия омилларини таснифини беради.
- 3.Мафкуравий тарбия муҳитини тушунтиради.
- 4.Мафкуравий тарбия омиллари билан бошқа тарбия омилларини таққослайди.

2- асосий саволнинг баёни: Мафкуравий тарбия омилларига мурожаат қилишдан олдин, шу жараёни асосий мақсади нимага қаратилганлигини аниқлаб олиш лозим. Мустақиллик неъматларидан бири - бу эркин фикрлаш, эркин ва мустақил бўлган инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Мустақил мамлакатимизни мустақил, ўзига хос ва мос инсонларини шакллантириш, мустақилликни илк онларидан кун тартибидаги асосий масала бўлиб келди.

Ўзбекистоннинг келажақда буюк давлатга айланиши, мустақилликнинг тақдири миллий истиқлолимиз посбонлари бўлган ёшларимизнинг куч-ғайратлари, ақл-идроклари, амалий тайёргарликлари, ақлий, жисмоний, маданий, маънавий камолотларига боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Ёшлар Ватанимиз, миллатимиз ва жамиятимиз келажагидир.

Президентимиз "комил инсон" тушунчасига таъриф бериб: "Комил инсон – бу: -озод

- ўз ҳақ-ҳуқуқларни яхши танийдиган,
- боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган,
- ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган,
- айнаи замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган» инсон эркинлигини таъкидладилар. 1999 йил 8-декабр конституция кунига бағишланган йиғилишдаги нутқида Президентимиз "Соғлом авлод" ғоясини илгари суриб: "Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, -

- соғлом наслни,
- нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом,
- иймон-этиқоди бутун,
- билимли,
- маънавияти юксак,
- мард ва жасур,
- ватанпарвар авлодни тушунаман" деган эдилар.

Ушбу "Комил инсон" ва "Соғлом авлод" ёки "Баркамол авлод" ни шакллантириш, уларни мафкуравий тарбиялаш жараёнида мафкуравий муҳит бўлиш лозим:

1. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Бу борада Республикамизда улкан ишлар қилинди. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада қулай муҳит яратилди.

2. Соғлом ғоялар. 15 йил давомида халқимиз эътироф этган, инсоният тан олган илғор ғоялар шаклланди.

3. Сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни ўсиши. Бу соҳада сиёсий партияларни, ҳуқуқ тарғибот ишларининг ўрни катта.

4. Ёшларнинг билим даражаси. Ёшларимизнинг билим даражаси ҳам юқори. У тўлиқ жаҳон андозаларига мос келади ва мафкуравий тарбияни қабул қилишга тайёр, ҳатто чанқоқ ҳам.

5. Оддий, одил фикрлашдан-илғор, кенг ижобий, илмий фикрлаш жараёнига ўтиш. Бугунги ёшларимиз ҳозирда илмий фикрлашга одатланишган. Уларни тафаккурлари жуда серқирра ва кенг. Шоира Т.Содиқова айтганлардек: "Бизни болаларимизнинг тафаккури биздан-да юксак, болаларимизнинг болаларини тафаккури, болаларимникиданда юксак бўлмоғи лозим". Шу маънода ҳозирги, XXI аср ёшлари энг бахтли ва омадли, ёшлардир. Ўша ёшларимизни мафкуравий тарбиялаш давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бизнинг мафкуравий тарбиямиз эса тарбия омилларимизнинг савияси ва шаклига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мафкуравий тарбия омиллари кўп ва сон-саноксиздир:

- Таълим ва тарбия тизими:

Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-окибат, кексаларга ҳурмат сингари чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг заминида оилада, умумий таълим мактабларида, халқ таълими тизимининг бошқа тармоқларида ёш авлодга бериладиган таълим-тарбия ётади.

- Оила. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Бунда ота-онанинг соводхонлиги, шахсий намунаси алоҳида роль ўйнайди. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчини тўғри ва чуқур англашини тақозо этади. Президент ибораси билан айтганда: "ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради:

- яхши ном қўйиш,
- яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш,
- илмли қилиш,
- касбли-ҳунарли қилиш,
- бошини икки, уйли жойли қилиш»дан иборат.

- Мактабагача таълим масканлари - бу таълим масканларининг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу нарсаси мафкурамиз учун муҳимдир.

- Умумий таълим мактаблари. Ёшларни 50% ёшлик ҳаёти мактабда ўтади. Ундан мафкуравий тарбия жараёнида унумли фойдаланиш, қолаверса тўғри ташкил этиш лозим бўлади.

- Ҳунар-техника, академик лицейлар, ўрта - махсус билим юртлар. Бу даврда ёшларнинг ўзгарувчан, "катта бўлиб" қолган даври келади.

- Олий таълим даргоҳлари. Ёшларни институтлар, университетларда, мустақил шахс сифатида тарбиялаш, мустақил "ҳаёт" даври кечади.

- Маҳалла. Маҳалла халқимизнинг азалий анъаналарига таянган маскан. Кексаларни панд-насихати, катталарни шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида маҳаллада одамлар онгига эзгулик, ватанпарварлик, миллийлик ва инсонпарварлик ғоялари сингдирилиб борилади. Халқимизда "бир болага 7 маҳалла ота-она" деган нақл мавжуд, бу бежиз эмас. Инсон бошқа масканларда ишлайди, ўқийди, ижод қилади, маҳаллада эса яшайди. Халқ тили билан айтганда "ўтриб, туришини кўринг».

- Жамоа ташкилотлари.

- Нодавлат, нотижорат жамоалар.
- Диний ташкилотлар.
- Сиёсий партиялар.
- Оммавий ахборот воситалари.
- Сиёсий бошқарув тизими ва бошқалар.

Мафкуравий тарбия шаклланишидаги манбалар:

- ҳаққоний ёритилган халқ тарихи,
- ватанпарварлик туйғуси,
- сиёсий маданият,
- маърифат,
- дин,
- санъат, нафосат,
- ахлоқ,
- фалсафа,
- табиат,
- қадриятлар,
- она тили,
- халқ оғзаки ижоди,
- тасаввуф таълимоти,
- бадиий адабиёт,
- халқ байрамлари,
- Конституция,
- ўзаро мулоқат маданияти,
- шахсий маълумот,
- кадрлар ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидалш керакки, мафкуравий ишлар умумхалқ, умумдават ишидир.

Назорат саволлари:

1. Комил инсон ким?
2. Соғлом авлод деганда нимани тушунасиш?
3. Баркамол авлод ким?
4. Мафкуравий тарбия муҳити деганда нимани тушунасиш?
5. Мафкуравий тарбия бериш омилларини аниқлаб беринг.
6. Мафкуравий тарбия шаклланишидаги манбаларни сананг ва мустақил шарҳланг.
7. Миллий ғояни халқ онгига сингдириш механизмлари деганда нимани тушунасиш.

3- савол бўйича дарс мақсади:

Аҳолини турли қатламлари ва уларни мафкуравий қуроллантириш ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Аҳолини турли қатламлари тушунчасини тушунтириб беради.
2. Аҳолини ёшига қараб қатламларга ажратади.
3. Аҳолини жинсига кўра, касбига, ижтимоий келиб чиқишига кўра тоифаларга ажратади.

4. Турли қатлам кишилари орасида мафкуравий тарбияни олиб бориш мураккаблигини кўрсатади.

5. Мафкуравий тарбияни кўргазмалар воситаси орқали беришни аҳамиятини тушунтиради.

3-асосий саволни баёни: Мафкуравий тарбия масаласи умумхалқ ва умумдавлат иши экан, бу ўз-ўзидан келиб чиқадики, аҳолини барча табақалари, тоифалари ва қатламлари орасида бир вақтни ўзида, бирданига олиб борилишини тақозо этади. Бизга маълумки, аҳолини диний, этник ва жинсий табақаланиши мафкуравий тарбияни амалга ошириш жараёни учун аҳамиятли эмас. Чунки шу ҳудуд, шу Ватанда яшовчи барча халқ ва элатлари диний, этник ва жинсий келиб чиқишидан қатъий назар шу юрт фарзандларидир. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» бораётган бир пайтимизда фуқароларни жипслиги, ягона ғоя ва мақсад остидаги ҳаракати ўта муҳимдир. Шу маънода халқни диний, этник ва жинсий табақаланиши мафкуравий тарбияда аҳамият касб этмайди, балки халқни ёшга, касбга нисбатан табақаланиши муҳимдир.

Аҳоли ёшига нисбатан (нисбий) бизда 3 тоифага бўлиниши азалий бир ҳол, яъни:

- Ёшлар.
- Ўрта ёшлар
- Кексалар.

Албатта мафкуравий тарбия жараёнида ёшларни мафкуравий тарбиялаш асосий масала ҳисобланади. Давлат ҳам асосий эътиборни шу тоифага қаратади. Ҳолбуки ўрта ёшдагилар ва кексалар орасида мафкуравий тарбия олиб боришда биров мураккабликлар мавжуд. Чунки ўрта яшарлар 30-50 ёшлар орасидагиларни аксарияти Шўро замонида яшашган. Уларни дунёқарашида Шўро мафкурасини таъсир излари мавжуд. Лекин бу қатламдагилар аллақачон (80-90%) миллий мафкурамизни ўқиб, уқиб ўз дунёқарашига сингдириб олишганлар.

Кекса ёшдагилар дунёқараши Шўро мафкураси таъсиридан ҳалигача бутунлай қутула олганлари йўқ. Албатта 100% кишиларни шундай деб бўлмайди, аммо чорвадор деҳқон тоифасидан келиб чиққанлар орасида бундайлар кўпроқ. Аксинча зиёлилар орасида нисбатан камроқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёши улуғ кишилар ўзини бир қатор хусусиятларига, фазилатларига эгаки, буни мафкуравий тарбия жараёнида ҳам ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Катта ёшдагиларни ўзига хослиги:

1. Уларда тажриба катта.
2. Уларга билимни ҳаётга тадбиқ этишни усуллари ўргатиш лозим.
3. Улар ўз имкониятларини тушуниб етадилар.
4. Ҳар бир катта ёшдаги ўқитувчи тенгсиз билим, тажриба манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.
5. Улар тарбиявий жараёнда фаол қатнашадилар.

Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда катта ёшдаги кишилар орасида мафкуравий тарбия ишларини амалга оширишимиз лозим бўлади. Шу билан бирга улар абстракт тушунчаларни қабул қилишлари қийин кечади. Шу мақсадда бизнингча турли касбдаги, турли катта ёшдаги кишилар орасида мафкуравий тарбия олиб бориш жараёнида, маҳаллаларда, жамоа ташкилотларида, нодавлат, нотижорат ташкилотларида, нафақахўр кексалар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кўргазмалари олиб бориш керак деб ўйлаймиз. Шу билан бирга бутун

мафкура ва мафкуравий жараён оммабоп тарзда кўргазмалаштирилган ҳолатга келтирилиши ва бевосита кишилар онгига сингдирилиши лозим.

Биз эсда олиб қоламиз:

10% ўқиганларимизни

20 % эшитганларимизни

30 % кўрганларимизни

50% кўрган ва эшитганларимизни

80% гапирганларимизни

90% фоиз гапирган ва қилганларимизни

Чет эл тадқиқотларига кўра, биз ахборотни қуйидаги тартибда:

1% - Таъм билиш.

1,3% - Ҳид сезгиси.

3,5% - Тана билиш.

11% - Эшитиш.

83%- Кўриш орқали қабул қилар эканмиз.

Хитойликларда «Мен эшитаман ва унутаман, мен кўраман ва тушунаман, мен амалда бажараман ва хотирамга келтираман» - деган нақл мавжуд.

Шу билан бирга мафкуравий тарбия жараёнида ҳар бир аҳоли қатлами орасида, уларни ижтимоий келиб чиқиши ва касбий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари олдида муҳим вазифалар туради.

«Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожини замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим».

Бу маъсулият бизда тарих факультети зиммасига тушади. Тўғри, камчиликлар бу соҳада етарли, лекин факультетни турли ижтимоий қатламлар, ташкилотларда мафкуравий тарбия олиб бориш жараёнидаги иштироки аҳамиятли.

Энг муҳими биз барча мафкуравий тарбия соҳасидаги вазифаларимиз олдинда эканлигини тушуниб етишимиз ва ўз устимизда чуқур ишлашимиз лозимдир.

Назорат саволлари:

1. Аҳолини қатламларини сананг?
2. Аҳолини ёшига қараб тоифаларга ажратинг?
3. Мафкуравий тарбия жараёнини аҳолини юқори қатламлари орасида олиб борилишини ўзига хослигини тушунтиринг?
4. Мафкуравий тарбиянинг мураккаблигини кўрсатинг.
5. Кўргазмали қуроллар муҳим тарбия воситаси эканлигини тушунтиринг?

Мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари:

1. Ғоявий тарбия тушунчасига таърифлар ёзиб келиш.
2. Ғоявий тарбия услубларининг тартибини келтириш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Мафкуравий тарбиянинг муҳимлигини талабаларга етарлича тушунтириб берилди.

2. Аҳолининг турли қатламларини мафкуравий қуроллантириш учун ОАВ, газета, журналларда, мунтазам кўрсатув ва мақолалар эълон қилишни янада кучайтириш ҳақида умумий тушунча берилди.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов жамиятимиз мафкураси: халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали 1998 йил 2-сони.

2. И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т. «Шарқ» 1998 йил 32-сони.

3. И.А.Каримов «Хушёрликка даъват» «Ўзбекистон» 1998 йил.

4. И.А.Каримов «Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» «Фидокор» газетаси 2000 й 8-сони.

5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар Т. 2000 йил. 156-176 бетлар.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008 й. 176-бет.

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан семинар машғулоти режаси

Ҳурматли талаба, Сиз ушбу курс юзасидан 10 та мавзуда 11 та семинар машғулотига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. 9 мавзудаги саволлар 2 та машғулоти учун мўлжалланган. Сиз семинар машғулотида тайёрланаётганингизда қуйидаги жадвалдаги семинар машғулоти учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиби ва унинг саҳифаси берилмоқда. Шу билан бирга семинар юзасидан берилаётган методик тавсияларга эътибор қаратасиз.

№	Мавзу	Кўриладиган масалалар	Адабиёт саҳифа
1	Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳият-мазмуни	1. Ғоя тушунчаси. 2. Мафкура тушунчаси. 3. Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва кўринишлари. 4. Миллий ғоя ва мафкуралар.	1)3-47 2)3-30 3)3-28 4)24-48 5)21-32 6)54-67
2	Тарихий тараққиёт: ғоявий-мафкуравий жараёнлар	1. Ижтимоий тараққиёт-ғоя ва мафкуралар тарихи сифатида. 2. Вайронкор ғоя ва мафкуралар. 3. Инсоният ҳаётида ғояга қарши-ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойили. 4. Тарихда ғоя ва мафкураларни мутлақлаштириш оқибатлари.	1)3-47 2)3-30 3)3-28 4)24-48 5)21-32 6)54-67

3	Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар	1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар. 2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. 3. Глобаллашувнинг ижобий натижалари. 4. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари.	1)3-47 2)3-30 3)3-28 4)24-48 5)21-32 6)54-67
4	Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар	1. Геосиёсат ва геополитика тушунчалари. 2. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. 3. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар. 4. Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар.	1)3-47 2)3-30 3)3-28 4)24-48 5)21-32 6)54-67
5	Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели	1. Тараққиётнинг ўзбек модели. 2. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи. 3. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз? 4. Янги жамият барпо этишда мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш вазифалари.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
6	Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятга таъсири	1. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни. 2. Мафкуравий муаммолар. 3. Ғоявий бўшлиқни тўлдириш зарурияти. 4. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
7	Миллий ғоянинг моҳияти ва асосий тамойиллари	1. Миллий ғоя тушунчаси. 2. Миллий ғоянинг тарихий-фалсафий илдизлари. 3. Миллий ғоянинг асосий тамойиллари. 4. Миллий ғоянинг моҳиятини ўрганиш муҳим вазифа.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
8	Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари	1. Миллий ғоянинг олий мақсади. 2. Миллий ғоя ва мафкуранинг асосий вазифалари. 3. Миллий мафкуранинг асосий хусусиятлари. 4. Миллий ғоянинг асосий мақсадини билиш зарурияти.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
9	Миллий мафкуранинг бош ва асосий ғоялар тизими	1. Миллий мафкуранинг бош ғояси. 2. Ватан равнақи ғояси. 3. Юрт тинчлиги ғояси. 4. Халқ фаровонлиги ғояси. 5. Комил инсон ғояси. 6. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. 7. Миллатлараро тотувлик ғояси. 8. Диний бағрикенглик ғояси.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
10	Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари	1. Шахс, гуруҳ ва жамият руҳиятига таъсир қилувчи мафкуравий омиллар. 2. Соғлом мулоқот маданиятини тарбиялаш. 3. Ўзбекистон шакллантирувчи услублар. 4. Мафкуравий тарбия ишлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари.	1)3-47 2)3-30 3)32-55 4)15-38 5)33-45 6)79-99
			22 с.

А) Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: 1998.
3. Каримов И.А. Миллий мафкура-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: 2000.
4. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) - Т.: 2005.
5. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: 2000.
6. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (Қ. Назаров) - Т.: 2002.

б) Қўшимча адабиётлар :

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: 1996.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: 1997.
- 3.Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: 1997.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. - Т.: 1999.
- 5.Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. - Т.: 2000.
- 6.Зоҳидов А., Ҳамидов А. Ўзбекистон миллий мустақиллик мафқураси. - Фарғона. 2006.
- 7.Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанидан изоҳли тажрибавий луғат. – Т.: 2004.
- 8.Миллий ғоя. (ўқув услубий мажмуа). - Гулистон: 2006.
- 9.Мустақиллик: илмий, изоҳли оммобоп луғат. - Т.: 2006.
- Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. - Т.: 1996

СЕМИНАР МАВЗУЛАРИ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

1-Мавзу: Ғоя ва мафқураларнинг моҳияти ва мазмуни.

Методик тавсиялар: Мазкур мавзуни ўрганиш давомида талабалар асосан ўқув курсини ўрганишнинг аҳамияти, унинг предмети, мақсади ва вазифалари, шунингдек, ўқув курсининг амалий аҳамиятига эътибор беришлари керак. Семинарга тайёргарлик кўриш давомида мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, айниқса, Президентимиз асарларида миллий ғоя масалаларига бағишланган фикрларга диққат қаратишлари лозим.

2-Мавзу: Тарихий тараққиёт: ғоявий-мафқуравий жараёнлар.

Методик тавсиялар: Мавзуни ўрганишда талабалар бузғунчи ва бунёдкор ғояларнинг тушунчаларини тўғри таҳлил қилиш керак. Шунингдек тарихда ғоя ва мафқураларнинг мутлоқлаштириш оқибатларига диққатини қаратиш лозим.

3-мавзу: Бугунги дунёнинг мафқуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар.

Методик тавсиялар: Ушбу мавзуни ўрганишда талабалар бугунги дунёнинг мафқуравий манзарасига алоҳида эътибор бериш керак. Глобаллашув ҳамда унинг

иждобийф салбий оқибатларининг дунё мафкуравий манзарасига эътибор қаратишлари дозим.

4-Мавзу: Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар.

Методик тавсиялар: Мавзуни ўрганишда талабалар геосиёсат геополитика тушунчаларига эътибор қаратадилар. Хозирги даврда геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатларга алоҳида эътибор беришлари керак.

Шунингдек жаҳон майдонларида мафкуравий бўлиб олишга ва мафкуравий таъсирларга эътибор қаратишлари лозим.

5-Мавзу: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели.

Методик тавсиялар: Мавзу юзасидан талабалар семинар машғулотида тайёргарлик кўриш жараёнида ўзбек моделининг бошқа давлатлар миллий моделидан фарқига эътибор қаратишлари лозим.

Саволларнинг баёнида Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни янги жамият барпо этишда мафкуравий муаммоларга диққат қаратишлари лозим.

6-Мавзу: Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятга таъсири.

Методик тавсиялар: Бу мавзуни ўрганишда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни ва мафкуравий муаммоларга диққат эътиборини қаратишлари лозим.

Шунингдек, ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг келиб чивишига эътибор беришлари керак.

7-Мавзу: Миллий ғоянинг моҳияти ва асосий тамойиллари.

Методик тавсиялар: Мавзуни ўрганишда талабалар миллий ғоя тушунчаси ва тарихий қалсақий илдизларини таҳлил этиш керак.

Шунингдек, миллий ғоянинг асосий тамойилларига ва ижтимоий иқтисодий асосларига эътибор беришлари керак.

8-Мавзу: Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари.

Методик тавсиялар: Бу мавзуни ўрганиш давомида миллий ғоянинг олий мақсади ва мафкуранинг асосий хусусиятларига диққат қаратишлари лозим.

Президентимиз асарларида миллий ғоянинг асосий ўзига хос тарзда баён этилганига диққат эътиборни қаратишлари лозим.

9-Мавзу: Миллий мафкуранинг бош ва асосий ғоялар тизими.

Методик тавсиялар: талабалар мазкур мавзудаги семинарга тайёргарлик кўриш давомида айниқса мустақиллик йилларида миллий мафкуранинг бош ғоясига эътибор беришлари лозим.

Шунингдек, миллий мафкуранинг асосий ғояларига улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка алоҳида эътибор беришлари керак.

10-Мавзу: Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари.

Методик тавсиялар: талабалар семинарга тайёргарланишда мафкуравий тарбия тушунчасининг мазмун моҳиятига алоҳида эътибор беришлари дозим.

Шунингдек, мафкуравий қарама қаршиликлар кетаётган бир вақтда аҳолининг турли қатламларини мафкуравий қуроллантиришга алоҳида эътибор бер ишлари керак.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ ТОПШИРИҚЛАРИ:

Мустақил топшириқларни ҳар бири учун максимал 4 балгача балл бериш белгиланган. Талабалар жорий баҳолашда 3 та ва оралиқ баҳолашда 3 та, жами 6 та мавзудаги мустақил иш топшириқларига жавоб ёзади. Умумий ҳолда талаба мустақил топшириқларни ҳаммаси учун 24 балл олади.

Ҳар бир мустақил иш топшириқлари 4 банддан иборат бўлиб, улар матн тузиш ва ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, конспект учун адабиётлар, тестларни еча билишдан иборат:

- а) матн тузиш ва тайёрлашда талаба берилган 3 та саволга жавоб ёзади;
- б) мустақил уй вазифасида талаба берилган 3 та топшириқни бажаради;
- в) бу ерда талаба берилган иккита адабиётдан фойдаланган бўлиши керак;
- г) тестларни еча билишда талаба берилган 2 та тестни ечади.

Бандлардаги топшириқларни бажарилишига қараб ҳар бир банд топшириқларига 0,1 балдан 1 балгача балл қўйилади.

1-топшириқ: Миллий ғоя фанининг предмети, мақсад ва вазифалари мавзусини ўрганиш.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Миллий ғоя фанининг предмети ўрганиш.
- Миллий ғоя фанининг мақсадларини ўрганиш.
- Миллий ғоя фанининг вазифаларини конспект қилиш.

2. Мустақил уй вазифаси

- Мафкура ва ғоя тушунчаларини билиш.
- Миллий ғоя фанига бағишланган асрларни аниқлаш.
- Мафкуранинг тузилиш жадвалини тузиш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Мустақиллик: илмий, изоҳли оммобоп луғат. -Т.: 2006.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007.

4. Тестларни еча билиш.

1.Мафкуранинг кўламига кўра турлари нечта?

1. 2 та. 2. 3 та. 3. 4 та. 4. 5 та.

2. МҒнинг энг қадимги манбасини топинг?

1. Авесто. 2. Куръони карим. 3. Ўғузнома. 4. Алпомиш.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) - Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

2-топшириқ: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари мавзусини ўрганиш.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Мафкуравий манзара.
- Глобаллашув тушунчаси.
- Мафкуравий масалаларнинг глобаллашуви.

2. Мустақил уй вазифаси

- Мафкуравий қутубларни аниқлаб келиш.
- XX асрнинг сўнги ўн йиллигидаги воқеаларни ўрганиш.
- Мафкуравий манзарани тасвирлаб бериш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2001.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: 2007.
- 4. Тестларни еча билиш.

1. Турк будун ғояси қайси тарихий даврга оид?

1. Илк ўрта асрларга.
2. Юқори ўрта асрларга.
3. Сўнги ўрта асрларга.
4. Ўйғониш даврига.

2. «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» қачон қабул қилинган?

1. 1948 йил.
2. 1955 йил.
3. 1995 йил.
4. 2002 йил.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) -Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

3-Топшириқ: Геосиёсат ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар мавзусини ўрганиш.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Геосиёсат тушунчасини билиш.
- Марказий Осиёдаги мафкуравий таъсирларни аниқлаш.
- Мафкуравий полигон тушунчаси.

2. Мустақил уй вазифаси

- Марказий Осиёга нисбатан мафкуравий тахдидларни санаш.
- Ақидапарастлик ва диний ақидапарастликни таҳлил қилиш.
- Миллий ғояга оид Президент асарлар рўйхатини тузиш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси.-Т.: 2001.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2001.

4. Тестларни еча билиш.

1. Ақидапарастлик нима?

1. Ўз ақидасига ишониш.
2. Ақидачилик
3. Бирон бир ғояни мутлақлаштириш.
4. Ҳар қандай -ғояларга берилиб кетиш.

2. Ислом Каримов қайси асарида мафкуравий тахдидлар кўрсатиб берилган?

1. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида.
2. Адолатли жамият сари.
3. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.
4. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) -Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

4- Топшириқ: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели мавзусини ўрганиш.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият.
- Тараққиётнинг ўзбек модели.
- Ислом Каримов Мустақил Ўзбекистоннинг бунёдкори.

2. Мустақил уй вазифаси

- Ислом Каримов феноменини тасвифлаш.
- Ўзбек моделини манбавий асослаш.
- 7 устувор вазифалар рўйхатини тузиш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2001.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007.

4. Тестларни еча билиш.

1. Ислом Каримовнинг 5 тамойили асослаб берилган асарини аниқланг?

1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.
2. Ўзбекистон- иқтисодий чуқурлаштириш йўлида.
3. Ўзбекистон- келажаги буюк давлат.
4. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.

2. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари нечта?

1. 3 та. 2. 4 та.
3. 5 та. 4. 6 та.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) -Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

5- Топшириқ: Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Миллий ғоя тушунчасини изоҳлаш.
- Миллий ғоянинг мақсадларини ўрганиш.
- Миллий ғоянинг вазифаларини ўрганиш.

2. Мустақил уй вазифаси

- Миллий мафкурага оид адабиётлар рўйхатини тузиш. (10 та).
- Миллий ғоянинг мақсади ва вазифаларини санаш.
- Миллий мафкура тизимини айтиб бериш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2001.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007.

4. Тестларни еча билиш.

1. Туркистонда Миллий ғоянинг маърифатчилик босқичининг энг юқори нуқтаси.

1. Демократлар. 2. Пантуркизм. 3. Маърифатпарварлар. 4. Жадидлар.

2. Миллий макуранинг шиори?

1. Ватан равнақи. 2.Тинчлик учун кураш.
- 3.Фаровон ҳаёт. 4.Элим деб юртим деб яшаш.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) -Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

6- Топшириқ: Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари.

1. Мавзу матнини ўзлаштириш

- Ғоявий тарбиянинг услублари ўрганиш.
- Ғоявий тарбиянинг воситалари таҳлил қилиш.
- Мафкуравий тарбияни ўзига хослигини аниқлаш.

2. Мустақил уй вазифаси

- Ғоявий тарбия тушунчасига таърифлар ёзиб келиш.
- Ғоявий тарбиянинг услубларини тартибини келтириш.
- Ғоявий тарбия воситаларини тартибини тузиш.

3. Конспект учун адабиётлар

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: 2001.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007.

4. Тестларни еча билиш.

1. Технология тушунчасининг этимологик маъноси нима?

1. «Санъат тўғрисидаги таълимот».
2. «Харакат тўғрисидаги таълимот».
3. «Усуллар тўғрисидаги таълимот».
4. «Ўқитиш тўғрисидаги таълимот».

2. Ўқитишнинг интерфаол усули бўлмаган шаклини аниқланг?

1. Кластер.
2. Ақлий ҳужум.
3. Танқидий фикрлаш.
4. Тўғри жавоб йўқ.

Адабиётлар ва манбалар.

- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) -Т.: 2005.
- Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар.(Қ.Назаров) -Т.: 2002.

ФАН ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ғоя деганда нимани тушунасан?
2. Миллий ғоя қандай ғоя?
3. Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Ғоянинг турларини санаб беринг.
5. Ғоявий плюрализм нима?
6. Ғояларнинг тарихий шакллари деганда нимани тушунасан?
7. Мафкуранинг қандай турлари бор?
8. Миллий ва умуминсоний ғояларни тушинтиринг.
9. Мафкуранинг мазмун-моҳиятини очиқ беринг.
10. Нима сабабдан миллий мафкура яратилди.
11. Бунёдкор ғоялар.
12. Вайронкор ғоялар.
13. Мафкураларни мутлоқлаштиришнинг салбий оқибатларига изоҳ беринг.
14. Тарихда миллий ғоялар қандай шаклда бўлган?
15. Зардуштийлик ғоялари нималардан иборат?
16. Уйғониш даврининг ўзига хос фалсафий ғояларига тўхталиб ўтинг.
17. Маърифатпарварларнинг ғоялари ва мафкураси нималардан иборат?
18. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига изоҳ беринг.
19. Мафкуравий жараёнларни қандай тушунасан?
20. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви нима?
21. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлади?
22. Глобаллашувнинг ижобий оқибатларига мисоллар келтиринг.
23. Мафкуравий манзара ва глобаллашув жараёнлар.
24. Мустақил давлатимизни ушбу жараёнларга муносабати қандай?
25. Геосиёсат нима?
26. Геополитик мақсадлар деганда нимани тушунасан?
27. Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар қандай муаммолар туғдирмоқда?
28. Геосиёсат ва геополитик мақсадларга Ўзбекистоннинг муносабатлари.
29. Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари.
30. Мафкуравий таъсирларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин.

31. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги тамойилига изох беринг.
32. Давлат бош ислохотчи эканлигини шарҳланг.
33. Қонун устуворлиги нима дегани.
34. Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш шартми?
35. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва жаҳондаги ўрнини аниқланг.
36. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари.
37. Мустақиллик, Озодлик, Истиқлол деганда нимани тушунасиш.
38. Ғоявий бўшлиқ нима?
39. Ғоявий бўшлиқ қандай ҳолларда пайдо бўлади?
40. Зарарли ғоялар таъсири қандай шаклда рўй беради.
41. Мафкуравий иммунитет нима?
42. Мафкуравий иммунитет қандай ҳосил қилинади?
43. Миллий ғояга таъриф беринг.
44. Миллий ғоянинг яратилиш сабаблари нимада?
45. Миллий ғоянинг мазмуни нималардан иборат?
46. Миллий ғоянинг моҳияти деганда нимани тушунасиш?
47. Миллий ғоянинг тарихий илдизларини тушунтиринг.
48. Миллий ғоянинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
49. Миллий ғоянинг вазифаси деганда нимани тушунасиш?
50. Бош ғоямизга таъриф беринг.
51. Ватан туйғуси нима?
52. Ватан равнақи ғоясига таъриф беринг.
53. Юрт тинчлиги ғоясини тушунтиринг.
54. Ҳалқ фаровонлиги ғояси деганда нимани тушунасиш?
55. Комил инсон ғоясини қандай тушунасиш?
56. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини тушунтиринг.
57. Миллатлараро ҳамжихатликнинг жамият ривожига учун аҳамияти айтинг.
58. Диний бағрикенгликнинг кўринишларига мисоллар келтиринг.
59. Ғоявий тарбия ва асосий хусусиятларини айтиб беринг.
60. Миллий ғояни инсон онига сингдириш омилларини сананг.

ФАН ЮЗАСИДАН ТЕСТЛАР

- 1. Ғоя ва мафкураларни тарихдаги ўрнини аниқланг?**
 - А. Ғоя ва мафкуралар тарихда одамларни истило ва истибдодга чорлаган.
 - Б. Ғоя ва мафкуралар тарихда даврлар алмашинувига хизмат қилган.
 - В. Ғоя ва мафкуралар тарихда унчалик рол ўйнамаган.
 - Г. Ғоя ва мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради.
- 2. Маърифатпарварлик ғоялари қайси алломалар томонидан илгари сурилган?**
 - А. Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Фитрат.
 - Б. Мирзо Бедил, Абдулла Авлоний, Ибн Сино.
 - В. Беруний, Фарғоний, Мунаввар Қори.
 - Г. Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Чўлпон.
- 3. Бунёдкорлик ғояси нима?**
 - А. Тарих ғилдирагини олдинга чорловчи восита.
 - Б. Яхшиликка интилиш.
 - В. Шарқ ва Ғарб маданиятини бир-бирига чорловчи тушунча.
 - Г. Инсониятнинг олийжаноб мақсадлари, орзу интилишларини рўёбга чиқаришда хизмат қиладиган ғоя.
- 4. Мафкураларнинг дастлабки асосини аниқланг?**

- А. Ахлоқий билимлар.
- Б. Мифологик тасаввурлар.
- В. Диний тушунчалар.
- Г. Дунёвий билимлар.

5. Инсоният тараққиётига энг катта хавф солаётган фаолият нима?

- А. Ақидапараслик.
- Б. Шовинизм.
- В. СПИД.
- Г. Қуролланиш пойгаси.

6. Мафкуравий полигонлар тушунчаси Ислом Каримовнинг қайси асарида илгари сурилган?

- А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда.
- Б. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.
- В. Миллий мафкура халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.
- Г. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.

7. «Совуқ уруш» даврини белгиланг.

- А. 1945-1991 йиллар.
- Б. 1991-1995 йиллар.
- В. 1985-1991 йиллар.
- Г. 1991-2001 йиллар.

8. Мафкуравий иммунитетнинг биринчи воситаси нима?

- А. Билим.
- Б. Дин.
- В. Қадриятлар.
- Г. Фан.

9. Иммунитет тушунчасини маъноси нима?

- А. Сакраш.
- Б. Қутулиш.
- В. Тажовуз.
- Г. Даволаниш.

10. Мафкуравий иммунитет қандай ҳосил бўлади?

- А. Туғма.
- Б. Физиологик.
- В. Сиёсий.
- Г. Тарбиялаш-шакллантириш.

11. Геосиёсат тушунчаси нима?

- А. Минтақавий низолар.
- Б. Халқаро муаммолар.
- В. Турли хил давлат ва халқлар манфаатлари тизими.
- Г. Сиёсатнинг бир тури.

12. Геосиёсат тушунчасини муомалага ким киритган?

- А. И.Каримов.
- Б. Де.Трасе.
- В. Р.Челлен.
- Г. Н.Макиавелли.

13. Ватанимизга ёт ғоялар қандай ниқоблар билан киришга уринди?

- А. Тижорат.
- Б. Санъат.
- В. «Миллатдош», «Диндош».
- Г. Савдо-сотик.

14. Гегемонлик нима?

- А. «Хукум».

Б. «Тазйик».

В. «Раҳбар».

Г. «Йўлбошчи».

15. Гоялар ўз моҳиятига кўра қандай намоён бўлади?

А. Бунёдкор ва вайронкор.

Б. Яхши ва ёмон.

В. Илмий ва диний.

Г. Барча жавоблар тўғри.

16. «Туркистон умумий уйимиз» шиори қачон ким томонидан илгари сурилган?

А. 1993 йил, Н.Назарбоев.

Б. 1993 йил, А.Акаев.

В. 1994 йил, И.Раҳмонов.

Г. 1995 йил, И.Каримов.

17. Марказий Осиё халқларини дўстлиги ва қардошлигини боғловчи 5 тилда чиқадиган нашрни аниқланг?

А. Туркистон.

Б. Туркистон умумий уйимиз.

В. Ўрта Осиё.

Г. Марказий Осиё маданияти.

18. Иқтисодиётнинг жамиятдаги ўрнини аниқланг?

А. Иқтисодиёт жамиятнинг сиёсатидан устундир.

Б. Иқтисодий қонунлар объективдир.

В. Иқтисодиёт сиёсатга эргашади.

Г. Иқтисодиёт мафкурага хизмат қилади.

19. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг маънавий соҳадаги вазифаларини аниқланг?

А. Миллий қадриятларни тиклаш.

Б. Миллий ўзликни англаш.

В. Хуқуқий тенглик.

Г. Мулкни хусусийлаштириш.

20. Комил инсон бу...

А. Ахлоқли, илмли киши.

Б. Ақлли, ватанпарвар киши.

В. Энг юксак маънавий ва жисмоний фазилатларни ўзида мужассам этган шахс.

Г. Маънавий етук инсон.

21. Миллий тотувлик бу ...

А. Халқларнинг ўзаро дўстлиги.

Б. Миллиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

В. Бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат вакиллариининг ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик.

Г. Тўғри жавоб йўқ.

22. Диний экстримизм бу...

А. Динни тарғиб қилиш.

Б. Диний партияларни тузиш.

В. Ўз диний дунёқарашини зўрлик билан, куч ишлатиб бошқаларга сингдириш.

Г. Динни ниқоб қилиб кийиб олиш.

23. Умуминсоний қадриятлар тушунчасини таърифланг?

А. Бу-инсон томонидан яратилган моддий бойликлар.

Б. Бу-халқ ёки миллатнинг маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари.

В. Бу-халқнинг диний қарашлари.

Г. Бу-шахснинг ахлоқий онги.

24. Тоталитаризмнинг моҳияти нимадан иборат?

- А. Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига аралашуш ва ўзига бўйсиндириш.
- Б. Жамият ва шахс устидан ҳокимиятнинг ёппасига назоратга олган сиёсий режим.
- В. Демократияни тиклаш.
- Г. Инсон эркинлигини чегаралаш.

25. Биринчи бор фашизм қачон ва қаерда ўрнатилган эди?

- А. Италияда 1922 й.
- Б. Германияда 1922 й.
- В. Испанияда 1922 й.
- Г. Руминияда 1922 й.

26. Ислом Каримовнинг Юксак маънавият- енгилмас куч асарининг тақдими қачон ўтказилган?

- А. 2008 йил 20 январь.
- Б. 2008 йил 15 май.
- В. 2008 йил 31 август.
- Г. 2008 йил 1 октябрь.

27. Гоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик қандай салбий оқибатларга олиб келади?

- А. Миллатлараро бирдамликка таҳдид солади.
- Б. Мамлакатни қарамлик исканжасига солади.
- В. Жамиятни сунъий равишда қарама-қарши тарафларга ажратади.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

28. Ўзбекистон давлат сиёсатида қайси вазифа устивор ҳисобланади?

- А. Ижтимоий муҳофаза.
- Б. Иқтисодий-экологик.
- В. Маданий.
- Г. Маънавий-маърифий.

29. «6+2» гуруҳига қайси мамлакатлар кирмайди?

- А. Хитой, Тожикистон.
- Б. Ўзбекистон, Покистон.
- В. Эрон, Туркменистон.
- Г. Қозоғистон, Қирғизистон.

30. БМТ нинг асосий мақсади нимадан иборат?

- А. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш.
- Б. Ҳарбий ҳаракатларни қўллаб қувватлаш.
- В. Мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини таъминлаш.
- Г. Мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш.

31. Ҳозирги кунда умумбашарий муаммоларнинг қайси бири долзарб ҳисобланади?

- А. Экологик муаммолар.
- Б. Демографик муаммолар.
- В. Урушларнинг олдини олиш.
- Г. Озиқ-овқатнинг етишмаслиги муаммоси.

32. Гояга, фикрга, жаҳолатга қарши нима билан баҳсга киришиш мумкин?

- А. Мафкура.
- Б. Сиёсат.
- В. Маърифат.
- Г. Дин.

33. Мустақиллик рамзларидан қайси бири дастлаб қабул қилинган?

- А. Конституция.
- Б. Герб.
- В. Мадҳия.
- Г. Байроқ.

34. Баркамол авлод тушунчаси луғавий мағноси нима?

- А. Комиллик.
- Б. Жалоллик.
- В. Комилликка етакловчи.
- Г. Фақир инсон.

35. Ўзбекистонда маънавий бурилиш йили қачон.

- А. 1993 йил.
- Б. 1994 йил.
- В. 1995 йил.
- Г. 1996 йил.

36. Энг олий қадрият нима?

- А. Табиат.
- Б. Тўй.
- В. Инсон.
- Г. Жамият.

37. «Мафкура» нима?

- А. Ғоя.
- Б. Бош ғоя.
- В. Маърифат.
- Г. Ғоялар ҳақидаги таълимот.

38. Ислоҳ Каримовнинг «Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиори қачон илгари сурилган?

- А. 1991 йил.
- Б. 1992 йил.
- В. 1993 йил.
- Г. 1995 йил.

39. Маърифат нима?

- А. Билим-билиш.
- Б. Уқиш.
- В. Ўқиш.
- Г. Мактаб.

40 «Куч - билим ва тафаккурдадир» ибораси кимники?

- А. Амур Темур.
- Б. Улуғбек.
- В. Навоий.
- Г. Каримов.

ЎТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:

Кўриб чиқилган мавзулар юзасидан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

- Миллий ғоянинг эҳтимоллик маъноси талқинлари бўлиб унинг ўрганиш объекти инсон руҳиятидир.
- Мафкура ва иқтисодиёт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб бир-бирини тақазо этади ва бойитади.
- Сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура ҳар қандай маънавий омилнинг энг муҳим таркибий асосини ташкил этади.
- Миллат маънавиятини таркибий қисмини миллат маърифатчилари ташкил этади.
- Миллий ғоя курси ўз муаммоларни ижтимоий фан усул ва услубиятига асосланиб ўрганади.
- Миллий ғоя ҳам ўз эътиборини комил инсонни тарбиялашнинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик жихатлари ва омилларини ўрганади.

- Ғоя инсон тафаккури махсули, Миллий ғоя эса миллат тафаккурининг махсулидир.
- Миллий мафкура бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.

ФАН БЎЙИЧА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР

- Миллий ғоя асослари курси инсон маънавий оламини ўрганувчи ва тарбияловчи билим соҳаси сифатида ўрганиш.
- Миллий ғоя юксак маънавий инсонни тарбиялаш омил ва воситалар тизимини яратиш.
- Миллий ғоя асослари курсини ватанпарварлик тарбиясини амалга оширувчи энг муҳим ижтимоий билим жабҳаси сифатида тадқиқ этиш.
- Бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши кескин чора ва тадбирлар тизимини тадқиқ этиш.
- Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактикани ёшлар онгига сингдиришнинг замонавий услуб ва воситаларини яратиш.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

1. Адабиётлар рўйхати:

а) Асосий:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва форовон ҳаёт пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Миллий мафкура-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) - Т.: 2005.
5. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: 2000.
6. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (Қ.Назаров) - Т.: 2002.
7. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанидан изоҳли тажрибавий луғат. – Т.: 2004.
8. Milliy istiqlol g'oyasi. –Т.: 2009.
9. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари. –Т.: 2005.
10. Миллий ғоя. (ўқув услубий мажмуа). -Гулистон: 2008.

б) Қўшимча:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: 1999.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: 1999.
7. Зоҳидов А., Ҳамидов А. Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси. -Фарғона. 2006.

8. Бегматов А. Маънавий фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. - Т.: 2000.
9. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. - Т.: 1996.
10. Мустақиллик: илмий, изоҳли оммобоп луғат. - Т.: 2006.
11. Миллий истиқлол ғояисни шакллантиришда ташкилий услубий ёндашувлар. - Т.: 2002.
12. Ўзбекистоннинг Миллий мафкура. - Т.: 1993.
13. Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. - Т.: 2000.
14. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. - Т.: 1996.
15. Миллий мафкура келажак пойдевори. - Т.: 2000.
16. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистоннинг етти зафарли йили. -Т.: 1999.
17. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: 2004.
18. Жўраев. Н Файзуллаев.Т. Истиқлол ва тарихий жараён.- Т.: 2000.
19. Миллий ғояни шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. -Т.: Академия. 2002.
20. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: 2007.

2. Итнернет сайтлари:

www.istedod.uz
www.akademik.ru
www.islom.uz
www.ziyo.net
www.pedagog.uz
www.kutubxona.uz
<http://www.guldu.uz/> - Guliston Davlat Universiteti sayti
<http://www.gduportal.uz/> - Guliston Davlat Universiteti ichki axborot ta'lim portali
<http://www.edu.uz/> - Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi portali
<http://www.istedod.uz/> - O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Iste'dod jamg'armasi
<http://www.ziynet.uz/> - O'zbekiston axborot ta'lim tarmog'i
<http://www.uz/> - Milliy qidiruv tizimi
<http://www.uforum.uz/> - O'zbekiston forumchilari sayti
<http://guldu.zn.uz/> - Guliston Davlat Universiteti ziynetdagi blogi
<http://www.ref.uz/> - Feferatlar kolleksiyasi
<http://www.dissertant.uz/> - Yosh olimlar portali
<http://www.goldenpages.uz/> - O'zbekistonning oltin sahifalari
<http://www.e-darslar.net/> – Elektron onlayn darslar manzili
<http://www.vlibrary.freenet.uz/> — Elektron darsliklar kutubxonasi
<http://www.multimedia.uz/> – Multimediya umumta'lim dasturlarini rivojlantirish markazi
<http://www.talim.uz/> – Masofaviy o'qitish ta'lim markazi
<http://www.ilm.uz/> – Masofaviy ta'lim va test o'tkazish tizimi
<http://www.DTM.uz/> – Test markazi sayti
<http://www.allbest.ru/> – Elektron kutubxonalar bibliotekasi

“Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан ГЛОССАРИЙ

Ақида- (арабча- ишонч) – мутаассиб диндорлар учун мажбурий бўлган, улар шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим, деб ҳисоблайдиган диний талаблар.

Барқарорлик- тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муҳим шароит.

Ватан – (арабча –она юрт, ўлка) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакат.

Давлат- бош – ислоҳатчиси- истибдод тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг шаклларида бири.

Давлат рамзлари –давлат мустақиллигини белгиловчи белги, нишона ёки тимсоллардир.

Ислоҳот- (арабча ”ислоҳот” – яхшилаш тузатиш) – ислоҳ қилиш, тубдан ўзгартириш, қайтадан куриш, янгидан ташкил қилиш.

Истиқлол- (арабча- кўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) –ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

Мафкура- (арабча- нуқтаи назарлар ва эътиқотлар тизими мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий қарашлар. Фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Миллийлик- муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи.

Миллий мафкура-халқнинг, миллатнинг ўлмас эътиқодидир.

Миллат- (арабча- халқ) – худудда истиқомат қиладиган, умумий тил. Маданият, урф-одат, қадриятлар ва руҳий яқинлик билан фарқланувчи этно ижтимоий бирлик.

Парламент- (французча- сўзламоқ,, сўзлаш)- расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади.

Плюрализм –(лотинча ”кўплик”) ранг –баранглик бўлиб бирор-бир сиёсий, иқтисодий, назарияга ҳар томонлама ёндашиш.

Тамойил- бирор-бир таълимот, дунёқарашнинг асосий ,бирламчи қондаси, бошқарувчи ғоя, фаолиятининг асосий йўналиши.

Терроризм- (лотинча – кўркув, даҳшат) ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўровонлик усули.

Ғоявий бўшлиқ – муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати.

Ғоя- инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлаш шакли.

Менталитет- (лотинча-“ақл”, “зеҳн”, “идрок”, “заковат”) демакдир. Жамият, миллат, жамоат ёки алоҳида шахс, тарихий таркиб топган тафаккур даражаси ва маънавий салоҳиятдир.

Диний экстремизм- динни ниқоб қилиб олиб, зўровонлик асосида конституцион тузумга тажовуз қилиш.

Стратегия –амалга ошириши лозим бўлган ва узоқ даврга мўлжалланган мақсадни амалга ошириш йўли.

Референдум – жамиятдаги муҳим масалалар ечими бўйича умумхалқ сўрови.

Оппозиция- муҳолифат партияларнинг сиёсий жараёнлардаги ўзаро муносабатларини белгиловчи мезон.

Мустақиллик- табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезон, халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши.

Ўзбек модели – Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиётимизнинг 5 тамойилга асосланган ўзига хос ва мос йўли.

Иммунитет – (лотинча- сўздан олиган бўлиб, “озод бўлиши, қутилиши маъносини”) беради. Инсонни турли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодир реакциялар мажмуидир.

Мафкуравий иммунитет- моҳиятан ғайриинсоний ғояларга қарши тура олиш хусусиятни шакллантиришдир.

Мафкуравий прфилактика (олдини олиш, даволаш) – ёт ғояларни, мафкураларни кириб келишини олдини олиш, ҳамда кириб келганларини йўқотишга қаратилган чора ва тадбирлардир.

Вотум- (лотинча- “ҳоҳиш, ирода”) сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри ва қарори.

Инновацион- фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув соҳасида янгилик киритиш.

Президент – сўзи (лотинча бўлиб, “олдинда ўтирувчи”) деган маънони билдиради.

Сенат – сўзи (лотинча сўзларидан олиган бўлиб, ўзбекча “оқсоқол”, “мўйсафид”) деган маънони билдиради.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони	7
Фанни ўқитишнинг концептуал асослари	9
1-мавзу: Миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	10
2-мавзу: Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳият-мазмуни	14
3-мавзу: арихий тараққиёт: ғоявий-мафкуравий жараёнлар	23
4-мавзу: Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлар	29
5-мавзу: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели	35
6-мавзу: Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири	45
7-мавзу: Миллий ғоянинг моҳияти, асосий тамойиллари	52
8-мавзу: Миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғоялар тизими.	63
9-мавзу: Миллий ғоянинг ёшлар онгига сингдириш соҳалари ва йўналишлари	79
Семинар машғулоти режаси	88
Талабалар мустақил иш топшириқлари	92
Фан юзасидан назорат саволлари	95
Фан юзасидан тестлар	96
Ўтилган мавзу бўйича якуний хулосалар.....	100
Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар	101
Информацион таъминот.....	101
Глоссарий.....	103
Мундарижа	104

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт

Ватан равнақи ғояси

Комил инсон ғояси

Диний бағрикенглик ғояси

Юрт тинчлиги ғояси

Халқ фароваонлиги ғояси

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси

Миллатлараро тотувлик ғояси

**Миллий
мафкуранинг бош
ва асосий ғоялари**